

R 496

7-12

ГУДИСТОК  
№ 7 (31) 1969

4-12



Экз  
№ 7



Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали



№ 7 (31) Июль 1969

### БУ СОНДА

Салом, Россия!  
Шеърхонлик  
Ленин юртида  
Биз Уралда ўқиганмиз  
Пахтанинг ойдин йўли  
Муҳаррир минбари  
Одобнома  
Тўйхат  
Буюк сиймолар  
Дам олиш соатларида  
Гулнинг тикани

### АВТОРЛАРИМИЗ:

Ё. Насриддинова, Расул Ҳамзатов,  
Мустай Карим, Уйғун, Султон Акба-  
рий, Ҳ. Абдусаматов, Бернора Ҷори-  
ева, Ш. Ҳамроқулов, Х. Тошматов,  
Н. Худойбердиев, Васфий, С. Безно-  
сов, М. Назаров, Ш. Юсупов, К. Риза-  
ев, С. Удвал, Ш. Убайдуллаев ва бош-  
қалар.

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва  
адабий-бадиий журнал.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг  
Бирлашган нашриётида босилди.

Муқованинг биринчи бетиди: Тошкент экскаватор за-  
водининг коммунистик меҳнат зарбдорлари — пайвандчи  
Абдулатиф Абдурахимов билан йиғувчи слесарь Ни-  
колай Филипов.

Г. Графкин фотоси.

Иккинчи бетиди: Россия — бепоен Ватан.  
Тўртинчи бетиди: Россия манзаралари.

Г. Графкин фотоси.

Ички рангли саҳифаларнинг биринчи бетиди Тош-  
кент чинни заводи ишчилари тайёрлаган чинни кўза.  
Унда Ленин сиймоси акс эттирилган.

## КЕЛГУСИ СОН

Ўзбекистонда Қирғизистон адабиёти ва  
санъати ўн кунлигига бағишланади.

---

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР. Таҳрир ҳайъа-  
ти: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ,  
Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ,  
Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул нотиб),  
Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Ко-  
мил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-  
НИЕЗИЯ.

---

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

---

Бош расм Э. РУЗИБОЕВ.  
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

---

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

---


«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош му-  
ҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул нотиб — В-33659. Иж-  
тимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадиий ва фан-ма-  
даният бўлимлари — В-33-519. Қабулхона — В-33519.

---

Теришга топширилди 28/V-69 й. Босишга ижозат берилди  
4/VII-69 й. Қоғози 70 × 108 $\frac{1}{8}$ . Ҳажми 4,5 босма тобоқ.  
Буюртма 484. Нухсаси 155780. Баҳоси 30 т. Р 11239.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган  
нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.



МОСКВА. Коммунистик ва ишчи партияларининг Халқаро кенгаши. СУРАТДА: мажлислар залида.

В. Янков фотоси (ТАСС).

# ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМГА САДОҚАТ

Коммунистик ва ишчи партияларининг 5 июндан 17 июнгача Москвада бўлиб ўтган Халқаро кенгаши якунлари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ер кўрасининг ҳамма қитъаларидан келган 75 қардош партиянинг делегациялари қатнашган Кенгаш коммунистик ҳаракатнинг актуал проблемаларини, унинг жаҳон тараққиёти ҳозирги босқичидаги вазифаларини муҳокама қилди.

Кенгашнинг иши ва қабул қилган ҳужжатлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг империализмга қарши олиб бораётган курашида, коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашда, барча антиимпериалистик кучларни жипслаштиришда унинг катта муваффақиятга эришганини билдиради. Кенгашга атрофлича, конструктив ва демократик тарзда ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганлиги ҳам, Кенгашнинг ўзи ўртоқларча бирдамлик муҳитида ўтганлиги ҳам бунга ёрдам берди. Чўқур ва принципиал, амалий ва эркин мунозара айрим партияларнинг муҳокама қилинган масалалар тўғрисидаги қарашлари ва фикрларини тақдослаб кўришга имкон берди.

Кенгаш ҳозирги замонни ҳар томонлама илмий анализ қилишга асослашиб, империализмга қарши курашда биргаликдаги ҳаракатларнинг жанговар платформасини ишлаб чиқди, жаҳон коммунистик ҳаракатини

марксизм-ленинизм, пролетар интернационалиزمни принциплари негизида жипслаштириш лозимлигини яқдиллик билан билдирди. Бу платформа қардош партияларнинг туб проблемаларидаги муштарак позицияларини акс эттиради ва шу билан бирга коммунистлар халқаро армияси айрим оғрайдларнинг иш шaroитларини ҳисобга олади.

Кенгаш «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деган Ҳужжатни қабул қилди. Бу Ҳужжат коммунистлар, меҳнаткашлар, барча тараққийпарвар кучлар учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб, империализмга қарши, унинг агрессия ва реакция сиёсати-га қарши олиб борилаётган ялпи курашда уларни бирлаштиришга, ер юзининг ҳамма қисмларида бу курашни активлаштиришга қаратилган.

Кенгаш қатнашчилари «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида»ги Мурожаатни завқ-шаўқ билан қизгин маъзуллашди. Бу Мурожаат шонли юбилейни муносиб нишонлашга даъват этади. Бу ҳужжат қабул қилинганлигининг ўзи катта принципиал аҳамиятга эга. Ленининг номи дувёнинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган, инсониятга социализм ва коммунизм йўлини очиб берган

Улуғ Октябрь галабасининг, жуда катта революцион ишларнинг рамзи бўлиб қолди. Марксизм-ленинизм таълимотининг интернационал аҳамиятини жаҳон социализмининг, ишчилар ва миллий озодик ҳаракатининг бутун тажрибаси исботлади.

Коммунистлар, деб таъкидланади Мурожаатда, марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмнинг революцион принципларини ҳар қандай ёлварга қарши курашда қаттиқ туриб ҳимоя қилишини, бу принципларни оғинмай амалга ошираверишини, марксизм-ленинизм назарисини ҳамisha ривожлантираверишини, уни синфий курашнинг ва социалистик жамият курашининг ҳозирги замон тажрибалари асосида бойитиб боришни ўзларининг вазифалари, деб биладилар. Кўпгина қардош партияларнинг делегациялари ХКП ҳозирги раҳбарларининг улуғ давлатчилик-шовинистик йўлини принципиал танқид қилдилар, уларнинг марксизм-ленинизмга ҳиёнат қилганликларини, коммунистик ҳаракатда қўнрувчилик, бузғунчилик ишлари олиб бориб, империализм тегирмонига сув қуюётганликларини фoш этдилар.

Кенгаш жаҳон коммунистларининг марксизм-ленинизмга содиқлигини, уларнинг бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга қатъий эътибор берганликларини таъкидлади.

Кенгаш жаҳон халқларига Мурожаат қи-

ГБ УэССР  
Ж

либ: «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик берилсин!» деб даъват этди. Бу даъват — Кенгашда вакиллари қатнашган коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳозирги босқичда антиимпериалистик курашнинг энг ўткир масаласидаги бирлигини даъват қилиб, коммунистлар ўз озодлик ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Вьетнам халқига интернационал бирдам ва мададкор эканликларидан далолат беради.

Кенгаш «Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида Хитобнома» эълон қилди. Бу ҳужжатда ҳозирги замоннинг энг асосий проблемаси хусусидаги позиция лўнда қилиб баён этилган, ҳамма мамлакатлар аҳолисининг гоёт кенг ва хилма-хил табақаларига мурожаат қилиниб, жаҳон термо ядро можароси хавфига қарши, империалистларнинг агрессия сиёсатига қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун олиб борилаётган биргаликдаги курашни қучайтиришга даъват этилган. Ҳужжат халқаро ишчилар ҳаракатининг урушга қарши, милитаризмга қарши традициясини давом эттиради.

Кенгашда араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши адолатли курашини қўллаб-қувватловчи Баёнот, шунингдек жуда оғир репрессияларга дучор қилинаётган ва халқаро империализм ҳомийлигидаги реакцион диктаторлик режимидаги қарши оғир шариотда фидокорона кураш олиб бораётган коммунистлар ва демократлар билан бирдамлик тўғрисидаги Баёнотлар қабул қилинди.

«Кенгашда қабул қилинган ҳужжатлар умумий курашимизда ҳаммаимизга янги қурол беради.— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Халқаро кенгаш қатнашчилари шарафига ўтказилган қабул маросимида.— Бу ҳужжатлар барча мамлакатлардаги коммунистлар ва меҳнаткашларга империалистик агрессияга ва зулмга қарши кураш олиб бориш йўлларини янада равшанроқ қўришга ёрдам беради. Бу ҳужжатлар озодлик, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун курашаётган ер юзидagi барча софиди, прогрессив кучларга биргаликда қардошлик даъватимиз бўлиб жаҳон узра янграйди».

Қабул қилинган ҳужжатлар — коммунистик ва ишчи партияларнинг бундан буён қиладиган катта ишлари учун, ўз олдидаридан турган вазифаларни бажаришлари

учун яхши, пухта асосдир. Кенгаш якулари ҳар бир коммунистик партиянинг ва умуман бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Коммунистларнинг халқаро учрашувлари етилган проблемаларни муҳокама қилишнинг ва биргаликдаги ҳаракатлар программасини ишлаб чиқишнинг муҳим формаси эканлигини Кенгаш яна бир марта кўрсатди.

Дунёдаги коммунистик ва ишчи партияларнинг шу қадар мўътабар учрашуви Ватанимиз пойтахтида бўлиб ўтганлигини Советлар мамлакатининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари катта шараф деб билдилар. Кенгаш ишнинг биринчи кунидан то охиригача унинг номига кетма-кет хат ва телеграммалар келиб турди — жами 14 мингдан ортиқ хат ва телеграмма олинди,— уларни ёзиб юборган совет кишиллари коммунистлар анкуманига муваффақиятлар тиладилар. Кенгаш жаҳон коммунизмининг улғу тарихий мақсадлари учун олиб бораётган курашида, унинг янги-дан-янги муваффақиятлари гарови бўлган бирликини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деб ишонч билдирдилар. Бунда партияимизнинг, халқимизнинг пролетар интернационализи бузилмас принципларига садоқати ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Кенгаш кунлари қардош партияларнинг делегациялари империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм ишнинг тантанаси учун олиб борилаётган умумий курашга Совет Иттифоқи Комунистик партияси билан Совет давлати катта ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида сидқидилдан самимий гаплар айтишди. Кремлдаги қабул маросимида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Вирнич секретари ўртоқ В. Гомулка КПССнинг социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги тарихий хизматларини таъкидлаб, бундай деди:

«Эндиликда Совет Иттифоқи Комунистик партияси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи жаҳонда ҳал қилувчи кучга айландики, уни капитализм енга олмайди. Бугунги кунда империализм уруш ёки тинчлик бўлиш-бўлмаглигини яқка ўзи ҳал қила олмайди, деб гапирётган эканмиз, бу аввало, Совет Иттифоқи Комунистик партияси хизмати натижасидир. Бунинг учун биз, даставвал, Совет Иттифо-

қининг қудратидан миннатдоримиз. Бу қудрат Совет Иттифоқи Комунистик партиясини жаҳондаги тенг ҳуқуқли барча коммунистик партиялар ўртасида биринчи ўринга чиқариб қўйган объектив фактордир».

Бизнинг партияимиз, халқимиз КПСС, Совет давлати сиёсати, уларнинг империализмга қарши, адолатли ишмизнинг тантанаси учун умумий курашга қўшаётган ҳиссасига қарашдош ўртоқларимиз бераётган юксак баҳони миннатдорчилик ва илҳом билан кутиб олади. Партияимиз билан Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси В. И. Ленин турилган куннинг юз йиллигига бағишланган Ҳужжат Кенгашда қабул қилинганлиги коммунистларни, барча совет кишиларини руҳлантирди. Бизнинг ҳаракатимиз олдда, дунёдаги барча антиимпериалистик кучлар олдда очилаётган янги истиқболларни амалга оширишга ёрдам бермоқ учун КПСС куч-қувватини аямайди.

Кенгаш янги тарихий тажрибани умумлаштириб, коммунистик ҳаракатини бойитди, революцион назария, стратегия ва тактикани ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Кенгаш якулари халқаро коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлашга, унинг кучи, обрўйи ва нуфузини оширишга, коммунистларни, кенг меҳнаткашлар оммасини, бутун тараққийларвар инсониятни яхлит антиимпериалистик фронтни вужудга келтиришга, бутун инсониятнинг порлоқ келажак учун курашда ҳозирги замоннинг уч асосий кучини—жаҳон социалистик системасини, халқаро ишчилар синфини, миллий озодлик ҳаракатини бириштиришга сафарбар қилишга қўмақлашади.

Кенгашнинг қуйидаги жанговар даъвати ҳозир дунёдаги турли халқларнинг тилларида янграб турибди:

— СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ХАЛҚЛАРИ, КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ПРОЛЕТАРЛАР, БАРЧА ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР, ОЗОД БУЛГАН ВА МАЪЛУМ ХАЛҚЛАР, ТИНЧЛИК, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН, ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ МУШТАРАК КУРАШДА БИРЛАШИНГИЗ!

(«Правда»нинг 21 июндаги бosh мақоласи).

**Ишчи синфи учун  
бирдамлик  
бениҳоя қиммат,  
қабул қилинган ҳужжатлар — коммунистик ва ишчи партияларнинг бундан буён қиладиган катта ишлари учун, ўз олдидаридан турган вазифаларни бажаришлари**

В. И. ЛЕНИН.



Совет Иттифоқи Комунистик партияси вакиллари Комунистик ва ишчи партияларининг Халқаро кенгашида.

В. Соболев фотоси (ТАСС).

# САЛОМ, РОССИЯ

Ё. С. НАСРИДИНОВА  
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Мана, бир асрдаи ортиқдирки, буюк Россия халқлари билан биргамиз. Бу бизнинг тарихий, порлоқ тақдиримиз экан. Бу давр ичида меҳнаткаш халқимиз илғор рус революцион тафаккурдан, прогрессив фан ва маданиятидан бевосита баҳраманд бўлиб, қад кўтарди. Ўзлигини таниди, халқлар билан дўстлашиб, маркс-ленинча революцион тарих йўлига кирди.

Улуғ Октябрь Россия билан бўлган маънавий ва амалий бирлигимизнинг, бузилмас дўстлигимизнинг, янги жаҳмият қуришидаги биродарона ҳамкорлигимизнинг янги қудратли манбаларини очиб юборди. Биринчи совет республикаси РСФСР бошқа совет республикаларига она бўлди. Доҳий Ленин асос солган ва амалга оширган бу тарихий қон-қардошлик, тоғув қўшнилик ва беғараз, самимий дўстлик ҳислари бизнинг даврда енгилмас кучга айланди. Октябрь кунлари, граждандар урушининг шонли саҳифалари, мамлакат индустриясининг, қишлоқ хўжалигининг кучга кириши йиллари, Улуғ Ватан уруши даври ва ундан кейинги шонли чорак аср бу дўстлиكنи шиддатли тарихий синовлардан ўтказди. Улуғ Ленин декрети билан очилган университетимизнинг биринчи муаллимлари Россия олимлари эди, Ильич имзоси билан ҳаётбахш бўлган чўлларимизнинг биринчи ирригатор ва агрономлари рус устозларимиз эди, доҳиёна ГОЭЛРО планда кўрсатилган биринчи маъшталларимизни биз рус инженирлари билан бирга ёқдик. Қудратли ишчи синфимиз вужудга келди. Москва ва Ленинград — фан ва санъатимизнинг, Урал — биринчи металлургияларимизнинг мактаби бўлди. Оқ олтинимиз Россия шахарларидаги барча йирик комбинатларни озиқлантирса, Бухоронинг зангори олови Свердловск индустриал гигантларини юргизса, жўшқин дарёларимизда қурлайётган улкан ишшоотлар шонли рус ишчилари бунёд этган гигант турбиналар ва қудратли насослар билан ишлаб турабди. Волгоград ва Челябинск тракторларини бепоён пахта далалялла.

Горкий ва Ярославль автомобилларини ўзбек трассаларида, қимматбаҳо атласларимизни қардошларимиз эғнида, ширин-шакар меваларимизни эса дўстлик дастурхонларида кўриб ўрганиб қолганмиз. Шаҳарлар меҳмондўзлиги, ғаллакорлар билан пахтакорлар мусобақаси, Иваново билан Тошкент тўқимачиларининг азали дўстлиги, пойтахтимизда тантанавор ўтган «Москва кунлари», Москвада ўтган декадаларимиз — булар бари қардошликнинг шонли традициялари бўлиб қолди. Россия меҳнаткашларининг Тошкентда кўриб берган 350.000 квадрат метр турар жой бинолари эса дўстлигимизнинг яна бир моддий ифодасидир.

Бизнинг санъаткор ва ёзувчиларимиз қардош рус устозлари билан бўладиган учрашувларни доим маҳорат мактаби деб ҳисоблайдилар, чунки санъат ва адабиётимизнинг юксалишида дунёда энг илғор, энг халқчил, энг юксак ғоявий рус санъати ва адабиёти ҳамisha баракали таъсир кўрсатиб келди.

Бу гал адиб ва санъаткорларимиз қардош Россиянинг улуғ ва сеvimли она-дарёси Волга бўйлаб юриб, машҳур Горкий, Қозон ва Ильич диёри — Ульяновск шахарларида ижодий ҳисоб бердилар. Санъатимиз маршрутида Ленин ватани Ульяновск шахрининг бўлиши ҳаммамизни ҳаяжонга солмоқда, чунки биз бу азиз даргоҳга доҳийнинг 100 йиллик тантаналари арафасида меҳмон бўламиз. Биз биламизки, санъат асарларимиз ва китобларимиз улуғ Ленинга халқимиз миннатдорлигини, унинг энг эзгу туйғуларини мумкин қадар тўла ифодалаш керак. Бу масъулият ҳисси ва бу қувонч қалбларимизни баид этган, биз қадрдон Россия томон йўлга чиқмоқдамиз.

Ўзбекистон санъаткорлари ва ёзувчиларининг бу сафари халқимизнинг улуғ Россия халқлари билан қардошларча дўстлигини яна ҳам мустаҳкамлаш учун хизмат қилажак!

Салом, азиз ва бепоён ўлка, салом, қардош халқларнинг буюк оиласи, салом. Она-Россия!



# Севюшлар Дўстлик

Расул ҲАМЗАТОВ

## РУС ЎРТОҚҲА



Минг йиллик уқубат, кулфат ҳақида  
Ва ўзим ҳақимда сўзлай ҳикоя.  
Уни қалам эмас, жанглар чоғида  
Қилич ёзганини айтсам, кифоя.

Ёнаётган уйлар, фарёд, кўз ёшлар,  
Қабр тепасида қорайган тошлар,  
Ёв отин туёғи тонтаган дала...  
Тарихим варағи шундай дабдала...

Жангчи юрагига қадалган ҳар ўқ  
Ачиқ қисматимдан қилур хабардор.  
Отам замонда юрт тингани йўқ,  
Менинг даламини ҳам босди араблар.

Ҳали мен бешикда ётган чоғимда  
Эрон ҳукмдори сўрди қонимни.  
Ўзим қовурилдим у мен ўз ёғимда  
Жанг қилдим, йўқотай дея ганимни.

Қароқчи туркларни ҳайдовдим энди,  
Юртимга инглиз босгириб келди.

Қамал қуршовидан чиқолмадим ҳеч,  
Асқотди на чакмон, на шамшир, қилич.

Аммоки, хурликни сен бердинг буткул,  
Утдан олиб чиқдинг, дединг — қанот қоқ.  
Сендан миннатдордир ҳар қайси овул,  
О, менинг жон дўстим, азиз рус ўртоқ.

Бугун яқинимга йўл олмас душман,  
Тоғларимда нафас оламан озод.  
Сен мени шунчалик кучли этмишсан,  
Рус халқи, сен бердинг шунчалик нажот.

Жангчи юрагидан сугирдинг ўқни,  
Эски яраларга сен қўйдинг малҳам.  
Ўзинг бирлаштирдинг жамики халқни,  
Бир юлдуз остида сафлар мустаҳкам.

Меҳнатда раҳнамо, жангда нажоткор,  
Ҳар ишда ироданг, меҳринг бор қайноқ.  
Шунинг-чун сен билан қилгум ифтихор,  
О, менинг жон дўстим, азиз рус ўртоқ!

Юсуф ШОМАНСУР таржимаси.

Александр ПРОКОФЬЕВ

## РОССИЯ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

1

Менга лозим Россиядан сўз очмоқ,  
Маҳд этайки, шеърларим ёд ўқилсин,  
Маҳд этайки, ҳамма номдан кучлироқ  
«Россия!» деб, ҳамма қайд қилсин.

Буни ҳар ким ҳамма номдан: онадан  
Ердан ҳам азиз деб дилдан ўтказсин,  
Трдан тилга кўчириниб, куйлаган  
Узоқ зангор тўлдиларга етказсин.

2

Мен сен билан ёлғиз қолиб неча бор,  
Бахт сўрардим, сўрар эдим маслаҳат,  
Ҳар сафар ҳам тақдиримга бўлиб ёр,  
Юлдуз бўлиб нур сочардинг ҳамма вақт.

Ярқираб у нур онаминг кўзидан,  
Қалбга кириб, томиримда бўлди қон,  
Агар у нур сўниб қолса кўксимда,  
Юрагим ҳам ёриларди ўша он!

3

Осмонларинг нурланиши бепоён,  
Шу манзара ёдда қолсин не чоғлик:  
Текис водий ўртасида зўр эман,  
Вужудида тонг лантадай ўроғлик.

У тик турар борлиғи-ла, улугвор,  
Қўрнади унга йўллар ва йироқ,  
Танасида яшинларнинг изи бор,  
Жангчи кўксин тилганидай ўқ, яроғ.

4

Кўкрагинга не яшинлар тегмишди!  
Сурбетларча минг бор унинг босиб ёв,  
«Россияни биз йўқ қилдик!» демшиди,  
Лекин билмиш, Россиядир беаёв!

Ёндиргувчи, кул қилгувчи қаҳринг,  
Елворишини билмас, қаҳринг шиддаткор.  
Ёв қочса ҳам ҳатто юлдузлар сари,  
У ерда ҳам бўлар эди тор-мор.

5

Юлдузлардан нарида ҳам ол байроқ,  
Ҳиллирайди минг бир қадоқ қўлларда.  
Коммунистлар келар, қалби очик, оқ,  
Сени севмоқ онти маҳкам дилларда.

Улар зафар байроқларин тутмишлар,  
Россияга мадад бермоқ билан шод.  
Россияни сақлашга онт ичмишлар,  
Байроқ ўпиб мен ҳам эдим қасамёд!

Ҳасан ТУФОН

## ЭСТАФЕТА

Содиқ фарзанд бўлиш, Россиям,  
Байроғидир умрим йўлининг.  
Бу — Тўқайинг берган миссия,  
Орузсидир оташ ўғайиннинг.

Мушкул дуч келганда ёзмишим қалқиб,  
Меҳр сендан топдим беҳисоб.  
Ё жонингда сенинг, рус халқи,  
Онам барҳайъти, борми офтоб!

Россиям, неча бор тасалли топдим  
Қўлларингнинг сезганда тафти.  
Юз бор, минг бор сендан қарздорман  
Ки бағрингда саломат борман.

Садоқатни Ватан фарзандлари  
Байроқ қилиб элтган сингари,  
Беғубор ардоқлаб муқаддас отинг  
Давом эттиради ҳаётим.

Бугун, Қозонининг нурли эртаси,  
Бош эгаман  
Ассалом, де,  
Тўқайинг муҳаббат эстафетаси  
Қалбдан қалбга ўтар, Россия!

# Даврасида

Ярослав СМЕЛЯКОВ.

## ГЎЗА ШОНАСИ

Яширмоқнинг эмас хонаси:  
Сафаримиз қариган дамда  
Офтобга ўч гўза шонасин  
Олиб қайдим аёз ўлкамга.

Пахтазорда ранс йўлдошим  
Буни туҳфа қилгани маҳал  
Кўкка еғди қувончдан бошим,  
Кўнгиш шунга экан-да маҳтал.

Қуёшнинг у яшил фарзанди  
Столимда чўзганида бўй,—  
Гўё олам кулиб уйғонди,  
Гўё кирди уйимизга тўй.

Сафсата-ю, билармонликдан  
Сўзларимда йўқдир нишона:  
— Булбул куйи, гуллар атридан  
Афзалроқдир,— дейман,— бу шона.

Муштай КАРИМ

## РОССИЯЛИКМАН

Рус эмасман, лекин россиялик,  
Россиянинг суви ичганман.  
Соҳилларда эман қандайн ўсса,  
Мен бу ерда шундай ўсганман.

Ҳаққим бордир десам ўзимни  
Соҳил узра ўсган бир эман.  
Чунки иддизларим қўлоч отароқ,  
Москвага бориб туташган.

Замонлар қолганда хавф-хатарларда,  
Москвага эдим ҳамдард, кеш.  
Ва рус халқи менинг қисматимни ҳам  
Қисматига айлаганди эш.

Рус эмасман, лекин россияликман,  
Бу бир бахтни, билмас ниҳоя!  
Беш Россия умри керакмас менга,  
Шу қисматим ўзи кифоя.

Рус ва бошқирд йўлда ҳар қачон йўлдош,  
Ўртасида битта дастурхон.  
Жанг-жадалда бирга, паҳлавон,  
Иккови ҳам бир марди майдон.

Салавотнинг ўтли, қовжироқ лаби  
Пугачёвни ўпган оғида

Мени ҳамон бўстонларимда  
Нафис гуллар этар маҳлиб.  
Пўлат асрин суронларида  
Гунчаларни топтадимми-ё?

Лекин нозик гўза бутогин  
Безатади бир ўзга хилсат:  
Обод этар умримиз боғин,  
Ҳам дехқондай қилар у хизмат.

Осиёнинг азиз туҳфаси  
Уй тўрида қулф уриб турар,  
Тилч меҳнатининг илқ нафасин  
Қишин-ёзин уфуриб турар.

Ҳусниддин ШАРИПОВ  
таржимаси.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Билган эдим дўстлик, меҳр сабабин,  
Бошқирд меҳри руснинг қонда.

Рус эмасман, лекин россиялик,  
Фарзандиман Советлар элин.  
Нурли чўққиларга чиқиб борамам,  
Танлаганман курашмоқ йўлин.

Дилда баҳор гули парча ва парча,  
Кўзларимда қуёш нурлари.  
Юрагимдан қайнаб чиқар асрларча  
Тутқун ётган умид шеърлари.

Оёғим остида муқаддас тупроқ,  
Қандай гўзал, кайфли бу олам!  
Шундай бахтим учун сендан мен ҳар чоқ  
Миннатдорман, улуг рус оғам!

Сен менинг номимга таъм бердинг,  
Таъм бердинг мен ичган сувларга.  
Ер юзиде бўлса қанча халқ, миллат,  
Қардош эгдинг мени уларга.

Рус эмасман, лекин россиялик,  
Бу ифтихор билмас ниҳоя!  
Ўнга умр берсанг керакмас менга,  
Шу қисматим ўзи кифоя!

Улуғ пойтахтга қилганда сафар,  
Ҳар гал дуч келасан қутлуг йўлимда.  
Салом келтираман Амудан, Сирдан,  
Дўстларинг тоширган гул бор қўлимда.

Гулларни бошингдан сочиб ўтаман,  
Иҳор этган бўлиб чексиз севгимни.  
О, Волга, сендаги салобат, виқор,  
Улуғлик ҳайратга солимаган кимни?

Қалбимда ҳаяжон, тўфон қўзғайди  
Сендаги тенги йўқ, муҳташам чирой.  
Ахир, булбул бўлиб мадҳ этишган-ку  
Сенинг жамолингни Некрасов, Тўқай!

Кўшиқда, шеърда куйлашган сени,  
Дарёлар итида тавсифинг тенгсиз.  
Қирғоқда меҳрингни намойиш қилар  
Олтин бошоқлардан яралган денгиз.

Туилари кўксингга осмон чўкади:  
Юлдузлар сочилар — сонсиз гавҳар тош.  
Оқ қушга айланиб сузар тўлин ой  
Гўзал тоғ ёришиб, чиққунча қуёш.

Қуёш шўъласида, қуёш тафтида  
Эриган олтинга айланар сувлар.  
Эзгу табассуминг ярқираб нурда,  
Ҳар қандай дардни ҳам кўнгилдан қувлар.

Ташна йўловчини мамнуи қаршилаб,  
Узоқдан ялтираб боқининг гўзал.  
Баъзан файласуфдай ўйчан, баъзида  
Шоирона жўшиб оқининг гўзал.

Ранг-баранг, дилнавоз қирғоқларингда  
Гўзаллик ўтирар кўрғазма очиб.  
Шамол тўш уради тўққилларингга,  
Ўрмон гулларининг атрини сочиб.

Кирармиш барака, файзу саховат  
Сенинг шарбатингдан шимирган боққа.  
Бир-бирини қўтлаб, гудок қалишиб  
Пароходлар ўтар у ёқ бу ёққа...

Қучоғингда мен ҳам осуда, мамнуш,  
Хаёл елканда аста кезаман.  
Ўтмиш нидосини барала тинглаб,  
Ўтмиш шарасини яққол сезаман.

Ульянов турибди соҳилда ўйчан,  
Асрларни қамраб олган ниғоҳи.  
Унинг ёш қалбиде галаён қўзғар  
Таланган, шилинган элларнинг оҳи.

Салавог бошқирдини жангга қақирар,  
Разининг наъраси чиқар фалакка.  
Шоҳ асарларини ўйлаб, оҳиста,  
Горький кезинади қирғоқда ялка.

Репни бурлақларнинг расмини чизар,  
Бахт кўриб қўлларининг истиқболда.  
Чкалов мусаффо кўкка қўз тиккан,  
Лочин бўлиб учар ўз хаёлида.

Ҳансираб ярадор Чапаев сузар,  
Сувингга қотишар табаррук қони.  
О, Волга, ҳурматим ҳадсиздир сенга,  
Улуғ Россиянинг муқаддас шояи!

Ўтмишда эзилган элатлар сени  
Қашшоқ Россиянинг ёши демишлар.  
Сендан нажот топган гадолар эса  
Очларнинг шарбати, оши демишлар.

Ўз ризқи-рўзини сон минг одамлар  
Сенинг қучоғингдан топиб келганмиш.  
Енингга инсонлар она Волга деб,  
Зориққан боладай чопиб келганмиш.

Неча асрлардир боқсан элин,  
Аммо тугамаган ҳазинаг ҳали.  
Меҳрибон онадай кучоқ очасан  
Янги авлодларга келганда гали.

Ўтмишдаги юзлаб қўзғолопларнинг  
Мазмунида сенинг кўдратинг бордир.  
Буюк Россиянинг оиб ҳаёти,  
Сувингдан баҳраманд ерлар баҳордир.

Бахт топган элларнинг табассумидай  
ГЭСларингдан ёнган олтин чироқлар.  
Бу сонсиз чироқлар, мусаффо нурда  
Юртининг келажаги равшан ярақлар!

Ҳаёлимни аста йиғиб оламан,  
Манглаймни силар Волга шамоли.  
Волгага бағишлаб қўшиқ айтди  
Гўзал Россиянинг соҳибжамоли.

1969 йил, май.

# МАҲОРАТ МАКТАБИМИЗ

**Р**ус классик ва рус совет адабиёти мислсиз бой ва жаҳонда энг юксак гоявий адабиётдир. Унинг етун намуналари етиб бормаган биронта хонадон йўқ десак, у миллион-миллион кишилар онгига нур ёғдирди, юрагига далда берди десак муболага қилмаган бўламиз.

Рус адабиёти ўзбек халқининг ҳам бадийй ривожига ҳал қилувчи роль ўйнади. У ўзбекининг ҳам қадрдон дўсти, ажралмас йўлдоши, ақлли ва донишманд маслаҳатчиси. Завод ва фабрикаларимиздаги новаторларнинг ажойиб меҳнатида, олтин, газ, нефть конларини қидириб топган геологларимизнинг романтик фаолиятида, пахта майдонларидаги шундорларнинг қаҳрамонликларида рус адабиётининг раббатлантурувчи илҳомбахш кучи бор, ҳар бир меҳнаташнинг дилида улуг қардош халқимизнинг бадийй дурдоналари яшайди.

Ўзбек халқи И. А. Крилов масаллари, А. С. Пушкин поэзияси, Л. Н. Толстой эпопеллари, М. Горькийнинг революцион ижоди билан революциядан анча илгари ҳам яқиндан таниш эди. Ҳозирги кунда эса, буюк рус адабиётининг энг яхши намуналари таржима қилиниб, миллионлаб нусхада ўзбек китобхоналарига тақдим қилинди. Бу асарлар қўлдан қўлга, хонадондан хонадонга ўтиб, дилларга натта эстетик завқ, маънавий куч-қудрат бахш этмоқда.

Рус адабиёти битмас-туганмас бадийй хазинадир. Бу хазинадан баҳраманд бўлмаган ва унинг ажойиб дурдоналаридан илҳомланмаган ижодкор йўқ. Ўзбек совет ёзувчилари уни миннатдорлик билан, «бизнинг университетимиз», «маҳорат мактабимиз» деб атайдилар. Кўп адибларимизни адабиёт оламига етказиб кириб, юшқин қалбли, кучли характерлар яратишга ўргатган ҳам биринчи навбатда илгор рус санъаткорларидир.

Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжон ижодига революция куйчиси В. Маяковский поэзиясининг жанговар, юшқин овози эшитилиб туради. Ойбек романларини кўздан нечирсак, унинг Л. Толстой ва М. Горькийга муносиб шоғирд эналлигига ишонч ҳосил қиламиз. А. П. Чеховнинг жаранглаб турган «нафтенкина» ҳикоялари ўзининг гўзаллиги билан Абдулла Қаҳҳорни асир қилганлиги сир эмас. Яшининг қаҳрамонлик пафоси билан сугорилган пьесаларидан М. Горький, К. Тренев, Н. Погодинлар драматургиясининг руҳи барқ уриб турибди. Уйғуннинг лирик ва эпик шеър ва поэмалари А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовнинг традицияларини эсимизга солади.

Ўзбек совет адабиётининг майдонга келишида, ривож топишида, ненг қанот ёйишида, Бутуниттифоқ миёсига чиқишида, жаҳонга танилишида рус классик ва совет адабиётининг мавқеи ва хизмати мислсиздир.

Ўзбек совет адабиёти ўз тарақиётининг барча даврларида илҳомбахш адабий маҳорат мактабидан озуна олди.

Бу мактаб ўзбек ёзувчиларига ижоднинг кенг уфқларини, бадийй маҳоратнинг сирларини кўрсатиб берди. Бизнинг адибларимиз улуг санъаткорлардан ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, типик, характерли воқеаларни танлаб, уларни кенг умумлаштириш, ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб бериш, характерларни чуқур, ҳар томонлама ифода-лаш, халқ тили бойликларидан фойдаланишни муттасил ўрганиб, натта сабоқ олдилар.

Матълумки, бадийй асар яратиш мураккаб ижодий процесс, натта меҳнат самараси. Ижодда боши берк кўчага кириб қолганда, асар сюжетини ривожлантиришда оқсаганда, қаҳрамонларнинг ички оламига кира олмай қолганда, тилни образли қилиб сайқаллай билмаганда, схематизмга йўлиққан ҳолларда ўзбек адиблари қардош рус ижодкорларининг ижодий лабораториясига муринозат қилдилар ва ундан маъна олдилар.

Улуг рус халқининг адабиёти, бошқа қардош халқлар ёзувчилари каби, ўзбек совет адибларига ҳам ижодий нашфиёт йўлини кўрсатувчи, адабий оламнинг чексиз уфқларини очиб бевуричи, маҳорат сирларини ёритиб турувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилди.

Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётининг бугунги ютуқларини, унинг парвозини улуг рус адабиётининг таъсирисиз ва йирик намоёндаларининг ёрдамисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.


Рус адибларининг ўзбек адабиёти асарларини пропаганда қилишида, унинг ўқувчилари аудиториясини кенгайтиришда ҳам хизматлари алоҳида таъдирга сазовордир. Уларнинг моҳирона таржималари орқали Алишер Навоий, Бобир, Фурқат, Муңимий ҳамда Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Уйғун, М. Шайхзода, Ш. Рашидов, Зулфия, Мирмуҳсин, Ҳ. Ғулумларнинг ижодлари Бутуниттифоқ ўқувчиларига олиб чиқилди. Рус тилидаги таржималар асосида ўзбек авторларининг роман ва повестлари, пьеса ва шеърлари бошқа халқлар тилларида ҳам кенг кўрина бошлади.

Рус адабиёти йилдан-йилга бойиб бормоқда, у бойинг сари бошқа адабиётларга таъсири янада кучаймоқда. Ўзбек ижодкорлари бу бой, юксак адабиётдан борган сари нўпроқ баҳраманд бўлмоқдалар, унинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб бормоқдалар.

Ўзбек совет адабиёти ўз қаламларини чархлаган маҳорат мактабига, унинг йирик вакилларига, уларнинг ажойиб таржимонларига қўлларини кўксиларига қўйиб, минг бор раҳмат айтадилар, қўллуқ қиладилар.

Ҳафиз АБДУСАМОВ,  
филология фанлари доктори

Адибларнинг Москва учрашувларидан бири. Чапдан: Николай Тихонов, Шароф Рашидов, Георгий Марков.



# Устозларим Уралда

Ўзим асли Фарғонанинг Бешариқ қишлоғиданман. Темирчилик қилиб юрган қуиларим эди. Барвастагина, сўзлари пишиқ-пухта бир киши бориб қолди. Мен билан якка гаплашмоқчи эканини айтди. Сўхбатлашдик. Яқинда Бекободда металлургия заводи ишга туширилажаги, заводга кўп одам кераклиги тўғрисида гап очди, мени ўша ерга ишга таклиф этди.

Қарасам, пўлат қуйишга ўзимнинг ҳам кўнглим борга ўхшайди. Хўп, дедим. Кейинроқ билсам, бу киши ҳозирги таниқли металлург, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Ганиев экан. Уйдагилар билан гапни бир жойга қўйиб, Бекободга жўнадик.

Завод ҳали ишга тушмаган бўлса ҳам, металл эритиш ускуналари ўрнатилиб бўлаёзибди, баъзи участкаларда соғлаш ишлари тугалланай деб қолган экан.

Уч-тўрт кун иш билан танишдик. Кейин мени ўзимга ўхшаган йигирматача йигит билан бирга Уралга юборишди.

Уралга келиб танг қолибмиз. Ана завод-у, ана одамлар! Айниқса, менга ўхшаган қишлоқи бўз болалар биринчи қуилари довлдираб, ҳар ёққа алағ-ялаған қарайди.

Уч-тўрт кун деганда ҳар биримизни устаси фаранг металлурглари шогирд қилиб топширишди. Металл эритиш қанақа бўлишини, унинг таъминини ҳам, қувончини ҳам биринчи марта ўша ерда сездим.

«Металлурглик — мардлар касби. Бу касбини қўл учиде қилиб бўлмайди. Темирга темир бўлишинг керак. Қўлинг ҳам, ғайратинг ҳам, юрагинг ҳам пўлатдай бўлса енгасан. Пўлат эгилади, лекин сиймайди, сен ҳам сиймаслигинг керак. Ана шунда сендан металлург чиқади» — менинг рус устозим шундай таълим берарди.

Устозим менга металл эритиш ускулларини, илғор тажрибаларини, вақтинг қадрига етшини, эҳтиёткорликни, чиндастлигини ўргатди.

Пўлат эритишни ўғраниб келганимдан кейин, Бекобод металлургия заводида ишлаб кам бўлмадим. Ҳозир бола-чақалик бўлиб кетганимиз. Завод ҳар томонлама тўкис, бежирим уй қуриб берган. Ота юртим Фарғонадан қариндош-уруғларимиз, яқинларимиз келиб-кечиб туришди. Туриш-турмушимиздан улар ҳам хурсанд, ўзим ҳам. Шуларнинг ҳаммаси учун Уралдаги рус устозларимдан жуда миннатдорман.

Шерали ҲАМРОҚУЛОВ,

В. И. Ленин номи Бекобод металлургия заводининг пўлат эритувчиси, СССР Олий Советининг депутаты.

# Опа-сингиллармиз

Рус санъатини ўйлаганимда ҳар сафар кўз олдимда Россиянинг ўзидай қадим ва бепоеъ, майин шовуллаган оппоқ қайинлардай нафис ва ўйчан, рус табиатидай сержилва, оҳангдор бир бойлик, туганмас хазина гавдаланади.

Рус қардошларимиз тупроғида бўлажак маданиятимиз кўриги арафасида ҳаёлимдан яна эллигинчи йиллар кечаяпти... Мен ҳам, анчагина ўзбек рақосалари сингари, Москва Большой театри ҳузурда ташкил этилган хореография билим юртида татлим олганман. Ихшилик эсдан чиқмас, дейдилар. Москвалик устозларимнинг йўл-йўриқлари, панд-насиҳатлари ҳамон қулогим тағида жаранглаб тургандай. Айниқса, жаҳонга номи кетган саҳна юлдузлари — Галина Уланова, Майя Плисецкаялар ишти-

рокида ўтган машғулотларда кўп нарса ўргандим. Уларнинг ҳар бир ўйини назокат чўққиси. Биз ёшлар ҳам ўшандай назокат ва нафосатни эгаллашга, ўзимиз икромга эгаётган образлар талқинида ҳаётийликка, самимийликка интилиш, қаҳрамонлар психологиясига чуқурроқ киришга ҳаракат қилдик.

Мана, ҳозир Навоий номидаги ўзимизнинг Академик театрида саҳналаштирилаётган деярли ҳамма балетларда қатнашман: «Оқ қўш қўли», «Спартак», «Дон-жуан»... Ҳали-ҳануз биринчи ҳақиқий устозларим — рус опа-сингилларим кўрғазган меҳр-оқибат қалбим тўрида яхши қўшиқдай мавж уриб турибди.

Бернора ҚОРИЕВА,

Ўзбекистон ССР халқ артисти.

## «Марднома»га

# ДЎСТИМ ВИКТОР

Бу воқеа 1942 йил 6 май кунини Сталинград шаҳри яқинида рўй берди. Икки тепалик орасида бир неча соатдан бери тўтовисиз жанг кетаяпти. Ерданчмн Виктор Самойлов икковимиз станокли пулемётдан душман тўдаларини қириб турибмиз. Кутлмаганда чап қанотдан бир неча танк кўринди. Танк ортида — сон-саоқсиз фашистлар.

Мудофаада маҳкам турибмиз. Душман ўзини қаерга уришини билмай ҳар томон қопади. Уқ ёмирига учраб ер тишлайди. Гитлерчиларнинг тўрт танки ёндирилди. Бошқа бир танк биз ётган окопга бостириб кела бошлади.

— Бунн ҳозир яқсон қиламан! — Виктор менга ўғирлди.

У ғазабдан дағ-дағ титраб белига бир неча граната қистириб олди-да, яқки ҳатлаб ўзини танк тағига ташлади. Гумбурлаган овоз эшитилди. Танк гир-гир айланди-ю, тўхтаб қолди...

— Олга, йигитлар! Олга-а!!

Яна ҳужумга кириб кетдик. Йигитларимизнинг мардлигига душман тоб беролмай, чекинди. Ўша кунн бир ярим километр олға силжидик. Отишмалар тингач, жанг майдонини кезиб дўстим Викторнинг жаса-

дини қидирдим. Ана, Виктор мажақлаган танк. Бир неча қадам нарида эса аллақимнинг бир қўли. Қўлга яқинлашдику, қарахт бўлиб қолдим. У — Викторнинг ўнг қўли эди...

Дўстимнинг қўлини қўлимга олдим. Шу қўл бундан бир неча соатгина бурун менга патрон узатиб турмаганмиди! Ўтган кунн разведкага борганимизда фашист офицери ни бўғиб ўлдирган ҳам ана шу қўл эди! Еттига немисни асир олган ва қузда ўқдори ортлаган иккита душман автомашинасини портлатган ҳам ана шу қўл!

Қўлимда — дўстимнинг қўли. Қўз ёшларимни артардим...

Қўй, йиғлама, ўғлим! — деди кекса майор Михайлов елкамга қағрини қўйиб. — Уруш бор — ўлим бор, бало-офат бор! Лекин Виктордек жасур йигит учун йиғламасдан илож йўқ. Унинг иродаси, унинг қалби ана шу баҳайбат танкдан ҳам қудратли эди. Виктордек қаҳрамон фарзандларининг афсонавий жасоратларини халқимиз абадий эслайжак.

Ҳабибулло ТОШМАТОВ,

Ватан уруши ветерани. Наманган.





**У**қувчим, мен оламнинг етти мўъжизаси тасвирини ваъда қилмайман. Фақат мангулик ҳақида сўзламоқчиман...

Бу иқлимда муаллақ боғлар, зар очоқлар йўқ, ниллий гумбазлар ва олий қасрлар йўқ. Ҳаммаси оддийгина. Лекин шу оддийликнинг ўзида шундай улғурворлик барқ уриб турибдики, уни фақат қалб кўзи билан кўриш мумкин.

Бир чеккадан бошлайлик.

Улкан тепа устига ажиб бир тароват билан кўндирилган Ульяновск бизларни — тошкентлик зиёратчиларни ўз анъанаси бўйича, Володя Устган долчин ранг уйи билан, Володя чўмилган мовий Святла, у сайр этган Карамзин боғи, Володя ўқинган ҳашамсиз гимназияси, у ҳаёл сурган Старие Венеци хиёбони билан кўтиб олди.

Тарихнинг авайлаб қолинган бу гўшаси қаршисида табиатнинг ўзидай турфа одамлар абадий қуёшга, абадий баҳорга, абадий ҳаётга, тафаккурга сиғинар эдилар.

Мен не-не обидаларга: эҳромларга ва даҳмаларга, мачитларга ва буддаларга, кўшкларга ва харобаларга топинганларни кўрганман. Авлиёларнинг мозорларини ўпган мутаассуфларни, дарвешларнинг обғида йиғлаган шўрликларни, муқаддас горларда дуо ўқинган боёқишларни, муборак тошларни ялаган диндорларни, оловга имон келтирган маъжусийларни, хуллас, итлоаткор дунёнинг кўп ғарибу бенаволарини кўрганман. Улар ҳаёлий бир тимсолга ёлборар, йўқликдан толе тилар эдилар.

Ульяновскдай миллионлар саждагоҳида мен кўрган одамлар эса, нақ Лениннинг ўзи билан фикрлашгани, нақ Лениннинг ўзи билан чақчақлашгани келган ишбошилар эдилар. Социализм мамлакатининг ишбошилари... Коммунистик асрнинг ишбошилари...

Ҳис-ҳаяжон ишғол қилар вужуднинг,

Бир ёқимли кўшиқ ҳатто сукутнинг.

Идрокнингда, рангдор ҳаёлларингда,

Тарихни йўқлаган саволларингда

Володянинг ўзи бўлар мужжасам.

Бунда ҳар бир нарса муқаддас қасам

Зулматни нур бўлиб парчинламоққа

Эрталаб қуёшни қаршиламоққа.

Ана ўзи, ана, қошлари керик.

На ўйин-кулги, на эртакка шерик,

На болалик завқи беғубор, тенгсиз,

Шу тарзи, ҳолати чуқур бир деңгиз...

Балки банд тарихга ўйчан кириш-ла,

Балки банд тақдирни ўзгартриш-ла.

Балки банд ойдin йўл танлаш дардида.

Дунёнинг ҳали у доғсиз мардида

Ким билсин, не кашфлар этарди давом,

Ким билсин, қанақа йўқеил ва авом,

Қанақа чоракор, қанақа мужик,

Қанақа бошқирд ва қанақа тожик,

Қанақа Иван ва қанақа Турсуи

Нотекис дунёни қайтадан қурсин...

Ульяновск автозаводининг кунгай корпуслари, Ленин майдонидagi азим иморат, Ульянов кўчасида темирбетон ва мрамардан созланаётган Ленин Мемориали, зангори тўқинлар шундоққина тўш уриб турган «Волга» меҳмонхонаси, олаговур «Студентлар шаҳарчаси», Меркулов ва Манизер тарошлаган мрамар ҳайкаллар, яна минглаб тасвирлар, бўёқлар, нақшлар, ифодалар истисно қилинса, Ульяновскини бемалол «музей-шаҳар» дейиш мумкин. Бундаги ҳар бир ёдгорлик Ленин таржимаи ҳолининг илк саҳифаларини, Ульяновлар оиласининг ташвишларини, ўн тўққизинчи аср маърифатчиси Илья Ульяновнинг жонкуярликларини, дорға осилган Александрнинг исёнларини эслатади.

Мана, Ленин кўчасидаги 58-уй. Ульяновлар оиласининг Симбирскдаги сўнгги хонадони.

Лениннинг уй-музейи шу. Унда тарих аслича сақланиб қолган-у, гўё тақдир шамоли тегмаган унга.

Улғур бўла туриб, жуда камтарона яшаган Ульяновлар.

Сарғайган саҳифалар...

Рангпар поёндозлар...

Ульяновск, В. И. Ленин ҳайкали.

А. ОДИЛОВ фотоси.

Эски ўриндиқлар...

Бир чеккада рух самовар...

Қалам давот, таҳ-батаҳ китоб, уринган харита — ҳаммаси фақат маънавий бойликка ишора, холос. Ҳа, улуглик тож-тахтсиз ҳам, ганжинасиз ҳам улугдир. У симузар билан ўлчанмас асло!

Илья Николаевичнинг кабинети... Мария Александровнанинг хонаси. Анна Ильичинининг бўлмаси... Александр Ильичнинг хонаси...

Владимир Ильичнинг хонасига кирганда кишини тубсиз ўй-хаёл чулғайди. Назарингда, ҳозир йўлақдан Володянинг шарпалари келиб қоладигандай. Эки у девордаги ер юзи харитасига тикилиб турибди-ю, нафас олиб фикрини бўлиб қўйишга андиша қиласан киши. Эки у қайси бир қизиқ китобни мириқиб ўқияпти-ку, беихтиёр кимники, номи нима эканини оҳиста сўрагинг келадди...

Ленинча яшаш, ўқини, ишлаш ана шу мўъжаз дунёдан бошланган. Ленин даҳоси аввал ана шу қулбада яралган.

бир нодир ҳужжат сақланадики, уни ўқиганингда кўзларингдан ёш тирқираб кетади. Ленин оғир ётган кезлар...

Олис Вяткадаги етимхона тарбияланувчилари Ленин бобога қора чироқнинг ожиз шўъласида илиқ хат ёзадилар.

«Қадрдон Ильич бобо,— дейилган унда,— биз, сенинг азиз номинг билан етилган болалар уйининг пролетар болалари, сенинг ҳамма насиҳатларингни, ҳамма меҳнаткашлар бахти, ҳамма пролетар болалари саодати учун олиб борган курашингни кўнг билан ўрганишимиз, токи сен бошлаб берган коммунизм кўриш ишини давом эттиришга бизлар ҳам шай бўлайлик. Хуллас, Ильич бобо, сенга қизгни саломимизни ва ўзимиз ясаган аризмас совгани йўллаймиз... Сен бизнинг бахтимизга сиҳат-саломат бўлмоғинг керак».

Хатнинг тагида эса, бошқа қўл билан ёзилган шундай бир илова:

«Сен бўлсанг, қадрдон бувижонимиз Надежда, бизнинг, ёш пионерларнинг катта дўсти сифатида, Владимир Ильичга яхши

бўлганида, Ленин Мемориал марказини бутун салобати билан тиклаш хаёлан мураккаб эди. Эндиликда у Волга осмонидagi пардув булутларга тегай-тегай деб турибди Юз йил бурун Ленин туғилган ерда, собиқ Стрелицкий, ҳозирги Ульянов кўчасида тушган бу нодир ишоот меъморчиларнинг мукамал кашифиетидир. У Лениннинг ўзидай оддий бўла туриб — улуг, улуг бўла туриб — оддий. Мемориал батамом қўлдан чиққач, у Жигули тўқайларидан ҳам кўришиб турадиган бўлар эмиш.

Ленин хотирасига бағишланган ана шу шох обидани бутун мамлакат қўрапти. Унинг безакларига Ҳозгон мрамари ҳам ишлатилайтир.

Бир неча фасл ўтиб, Улуг Ленин Мемориали ҳамма ленинчиларга, коммунизм бинокорларига кучоқ очажак. У Ленин танталарининг пойтахти бўлиб қолгуси.

Сафар қариб, ола юртга қайтиш олдида мен Ульяновскнинг марказий майдонига бордим, зангори Волга устида олис-олисларга назар ташлаб турган буюк Ленин

Султон АКБАРИИ

Лениннома

# Мангучлик

Хонаи муборак, хонаи азиз...

Бир зиёрат қилган — соҳибни тамиз. Бор экан шундай бир олий қадамжо, Ҳаммаси бадастур, гўзал, жобажо, Вағдоди шарифдай чекка не керак, Мадина не керак, Макка не керак. Не керак Чашмайи Айюб даҳмаси, Не керак Сулаймон горин ваҳмаси, Не керак дубининг пучмоғи менга, Не керак хаёлининг учмоғи сенга. Ҳаммасининг қилдай даҳоси йўқдир. Ленин даҳосининг баҳоси йўқдир. Сарғаймасин, деган, баҳорим, ёзим, Шу даҳодан шуур олмоғи лозим.

Луначарский, Ленинга ҳеч ким тенглаша олмайди, лекин тенглашмоққа ҳаракат қилмоғи лозим, деган эди. Бунинг муболағаси йўқ. Лениндайлар дунёга бир марта келадди. Ленинга эргашиш, тақлид қилиш, Лениндан ўрганиш, намуна олиш, Ленинни билиш, идрокка сингдириш мумкин ва зарур. Ульяновскда бўлган, Совет кўчасидаги биринчи мактабга ташриф буюрган одам бунга қониқ ишонч ҳосил қилади.

Бутун Иттифоқимизга таниқли мактаб! Ленин номи билан шарафланган бу мактабнинг зарб урилган темир зиналари ҳам, бир текис узун йўлақлари ҳам, парталар терилган синфлари ҳам ўн тўққизинчи асрнинг 80-йилларидаги Симбирск эрлар гимназиясини хаёлан гавдалантиради.

Мактабнинг бир бурчида синф — музей бор. У собиқ гимназиянинг еттинчи синфи бўлган. Орқадаги ойна тагида Ленин ўтирган охириги парта. Унга: «Олтинчи синф ўқувчиси Владимир Ульянов шу партада ўтирган» деб ёзиб қўйилди.

Ленин мактабидан бир неча кўча нари, Л. Толстой кўчасида Н. К. Крупская номи мактаб бор. Собиқ Маринск аёллар гимназияси. Владимир Ильичнинг опа-сингиллари — Анна билан Ольга таҳсил кўрган даргоҳ. Шу мактабдаги Крупская музейида

қараб тур, уни тезроқ оёққа тургазиб, ҳаммамизни бөҳад қувонтир».


Лекин ўша кўнлари питерлик ишчилар ва қўқонлик усталар каби, Вяткадаги етимларни ҳам бөҳад қувонтириш насиб бўлмади. Ленин энди бўёқларда, шаклларда, қўшиқларда, ҳаётимизда яшамоқда. Абадий барҳаёт сиймоларда яшамоқда. Қундалик ҳаракатларда яшамоқда. Ижодий парвозларда яшамоқда.

Шундай ижодий парвозларнинг мухташамси — Ульяновскда қад ростлаётган Ленин Мемориалидир.

Бир йилча муцаддам, ҳали у калъа қозғоларида, ватманларда, чизмалар ичида

билан фикран хайрлашмоқчи бўлдим. Инсон ва баҳор унинг пойига гул сепар эди. Мен ҳам битта раёно қўйдим. Ўзбекистоннинг ниҳоятда тиниқ, ниҳоятда нафис, хушбўй раёносини. Шунда хотиримга ўзбек халқининг шукроиа сатрлари келди:

Ҳар бурда нон ҳурмати сизни яхши кўрамиз,  
Ҳар қултум сув хурмати сизни яхши кўрамиз,  
Бағримда жон ҳурмати сизни яхши кўрамиз,  
Не дей, сўзим ушбу, сизни яхши кўрамиз!



Ульяновск. Мемориал Марказ биносининг макети.



## ГОЗГОН МАРМАРИ

Жуда қадим замонлардан бери Самарқанд, Бухоро, Хива Тошкент халқи Нурота тоғлари этакларида бей мармар кони борлигини билар эди. Туя, эшак, от миниб келиб, биргина бозгон билан мармар йўнардилар, шоҳона қасрлар ва мадрасаларни бу ноёб тош билан безар эдилар. Амирлик даврида ўнлаб, минглаб қарздор камбағалларни тўда-тўда ҳайдаб келиб, уларга саҳронинг жазирама иссиғида мармар қаздирардилар.

Октябрь инқилобидан кейингина Гозгон мармарлари халқ учун хизмат қилдира бошланади. Гозгон — жаҳонда ноёб кондир. Унинг бойлигини ушбу рақамлардан билса бўлади: Гозгон мармарини саккиз жойдан қазиб олса бўлади, конининг узунлиги 16, эни саккиз километрга чўзилган. Агар бундан кейин ана шу 8 жойдан муттасил қазиб олинаверса, унинг мармари 100—150 йилга етади.

Бу ердаги тошларнинг ранги хилма-хил бўлиб, дунёда энг гузал мармар ҳисобланади. Гозгондан қора, кул ранг, пушти, оқ рангдаги мармарлар олинади. Айниқса пушти рангли мармар жуда қиммат туради. Москва метроси иншоотларига жуда кўп Гозгон мармари ишлатилган. Ҳозир Германия Демократик Республикаси, Белгия ва Чехословакиядан пушти ранг, Япоиядан кул ранг мармарга буюртмалар олинган. Бу хорижий фирмалар бир кубометрдан тўрт кубометргача катталиқдаги тошларни сотиб олмақдалар.

Айниқса Тошкентни қайта қуриш ҳамда Тошкентда метро қуриш ҳаракати бошлангандан бери Гозгон мармарига талаб янада ортмоқда.

1. Мармар шундай қазиб олинади.
2. Тайёр маҳсулотлар.
3. Гозгон мармар конининг умумий кўриниши.
4. Илгор тошкесарлар — Маҳаммад Ботиров, Воҳид Ҳабибов.
5. Пушти ранг мармар қатламлари.

3.

Ҳозирги пайтда кончилар йилига 2500 кубометргача мармар қазиб олишяпти, бу — пландагидан авча кўпдир.

Бироқ Гозгон мармарини қазиб олиш кўлами ҳам, суръати ҳам ҳозирги талаблар даражасида эмаслиги кишини ачинтиради. Кондаги ишларнинг кўпи ҳамон қўл кучи билан бажарилади.

Кон Ўзбекистон Қурилиш материаллари министрлигининг Самарқанд бошқармасига бўйсунди. Аммо шу топда бу идора Гозгон мармар конига яхши раҳбарлик қиляпти деб бўлмайди. Шуниси қизиқки, бу кон кейинги йилларнинг ўзидагина тўрт марта у идорадан бу идора ихтиёрига ўтказилди. Кон ишчиларининг айтишларига қараганда, кондан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш учун муқим раҳбарлик, жонкуяр хўжайин керак. Гозгоннинг ўзида кон бошқармаси очиш пайти келди. Ҳозир конда бор-йўғи 64 ишчи ишлайди, жуда кўп механизм ва машина етишмайди. Кон тошкесар механизмлар, оғир ҳарсангларни машиналарга ортиб берадиган юклагичлар, кўтаргич кранлар билан таъмин этилмаёттир. Қурилиш материаллари министрлиги кончиларнинг иш ва турмуш шароити тўғрисида тегишчи гамаҳўрлик қилмаёттир. Тўғри, ҳозир конни электрлаштириш ва йўл қуриш ишлари бошланган, аммо иш суръати мутлақо суст.

Кон ишчилари В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати сафида бормоқдалар. Бу ердаги кончиларнинг аксарияти 15—18 йилдан бери ишлаётган кишилардир. Саттор Қаҳҳоров, Муҳаммад Ботиров, Воҳид Ҳабибов, Раҳим Бозоров сингари тошкесарлар, тракторчи Азим Бозоров, экскаваторчи Рустам Раҳматов ўз ишнинг чинакам усталаридир. 1953 йилдан бери ишлаб келаётган кон мастери Номоз Рузиев мармарчиларнинг дўсти, маслаҳатчиси, раҳбари бўлиб қолган.

Улар Гозгон мармар конининг халқ хўжалигига хизмат қилётганидан беҳад фахрланадилар.

С. БЕЗНОСОВ.  
Автор фотолари.

5.



4.

2.

# ЛЕНИНГА ШАРАФ ГУЛДАСТАСИ

Ўзбек совет адабиёти, унчг поэзия жанри ҳам миллий адабиётлар орасида биринчилардан бўлиб Владимир Ильичнинг бадиий ҳайкалини яратишга, улуг дохий ва каттарин инсон образининг янги олмос қирраларини очишга ўз хиссасини қўшгандир. Янги давр адабиётимизда кўпгина жанр ва мавзулар пионери бўлган Ҳамза Ҳакимзода улуг Ленин номига ҳам поэзиямизга биринчи бўлиб олиб кирди: 1921 йилда Ленинга бағишлаб ёзган «Эрлик марши» шеъри эълон қилинди. Бу шеър Ҳамзанинг энг яхши асарлари орасида муносиб ўрин эгаллайди.

Совет давридаги шеъриятимизнинг ярим асрдан зиёд тараққиёт тарихини Ленин ҳақидаги шўхчан қўшиқлар, жўшқин балладалар, дostonлар, ниҳоят шоирларимизнинг бир неча ўн йилли меҳнат маҳсули бўлмиш дохий ҳақидаги китоблардан ташқари тасавур этиб бўлмайди. Ҳамид Олимжоннинг «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд», Мақсуд Шайхзоданинг «Лениннома» балладалари, Фафур Фуломнинг «Ленин ва Шарқ», Миртемирнинг «Ленин жилмайиши» китоблари, Ойбек ва Уйғуннинг ўттиз-қирқ йил давомида Ильич меҳри билан битилган аjoyиб шеърлари шулар жумласидандир.

Адабиётимизнинг кейинги авлодларига мансуб шоирлар ҳам улуг Ленин ҳақида жўшиб-тошиб қалам тебратдилар, шеърият Ленинномасига янги, заррин саҳифалар битдилар.

Ғафур Фулом номи бадиий адабиёт нашриёти Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг ўз йиллиги муносабати билан улуг дохий ҳақидаги шеърият намуналаридан аниб бир гулдаста тuzиб, китобхонларга тақдим этмоқда. «Ассалом, Ильич» деб аталувчи бу тўпламга поэзиямиз тараққиётининг турли даврида турли авлодларнинг намояндalари томонидан яратилган энг яхши асарлар киритилган.

Ойбек билан Ҳамид Олимжон ўн тўққиз ёшда, Яшин ўн етти

ёшда бўлганида ёзган «Йўлаш», «Дохийнинг мотами», «Ленин сағанасида» асарлари ҳам биринчи марта бир тўпламга жамланган ҳолда тақдим этилмоқда.

Адабиётимизнинг оқсоқоллари Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, шоира Зулфиянинг тўпламдан жой олган Ильич ҳақидаги асарлари ҳам кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлади, албатта. Миртемир, М. Шайхзода, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло, Шухрат сингари шоирлар Ленин мавзусида нўллаб асарлар яратганлар, ҳамда мажмуада фахрли ўрин эгаллаганлар.

Ўзбек шеърияти тарихида ҳар бири ўзига хос бўлган Амин Умарий, Ҳасан Пулат, Султон Жўра, Усмон Носир, Темур Фаттоҳ, Зафар Дивёр каби марҳум шоирларнинг ҳам шеърият Ленинно масида ўчмас муҳри қолган. Тўпламга уларнинг ҳам дохий ҳақидаги энг жўшқин гароналари киритилди.

Эркин Воҳидов, Хусниддин Шарипов, Юсуф Шомансур сингари ёш ижодкорлар кейинги йилларда Ленин образи тасвирига алоҳида иштиёк ва маъсулият билан киришдилар. Уларнинг Ленинга, Ленин гоъларига ихлос билан ёзилган асарлари жамоатчиликнинг юқори баҳосига сазовор бўлди, қайта-қайта нашр этилиб, шеърият шайдоларининг китоб жавонларидан ўрин олди. Тўпламда ана шу шоирларнинг асарлари ҳам тақдим этилмоқда.

«Ассалом, Ильич» тўпламга асарлари кирган шоирларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин албатта. Ленин ҳақида салмонли поэтик асар ярата олган қалам соҳибларининг кўпчилиги ундан ўрин олган. Бу тўплам улуг Ленинга шараф гулдастаси бўлган.

Шариф ЮСУПОВ,  
филология фанлари кандидати

Ҳаҳон халқлари қадрдон дохий туғилган куннинг юзинчи баҳорини қутишга ҳозирланмоқда. Улуг сана шарафига Автоном республикамизнинг ёзувчилари ва санъат ходимлари ҳам Ленин гоъларини куйловчи янги асарлар яратмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қароридан сўнг ижодий ташкилотлар ишнинг қўлами ва фаоллиги яна ҳам ошди. Область партия ташкилоти активининг йиғинида ижодий ташкилотлар, илмий муассаса, матбуот ва маданият маҳкамаларининг улуг санани нишонлаш режалари кўриб чиқилди. Ёзувчилар ва журналистлар союзларининг, республика маданият ходимларининг бу масалага доир пленумлари ва кенгашлари бўлиб ўтди.

Ижодий ходимларимиз ўз асарларида янги ҳаёт қурган Қорақалпоғистоннинг тарихий йўли ва унда Ленин гоъларининг таънасини ёрқин акс эттиришга интилоқдалар. Ёзувчи, журналист ва санъат ходимлари меҳнаткашларни шонли юбилейни муносиб қутиб олиш учун сафарбар қилишда партия ташкилотларига кўмак беришга, улар яратган асарлар эса янгидан-янги зафарларга чорланмоқда.

Ленин мавзусининг қўлами ва маъсуллигини чуқур ҳис этган ёзувчи ва журналистлар дохий яшган жойларга ижодий сафар қилдилар. Бу эса янгидан-янги асарлар яратилишига туртки бўлди.

Ғ. Сейтназаровнинг «Разлидаги чайла» достони, Т. Сейтжоновнинг «Ленин менинг ҳаётимда» деган шеърлар туркуми, ёзувчи ва журналистларнинг бир қатор очерклари Ленин гоъларининг ҳаётбахшлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг янги асарларида социалистик турмушининг афзаллиги, халқларнинг ленинга дўстлиги, замондошларимизнинг қаҳрамонона меҳнати куйланади. С. Нурумбетовнинг «Қардошлар» достони, Т. Қайибетовнинг «Қорақалпоқ қизи» романи, Н. Буржешовнинг

## ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАК

К. РИЗАЕВ,

Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари.

«Ғазаб алангаси» романи, К. Султоновнинг «Катталар ҳикояси» қиссаси, Иброҳим Юсуповнинг шеър ва поэмалари шулар сирасига кирди. Кенга адиб Жўлмурза Оймирзаев ва Тилеуберган Жумамуратовнинг асарлари китобхонларга қувончли тортиқ бўлди. «Қорақалпоқ совет адабиёти тарихидан очерклар», «Қорақалпоқ совет шеъриятининг антологияси» босилиб чиқди.

Мушоира — бизда ҳам анъана бўлиб қолди. Уч йилдан буён республикамизда ўтказилаётган поэзия байрамлари кенг оммани жалб қилаётир. Тошкентлик шо-

ирлар ҳамкорлигида Ленин кунлари олдидан бўлиб ўтган шеърият кечаларида қозоқ, туркман, қирғиз, латиш, грузин, озарбайжон сўз санъати усталари қатнашдилар. Меҳмонлар қишлоқларимизни кўриши, сайлгоҳларимизда бўлиши, ижодий таассурот олиши, Миллатларнинг янада яқинлашишига, совет адабиёти ютуқларини ташвиҳ қилишга кўмак бердиган бундай тадбирларни тез-тез уюштириб туриш кераклигини ҳаёт тасдиқлайпти.

Ильич кунларига бастакорларимиз ҳам зўр тайёргарлик қўришгаётир. Ўзбекистон халқ артисти Ҳалимовнинг «Партия ҳақида кантата»си, бастакор Турдиқулов ва Султоновларнинг Партия, Ленин, Ватан ҳақидаги қўшиқлари улуг кунга аталган армуғондир.

Бердақ номидаги Давлат филармонияси ўз репертуарини янги-янги қўшиқ ва рақслар билан бойитди. Станиславский номидаги Давлат театри А. Поповнинг «Ульяновлар оиласи», К. Яшиннинг «Йўли юлдуз» пьесаларини сахнага қўймоқда. Сейтжоновнинг «Аланга» спектакли эса қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталигида Тошкент область театрларида ҳам намойиш қилинди.

Ҳафталикнинг ўтказилиши фақат ижодий кўрик бўлиб қолмасдан, айна пайта Ленин кунлари арафасида Автоном республика ижодий ходимларининг ҳисоботи ҳам бўлди. Уша унутилмас кунларда улар хушнуд чехра билан қарши олган Ўзбекистон меҳнаткашларига қорақалпоқ халқининг сўнги йилларда эришган маънавий ютуқларини, шонли санага олиб бораётган қизгин тайёргарликларини кўрсатишга интидилар.

Ўн кунликлар, ҳафталиклар, мушоиралар, санъат кўриклари умум-миллий маданиятимизнинг бойлишига, дўстлигимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ижодий ходимларимизнинг энг эзгу тилаги сеvimли Ильичнинг табаррук 100 ёшини муносиб қутиб олишдир.

**Р**еспубликаимиз қишлоқ меҳнаткашлари партия ва халқимиз ҳаётидаги энг ёрқин саналардан бири — Владимир Ильич Ленин туғилганга 100 йил тўладиган кунни ижодий кўтаринкилик ва мисли кўрилмаган фаоллик билан кутиб олмақдалар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тараққиёти, жумладан пахтачилик равнақи аввало улуғ Ленин номи билан боғлиқ. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ ер-сув деҳқонлар ихтиёрига берилди. Ер ҳақидаги ленинча декретдан кейин деҳқонлар 330 минг гектар суғориладиган майдонга эга бўдиллар. Бу — республикаимиздаги туб ўзгаришлардан бири эди.

Ўша вақтлари қишлоқда аксарият майда хўжаликлар бўлиб, бу хўжаликларда иш асосан қўлда бажарилар, меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст эди. Бу ҳолнинг узоққа бормаслигини сезиб, Владимир Ильич деҳқон депутатларининг биринчи Бутунроссия съездида шундай деди: «Агар биз эскичасига майда хўжаликлар бўлиб яшайверсак, гарчанд озод ернинг озод граждандари бўлганимизда ҳам, барибир бизга муқаррар ҳалокат хавф сола беради».

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини қайта қуриш бўйича жуда катта сиёсий ва гашкилий ишларни авж олдириб юборди. Лениннинг кооператив пани бу ишларнинг назарий ва амалий асосини ташкил этарди. Планада кооператив хўжаликнинг энг муҳим принциплари, яъни, тарқоқ хўжаликдан қутулиш формалари баён қилинган ҳамда деҳқонларга ижтимоий хўжаликнинг афзалликлари тусунтириб берилган эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ленин йўлидан бордиллар. Партияимиз XV съезидан кейин бизнинг республикаимизда ҳам ленинча кооператив план тантанаси учун кураш бошланди. Деҳқонлар коллектив хўжаликларга уюша бошлади. Агар 1929 йили ер заҳматкашларининг уч процентигина колхозга кирган бўлса, 1938 йилга келиб уларнинг сони 98,8 процентга етди.

Тўрт миллион тонналик ўзбек пахтасининг оидин йўли мамлакатимизда пахта мустақиллиги учун кураш билан боғлиқ. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг бир неча ой ўтгач, Владимир Ильич Туркистон ўлкасида суғориш ишларини ташкил этиш ҳақида декретга имзо чекди. Граждандлар урушининг оғир талафотлари, вайроналик ва очлик даҳшатига қарамасдан, доҳиймиз пахтачиликини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берди. У Туркистон — СССР тўқимачилик корхоналарини пахта билан таъминловчи биринчи манба деб биларди. Владимир Ильичнинг ташвиш чекканича бор эди. Еш Советлар давлати энди оёққа тураётган ўша 20-йилларда ирригация системалари деярли сафдан чиққан, суғориладиган майдонлар ҳам, ҳосилдорлик ҳам кескин камайиб кетган эди. Масалан, 1918 йили ҳар гектар ердан аранг 5 центнерча пахта олинди. 1921 йилда эса бу кўрсаткич икки процентга тушиб кетди.

Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 27 ноябрдаги тарихий қароридан кейин Ленин йўлланмаси билан Туркистон ўлкасига тажрибали ирригаторлар, инженерлар, агрономлар кела бошлади. Маҳаллий мутахассислар ва деҳқонлар уларни кучоқ очиб кутиб олдилар.

Пахтачилик яна тез суръатлар билан ўса бошлади. 1923 йилда 157 минг гектар майдонга чигит экилди. 1927 йилда эса бундай майдонлар 483 минг гектарни ташкил этди. Ҳосилдорлик ҳам 4—5 йил ичиди сал кам 10 центнерга кўпайди. Улуғ Октябрнинг ўн йиллик тўйига келиб Ўзбекистон мамлакатга сал кам ярим миллион тонна оқ олтин армуғон этди.

1929 йилда ВВП(6) Марказий Комитети пахтакорлар олдига беш йиллик охиригача чет элдан пахта сотиб олишдан қутулиш ва тўқимачилик корхоналари учун ўзимизда резерв хом ашё тайёрлаш вазифасини қўйди. Давлатимиз фақат вазифа қўйиш билангина чекланмади, пахтакорларга ҳар томонлама ёрдам ҳам берди: улар ихтиёрига машиналар, турли хил асбоб-ускуналар

# ПАХТА

# НИНГ

# ОЙДИН

# ЙЎЛИ

**Н. ХУДОИБЕРДИЕВ,**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри

жўнатилди, янги уруғлик навлари, ўғит ва санаот моллари билан таъминлаш яхшиланди. Ўша йили биринчи Асака машина-трактор станцияси ишга туширилди, бир йилдан кейин эса республикаимизда бунақа станциялар сони 50 га етди. Уларда 2,5 минг трактор бор эди.

1934 йили «Ташсельмаш» гудок чалиб, ишчиларни ижодий меҳнат даргоҳига чорлади. Пахта пайкаларида янги селкалар, культиваторлар пайдо бўлди. Минерал ўғитлар деҳқоннинг жонига ора кирди. Уруғчилик йўлга қўйилди.

Партия ва ҳукуватимизнинг қишлоқ заҳматкашлари ҳақидаги бундай ғамхўрликлари зое кетмади — 1935 йилга келиб Ўзбекистон давлатга 1 миллион тонна «оқ олтин» совға қилди.

Ўттизинчи йиллар ўзбек «оқ олтин»нинг шухратини оламга ёйишда катта жасоратлар даври бўлди. 1939 йилнинг қўлламада Фарғона, Андижон, Марғилон, Қува, Тошлоқ районларидан йинилган 14 минг колхозчи Лоғон каналини қуришга отланди. Ўн саккиз кун деганда 32 километрик канал қазиб бўлинди, Исфайрам

1927 йили республикаимиз Октябрнинг ўн йиллиги шарафига ярим миллион тоннага яқин «оқ олтин» армуғон этди.

1932 йили далага биринчи трактор одимлаб кирди. 1935 йилда Ўзбекистон Ватан омборига 1 миллион тонна «оқ олтин» топширди.

1939 йили республика биринчи марта Ленин ордени билан мукофотланди.

1966 йилда давлатга 4 миллион тоннадан зиёд пахта сотилди, ялпи ҳосилдорлик 25 центнердан ошди.

Шу кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 70 мингга яқин мутахассис ишлаяпти.


578 пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга.

СССРда ягона пахтачилик институти Ўзбекистонда.

Ўтган йили «оқ олтин»нинг 41 проценти машина билан йиғиб олинди.

2 минг илмий ходим, жумладан 350 фан доктори пахта илми билан бевосита шугулланади.

## Қардошларимиз дастурхонига



Боғларимизнинг хушбўй мевалари бир неча  
сәтда Россия шаҳарларига етиб боради.

тор ҳақидаги орузи аллақачон рўёбга чиқди. Тошкент трактор йиғув заводининг ўзиёқ шу кунгача 140 мингдан зиёд трактор тайёрлаб берди. Ҳозир колхоз ва совхоз далаларида ҳар хил турдаги 109 минг трактор ишлаб турибди. 27,5 минг пахта териш машиналаримиз бор. Эндиликда пахтачиликнинг механизациялашмаган соҳаси жуда кам қолди. Мана, битта характерли мисол. Бундан тахминан ўн йилларча ил гари машиналар билан икки процентгина пахта терилган эди, ўтган йили умумий ҳосилнинг қирқ бир проценти механизация ёрдамида йиғштириб олинди.

Ҳозир пахтачиликда илмнинг, фаннинг роли кучайиб кетди. Республикаимиздаги ўн еттита тажриба станциясида икки мингга яқин илмий ходим ишлаяпти. Улардан 350 таси фан доктори ва кандидатларидир. Олимларимиз ерни шудгорлашдан то ҳосилини йиғиб-териб олгунга қадар бўлган ҳамма ишлар устида бош қотираётгилар, энг юқори ҳосилли, энг олий навли пахта етиштириш, деҳқон меҳнатини энгиллаштириш борасида кўп муаммоларни ҳал қилишмоқда.

Қишлоқ хўжалигимизнинг жонқуярлари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтишни истар эдим. Ҳозир республикаимиз қишлоқ хўжалигида 70 мингга яқин мутахассис ишлаяпти. Уларнинг деярли 18 минги олий маълумотли кишилардир. Колхоз ва совхозларимизнинг раҳбарлари ҳам ўз ишининг устаси, ўқимишли, ҳаёт тажрибалирига эга. Масалан, республикаимиздаги 1 минг 40 та колхоз раисининг 730 таси, 258 совхоз директорининг 228 таси олий ва ўрта махсус таълим кўрган кишилардир.

Колхоз ва совхозларимизда пахтачиликнинг ҳақиқий академиклари вояга етди. Масалан, бутун республикага таниқли Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари: Тошкент областидаги Киров колхозидан Турсуной Охунова, ўрта Осиё машина синови станциясида Валентин Тюпко, Андижон области «Партия XX съезди» колхозидан Маннон Жалолов, сирдарёлик Ажиҳон Эсқороев, Фарғонанинг «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Қурбон Кенжаев, Самарқанд области Киров номи колхоздан Суяр Толмасов ва бошқа қўллаб меҳнат фидойилари бизнинг фахримиздир.

Партияимизнинг XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Март (1965), Май (1966) Пленумлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустақамлаш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаси бўйича рентабелликни ошириш вазифаларини қўйди. Давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нарҳининг оширилиши, техника ва тайёр қисмларнинг арзонлашуви, пахтанинг биринчи навига янги ҳақ тўлаш, қишлоқ меҳнатқашларини ҳар томонлама рағбатлантириш партия ва ҳукуматиимизнинг сўнгги йилларда кўрсатган раҳм-рўқибатидан бири бўлди.

Айниқса КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1968) Пленумидан кейин дадил қадам қўйилди. Социалистик қишлоқ хўжалигимизни тараққий эттиришнинг янги йўлларини белгилаб берган Пленум қарорларини миллион-миллион ўзбек деҳқонлари шодон кўтиб олдилар.

Қишлоқ хўжалигидаги вазиятни танқидий баҳолаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми мавжуд камчиликларни йўқотиш ва пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини берадиган қатор тадбирлар белгилди. Пахта териш машиналари, трактор тиркағичлари ҳамда минерал ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги пахтакор совхозлар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳаммасизга маълумки, бу йил пахтакорлар учун жуда ноқулай келди. Бундай шароитда хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, механизаторлар ўзгача гайрат-шижоат кўрсатишлари, фан ютуқлари ва ҳаётий тажрибаларини унумли қўлланишлари, шундай қилиб, ваъда қилинган маррани эгаллашлари — давлатга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга ҳисса қўшишлари лозим. Бу Владимир Ильич Лениннинг 100 йиллигига муносиб тўғна бўлади.

Бир заҳт йиғириқликлар 25—26 центнер ҳосилини мўътадил ҳисоблаб келардилар.

1968 йилда катта бурилиш юз берди: 19 минг 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтарилди. Давлат омирорига салкам 80 минг тонна оқ олтин тўлиқилди. Бу — беш йиллик план бажарилди, деган гап эди. Хўш, бундай улкан муваффақиятнинг сирини нимада? Журналист Матруф Назаровнинг қуйида эълон қилинган репортажи шу ҳақда баҳс этади.

Авалло айтиш керакки, йиғириқликлар меҳнатни сабаби тирричилиги деғина эмас, вичқон амри, дарринг мағрур хусни деб биладилар. Қалбингда оташ, билагингда куч бор экан, меҳнат қил, тирричилигингда ўзингга ҳайнал кўй, вақтинги бенорга ўтнама, халққа моддий ва маънавий бойликлар ярат. Кечаги йилгини бугун эсинриб қоялти, йилгини қидир, излан, нашф эт.

— Мана шу ҳақиқат одамларимиз онгига синган, — дейди Мадамин ана, — моддий бойли учун нураш муқаддас бурчга айланди. Эл-элат ҳамла қилса, дарбин тескари онизади, деғанларидек, халқимиз бир жон, бир тан бўлиб ишга киришгач, нисқа фурсатда район бўйича пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 12 центнер кўтарилди. Ҳар йили пландан ташқари 8—10 минг тонна пахта тайёрланар эди. 1968 йилда бу ракам 17 минг тоннага етди.

Икки симдан оқиб келаётган нур туташган жойда чироқ ёнади. Йиғириқликлар билим билан тажрибани бир-бирига пайвандалаб деҳқончилик қилишлти. Сир эмас: биров йилгинини севади; лекин одамлар борки, йилгини берақ қараёди. Эндиликда йиғириқликларнинг ҳаммаси биринчи тоифага кирди. Шу вақдан Йиғириқини ҳозир фан-техника ютуқлари, илгор тажрибалар мантаби деб аташди.

— Йилгиниқа ёндашган етар муқорда, эсиникина ёпишган қолар уятга, дейди деҳқонлар. Боболардан тортиб усмирларгача деҳқончилинда фан-техника ютуқлари, илгор усуллар тарафдори бўлиб қолди. Чигит экиншдан пахта териниғича бўлган ишларнинг ҳаммаси машиналар гардинига ортилди. Хоразм шаронтида пахтани машинада териш мумкин эмас, деган тушунча бор эди. Механизаторларимиз бу нотўғри тушунчани чиппакача чиқарди. 1968 йилда ҳосилнинг 48 проценти «азгорт нема»ларда терилди.

Киши маълум мақсад билан яшайди, қалбада эзу орзулар туген уради. Гайратсиз майдонга кириш шунчаки томошаниликдир. Йиғириқлик шовоэлар йил ўч икки ой гайрат отидан тушмайди. Иши яхшимки — янада яхшилаш учун нурашди, бир маррани эгалладимки — янгисини кўзлайди. Оғир тушни елкасига дадил олади-ю, йўлнинг йилинини кўзлайди. Бир нуқтада депсиниб турмайди, оқчага қайтмайди, ҳар нарсасга обҳавонни рўнач қилмайди. Хўжумкорлик билан иш тутайди. Бўлар-бўлмагасга ваъда бермайди. Ваъда бердимки — табият ўнарлик қилса ҳам, қилмаса ҳам, сўзининг устидан чинади.

— Халқимизнинг сўзи билан иши бир, — деб давом этди Мадамин ана, — 1968 йили пахтакорлар йиғилишида районимиз бўйича

# ЭГИЗАК ҲОСИЛ СИРЛАРИ

Хоразм область Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадами **МАТКАРИМОВ** билан суҳбат.

гектаридан 35 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта хўжалик бўлмайди, дейилган эди. Айнан шундай бўлди. 35 центнердан кам пахта олган бирорта колхоз қолмади. «Октябр» 40 йиллиги», Киров номи колхозлар гектаридан 45—46 центнердан, «1 Май», Охунбобоев номи, Аваз Утар ўли, «Москва», Чапаев номи, «Ленинград» колхозлари 40 центнердан ошириб ҳосил олди. Охунбобоев номи колхоз давлатга 9 минг тоннадан кўп пахта совға қилди.

Мана, бошқа бир мисол. Райондаги 288 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси пахта тайёрлаш планинигина эмас, социалистик мажбуриятларини ҳам ўринлади. Тўра Раҳимов, Салой Раҳимов, Қилич Давлатов, Қурбонбой Абдуллаев, Шоназар Ражабов, Ёқуббой Абдуллаев бошқин бригадалар ҳосилдорлигини 55—60 центнерга кўтарди. Бизда халққа, давлатга наф келтирадиган ишга ҳамма барабар отланади. 1967 йилда 9 минг гектар майдондаги ғўза талафотга учради. Шунда «эсиз, янгиариқчиллар бу йил ер чизиб қоладиган бўлди-да» деб ачинганлар ҳам бўлди. Лекин халқимиз бирдамлин билан ишга киришди, партия ташкилотлари нишонин тўғри олди. Қайта чигит экилди ва кўзланган ҳосил кўлга киритилди.

Ҳар ишда ҳаммиҳатлик, шахсий масъулият, ташаббусдорлик қондасига риоя қилмоқ керак. Нўрсатима бериш осон. Ҳар нимдан имкониятига қараб иш талаб қилинган маъмул. Кўтара олмайдиган одамга оғир юнни орқалатиб

қўйиб, томошабин бўлиб ўтиришдан нима фойда?!

Аммо жамиятда ҳали оғирнинг устидан, энгилнинг остидан ўтиб юрган нишилар ҳам йўқ эмас, Уларга нисбатан талабчанлини қатъий бўлиши керак. Бу иш кўлимдан келмайди дейиш осон. Кўлимдан келадиган, дейишга ўргатиш керак. Қийин ишга азм этган дидил киши нам бўлмайди.

Баъзи деҳқон ер нима берса, шуни олади. Янгиариқчиллар эса агротехниканинг турли тадбирларини қўллаб, ерни кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилляпти. Ер парваришини севади. Очиқтирмай ўғит, чанқатмай сув берилса, экинлар тури алмашлаб турилса, уруғ саралаб борилса, бегона ўт йўқотилса ҳосил ошаверади. Илгари деҳқонлар тупроқни галвирга солиб эларман. Янгиариқчиллар ундай қилмаса ҳам, зовур қазиб зах суви, яқоб бериб шуни йўқотадиган, баҳор, 83 фаслида неран бўладиган намин қишда тўплайди. Қишлоқ хўжалик зараринундаларига қарши қаттиқ курашади.

— Партия Марказий Комитетининг пленумлари ҳам деҳқонларга шундай маслаҳат беради,— сўзини давом эттирди Мадами Маткаримов,— масалан, 1968 йил оқтириб Пленумида шундай дейилди. Эъзоланган ер — эгизас ҳосил беради. Биз шахмат шаклида зовулар чиқарганмиз. Шу йўл билан экиннинг дўшмани — зах суви ючириляпти. Ҳар йили тўрт-беш марта шўр ювилиб, тупроқнинг дондорлиги ошириляпти. Уз уруғчилини хўжалигимизга эгамиз.

Ҳамма майдонни бир йилда маҳаллий ўғитга тўйдириш қийин. Шу ваздан отизларни навбатлаб озиклантириш графиги тузилган. Химизаторлар, агрономлар экинлар зарарунанда ва насалликлардан сақлашади.

Партия ташкилотлари жанговар бўлиб қолди. Коммунистлар ишда илгор. Халқ партия ташкилотининг сўзига ишонди, коммунистларга эргашади. Район партия номиети кадрлар резервага эга. Улар иш жараёнида синналиб борилади. Партиявий, жамоат топшириқлари берилади. Инро текшириб турилади. Сўнгра улар кўпай партия ташкилотларининг таъсияси билан кези келганда раҳбарлик лавозимига кўтарилади. Натинжада юн энгил кўчляпти, кўйилган вазифа бажарилляпти. Илгари нима бўлса ҳам план тўлисин, дейилар эди. Энди вазият бутунлай ўзгариб кетди. Партия ташкилотлари, коммунистлар, деҳқонлар ҳисобдон бўлиб қолдилар. Пахта қанақа меҳнат эвазига етиштириляпти; баҳоси қанчадан тушляпти; нави билан сифати қандай; давлат, колхоз, колхозчи хонадон қанча фойда кўради?— янгиариқчиллар шуларнинг ҳаммасини ҳисоблаб иш тутадилар.

— Халқимизда «ҳисобини билмаган ҳаменидан айрилади» деган наҳл бор. Деҳқон, хўжалик ҳаменидан айрилмаслиги, давлат фойда кўриши керак. Анс ҳолда қиқиш бўлмайди. Раҳбарларгина эмас, оддий кишилар ҳам ҳисобдон бўлишлари лозим. Хоразмда «янгиариқчиллар иложини топса

транторнинг тариллашидан ҳам фойда олади», деб ҳазил қилишади. Бу гапда жон бор. Партия ташкилотлари одамларни иқтисодий тежамкорликка, иқтисодчиликка ўргатляпти. Мақсадимиз — давлатимизни, халқимизни бой қилиш, хўжалиқлар иқтисодини мустақамлашдири. Натинжа ҳам шунга яраша. Район бўйича пахтанинг таннари бир йилда 15—20 процент камайляпти, бир миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинляпти.

Ниҳоят, халққа гамхўрлик буюн вазифа. Қишлоқ маданияти, одамларнинг турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Маданият ўчоқлари, маданият-оқартуш муассасалари кўпайди. Одамлар ёлпасига саводхон. Эски типдаги қишлоқлар ўрнида ғўзал посёлкалар, шаҳарчалар қад кўтарди. Кишиларнинг найфи чоғ бўлгач, иши ҳам юришади, меҳнат унумдорлиги ҳам ошади энан.

— Ҳамма колхоз ва совхозларини посёлка системасига кўчи,— деб сўзини яқунлади Мадами Маткаримов,— шаҳарларда қандай маданий муассасалар бўлса, қишлоқ-посёлкаларда ҳам шулар бунёд этиляпти. Янги маро сийларни — янгича тўйлар ўтказиш, ёшларни армияга кузатиш, қаришларни пенсияга чиқариш, туғилган кунни нишонлаш одат бўлиб қолмоқда. Меҳнат билан моддий бойлиқлар яратишни билган халқимиз маданий ҳаёт нечириши ҳам керак. Партия ташкилотлари масалани ана шундай қўйляпти.

М. НАЗАРОВ.



## МИРЗО ҒОЛИБ

Халқимиз Ҳиндистон ва Покистоннинг буюк шоири Мирзо Ғолибининг юз йиллик хотирасини энг нишонлади. Ғолибининг ижоди ҳам, ҳаёти ҳам тотув кўшнелик ва дўстлик рамзидир. У ўзи Аграда туғилган, боболари самарқандлик энанини шеърларида кўп таъкидлайди.

Мирзо Ғолиб урду тилида ёзган, У Шарқда муҳаббат лирикасини фалсафий даражага кўтарган, Бедел наби мураккаб, мутафаккир шоир бўлиб, унинг асарларини изоҳловчи ўнлаб илмий асарлар яратилган. Ғолиб девонини нафис санъат асари сифатида машхур Тож-маҳал билан тенглаштирадilar.

Менинг тонгим қоронғуликда оқшом бирладир монанд.  
Шунинг-чун билмагум гуналар ва куллар ўтса ҳам ҳарчанд.  
Азият чекмагунча келмагай роҳат, масалдириким,  
Тузатмоқлик учун синган оёқни айлағайлар банд.  
Қўлим чок этса ёқамни агар,— бу айб айб эрмас,  
Ки шайхлар жандан ҳам кўп аюқлардан топар пайванд.  
Дейрсанки, чидаб аччиқча, панд олғил қўлогинга,  
Буни қўй, бодамиз аччиқчиқча теги келомаса панд.  
Муҳаббатнинг нигоҳи дилга кўймасдан зулолнин,  
Нишоту айш ила таълим ниҳоят хурраму нўшханд.  
Мабодо шодлигинан ўлмасин деб, менга билдирмас,  
У ёри ўлмоғинин истаса ҳам аслида тарчанд.  
Севимли ёриниғ кайравлиғича кўз тикиб доим,  
Фалакдан баҳабар, саргаштадирман, эй азиз дилбанд!  
Ҳаждондан бир вафо кутмайди Ғолиб, шунчаки бордир.  
Сўраб қолса биров, дерлар: юрибди ҳар қалай хўрсанд.

\*\*\*

Яхшидир на кофину на соҳибни имон яшаш,  
Хайф эрур кофур ўлиш ённи мусулмон яшаш,  
Риндлар ахволин, эй ёр, мендан сўрмагил,  
Шунча билгудирки, мўшкулроқ эрур омон яшаш.  
Парда ичра қанча сирлар яшириндир банд-банд,  
Гар ўлим мактуб бўлса, унгадир унвон яшаш.

Жонни топшир ёр васли пайтида, йўқ эрса сен  
Биз каби бўлгуч пушаймон, топмайин имкон яшаш,  
Кўзда гоҳи зулмату гоҳида нур, билман нечун,  
Хуш бўлур беахирман, бедину беяздон яшаш.  
Файзли мазмуни бор, такрори зонд, айб эмас,  
Нуктадонлар хотирида келмагай чандон яшаш.  
Вақт ғанимат, Ҳинддан, Ғолиб, чиқиб қилгил сафар,  
Хуш Нажафда ўлмоқ, Исфаҳон аро ҳар он яшаш.

Кел эй, дилбарки дилда қолмади ҳеч сабр ила роҳат,  
Нечук энди қилурман интизорлик дардига тоғат  
Бу дунё лаззати ўринга жаннат ваъда қилмишлар,  
Бироқ жаннатдаси май менга бермайди сира лаззат.  
Бу кўз ёши мени судраб чиқартирди-қу базминдан,  
Нетай, менда йиғини тўхтатишга бўлмаса қўдрат.  
Дили ранжийди деб, ҳаргиз гўмон этма сен эй, дилдор,  
Нечунки, ер тағида ишқ оли кўнглида йўқ зулмат.  
Баҳор ҳуснини гул кўзгусида кўргил, тамиз айла,  
Маоний жилвасини дилдан ахтармоқча қил одат.  
Мени қатл айламоқча ёр аҳд этган, билурман-ку,  
Яна таъкидлаб айтинг, аҳди бўлсин қатъийроқ албат.  
Шаробини тарк этишга сен қасам ичган эдинг, Ғолиб,  
Қийин лекин ишонмоқ бу қасамга эй, қадим улфат.

Форе ва урду тилларидан ВАСҒИМ таржималари.

# НАВҚИРОН АДАБИЁТ

Халқ революцияси мамлакатимизда янги миллий адабиётни юзага келтирди. Унинг энг муҳим хусусиятлари: горькийча социалистик реализм, халқчиллик, партиявийлик ва интернационализмдир.

20—30 йиллардаги прозанинг бош мавзуи — халқнинг революцион кураши, янги ҳаёт қуришдаги мисли кўрилмаган ташаббус эди. Ц. Дамбадорж ўзининг «Толбо қўли» деган тарихий романида халқ революциясини биринчи марта кенг элик планда кўрсатди. Кейин М. Ядамсүрэннинг реалистик қиссаларида халқ онгидаги ва ҳаётдаги эскилик ва янгиликнинг драматик кураши ёрқин акс эттирилди.

40 йиллардан бошлаб, меҳнаткаш халқнинг янги жамият қуришдаги муваффақиятлари адабиётимизда етакчи тема бўлиб,

меҳнат кишилари эса — асосий қаҳрамон бўлиб қолди. Янги жанрлар, меҳнат кишининг образини яратишда янги ижодий муаммолар пайдо бўлди. Бу даврда айниқса Ч. Лодойдамбанинг қиссаларида янги жамият кишининг образи бутун маънавий бойлиги ва қалб гўзаллиги билан қад кўтаради. Энди ёзувчиларимиз ҳаётни чуқур фалсафий таҳлил этишга, социал умумлашмаларга интиладилар. Бу жиҳатдан С. Эрдэнэнинг лирик қиссалари диққатга лойиқдир.

Мўғул прозасининг ривожланишида кўп миллатли совет адабиёти, айниқса буюк рус адабиётининг тажрибалари намуна бўлди. Биз Максим Горькийнинг мўғул ёзувчиларига мурожаат қилиб айтган: «ўзингиз бошлаган буюк ва қийин ишнинг ҳақлигига қомил ишонч билан ижод

қилинг» деган сўзларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ҳозирги замон роман жанрининг сўнгги ютуқлари халқимизнинг фахридир. Халқ ҳаётининг кенг масштабдаги манзараларини яратишда талантли адибларимиз Б. Ринчен ва Ч. Лодойдамбанинг романлари муҳим ўрни тутди. Роман бизда, табиий, қишлоқ меҳнаткашлари, аратлар ҳаётига доир темаларни ишлашда тараққий топди. Эндиги вазифамиз ишчи синфининг ижодий меҳнатини чуқурроқ акс эттиришдир. Чунки ишчи инсон мамлакатимизда социалистик ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб қолди. Унинг гўзал ички дунёсини, олижаноб фазилатларини очиб сўз санъаткорининг муқаддас бурчи. Кўп миллатли совет адабиётининг бой тажрибаси бизга бу муҳим ижодий босқичда ҳам асосий мактаб бўлажак.

## Муҳаррир минбари

# Меҳр-

# сув

# эмас

«Асабий одам. Бўлар-бўлмасга қанча одамни хафа қилди...»

Бундай кўнгилсиз характеристикани кўп эшитамиз. Ҳатто баъзи одамлар ўзи ҳақида ҳам шундай пушаймон билан гапиршга мажбур бўлади: «Асаб чатоқ. Жаҳл устида яна бировни ранжитдим...».

«Асабийлик» ҳақиқатан ҳам ёмон бало. У қаёқдан келиб чиқади ўзи?

Аввало, албатта, асаб системасининг ҳар хил функционал касалликларидан келиб чиқади. Лекин биз бу ўринда ундай сабаблар ҳақида эмас, фақат ёшликдаги тарбия нуқсонлари билан боғлиқ бўлган баъзи сабаблар ҳақида гапирмоқчимиз.

Тўлқиннинг опоқ бувиси, чуваккина, букчайиб қолган нуруний кампир, йиғлағудай бўлиб гапирди:

— Тўлқинжонимиз ёлғиз-да, болам, уйда нима деса шунини қиламиз. Адаси ҳам, ойиси ҳам ундан ҳеч нимани аяшмайди. Айтгани муҳайё, тасаддуқ. Лекин гоҳо кўнглини тополмай қоламиз, айланай. Зеҳни тез, жаҳли ҳам тез...

Тўлқин шундай инжиқ экани, айтганини қилмасалар, ерга ётиб олиб бақирар, курсиларни ағдарар, идишларни уриб синдираар экан. Опоқ бувисининг гапидан маълум бўлишича, у «йўқ»на ўрганмаган, уйда унга ҳамма нарса «мумкин» унинг тушунчасида ҳамма одамлар ва ҳамма нарса унинг учун, унга

хизмат қилиш учун яратилган. У катталарга дағал гапирди, унинг истаги — қонун, бошқаларни бир пулга олмайди. Уйдагилар эса, кўпинча унинг «кўнглини тополмай» гаранг.

— Болам шўрлик асабий...

Йўқ, Тўлқинга ҳали асабийликнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу асабдан эмас, унга бўлган муносабатдан, тарбиянинг хатолигидан, тарбияда талабчанлик, гражданлик руҳининг йўқлигидан. Лекин бундай тарбия кўрган бола катта бўлганда албатта тажонг, «асабий» бўлади, ўзингина эмас, бошқа кўпларни ҳам асабий қилади.

Тўлқиннинг катта бўлганини кўз олдингизга келтиринг. Ҷизи ишлаган коллективда у албатта ҳаммаининг диққат марказида бўлишни истайди, асосли-асоссиз равишда имтиёз талаб қилади, ўзгалардан талаби катта бўладию, бошқаларга ўзи нима фойда бераётганини ўйламайди. У чидамсиз, танбехни кўтарамайди, инжиқ, иродасиз, оз бериб кўп олишга ўрганган; коллективда эса бу мумкин эмас, шунинг учун у ўзини омади кетган бечора ҳисоблаб, нолий бошлайди, кимларгадир ҳасад қилади, кимнингдир устидан арз ёзади, таҳдид қилади, ранжитилади.

Аmmo, маълумки, коллектив бундайларни кечирмайди. Асоссиз имтиёз талаб қилиш, худбинлик, дағаллик атрофдагиларнинг қаршилигига учрайди. Тўлқин бўлса бундан ўзини ха-

фа, жабрдийда қилиб кўрсатишга киришадди, ўз қобилиятларига ишончини йўқотиб, «омадим йўқ» деган тушкун қарорга келади. Уйда ҳам, коллективда ҳам ҳар нарсадан жанжал чиқариб, ҳаммаининг қонини бузаверади. «Асабий одам» деган ном чиқаради, уни аяйдилар, у баттар асабийлашади...

Хато тарбиянинг оқибатлари турмушда, коллективда кўпинча йўқолиб ҳам кетади, албатта. Лекин Тўлқиннинг ёки унга ўхшаганларнинг болаликда кўрган ўша «тарбия»си мантиқан мана шунга олиб келиши мумкин. Шунинг учун адалар, ойилар, опоқ бувилар ўз Тўлқинларини эркалаганларида меҳрин сувдай тўкиб юбормасликлари керак. Меҳр — сув эмас (ахир сувнинг ҳам қадри бор!), у инсоннинг гражданлик тақдирини белгилайдиган қимматбахо эликсир. Меҳр ота-онанинг муқаддас туғуси, унинг ҳар мисқоли қадри. Уни беинҳоя сочиб юбориш эса баъзан ҳатто фожиага ҳам олиб келиши мумкин.

Фарзандга меҳрибон бўлинг, лекин бола сезсинки, у жамиятга керак, унинг қалби, ақли, қобилияти, қўли одамлар учун зарур. Одамларга фойда келтириш билан бахтиёр бўлиш ҳисси — гражданлик ҳисси, буюк ҳисдир.

Қимматбахо ота-оналик меҳри мана шу муқаддас ҳисси тарбиялаш учун сарфланиши керак.



ЭЛ МУҲАББАТИ. В. И. Ленин сиймоси акс эттирилган бу кўзани Тошкент  
...дан бул кўзаларни яратганлар




Калон минораси



Пон калон

# Бухоро

Исмоил Сомоний мақбараси




Чор Бакр



## ҚАЛБ ЖИЛОСИ

Бу тасвирлар истеъодли rassom Роман Левицкийнинг мўй-қаламига мансуб. Роман Васильевич 20 йилдан бери Ўзбекистонда яшайди. У республикаимиз шаҳар-қишлоқларини назиб, чарогон ҳайт соҳиблари, шавнатли меҳнат қаҳрамонлари, кўркам водийларинимиз хусни-жамолини рангларга кўчиради. Сўнгги йилларда rassom хайлини қадимги ёдгорликлар банд этипти. У rassom Константин Назаров билан биргаликда Самарқандга бағишланган тўйна альбом — нафис расмлар гулдастасини тайёрлади. Бу альбом яқинда босмадан чиқади. Роман Левицкийнинг «Бухоро» деб номланган асарлар турмуни эса Монреалдаги жаҳон кўرғазмасида намойиш этилди. Бу саҳифаларда rassomнинг қадимий Бухорога бағишланган бир неча расмини босдик.

Тоқи заргарон





Ўзбекистон ССР халқ рассоми Раҳим АҲМЕДОВ.

ЧУПОН.

**А**бдуллажон ҳарбийдан қайти-ю, ота-онасининг бағри бутун бўлиб қолди. Минг орзу-ниятини дилига тугиб юрган Ғузал хола ўзида йўқ шод. Она экан-да, муштилар, ўғли энди ёнида бўлса ҳам суратини қўлидан қўймайди. Ота анча босиқ, сир бермайди, минг қилса ҳам эрканда, лекин гурур билан мўлаовини бираб, зимдан ўғлининг қоматига раэм солган сари қалбига илиқ ҳислар қўйилади: «Азамат бўлиб қолди, шунур, қомати қарағайдай. Умрини берсин, манаман дегани ҳам суратига қизини беради...».

Баъзан она, баъзан ота бир-бирини хил-ватда «пичир-пичир»га тутиб қолишади:

— Кампиршо, ўғлинг ҳам дейман...  
— Билдим, билдим, дадаси, бу ёғини ўзимга қўйиб берасиз, кўз остимга босиб қўйганларим бор. Ўғлигинам бир кўриб, «маънўл» деса бас...  
— Ҳў-хўп, лекин биз ҳам бир четини бил-либ кўйсан.

— Бир четини билай десангиз, гап бундай...  
Бу сўхбатларнинг сеҳри ҳам бор, лазази ҳам. Уни ота-оналик бахтига мушарраф бўлганлар ҳис қилади. Ўғил воляга етган сайин неча бор такрорланади бу баҳс. Гоҳо энти-ки-энтиб қўйишади. Рост, баъзан ҳуда-бе-ҳуда қизишиб ҳам қолишади, лекин барибир шу сўхбатда юрак ёзилди, кўнгил бўшайди. Бу ҳеч бир ота-она учун янглики эмас.

Сармонкул ака билан Ғузал хола нувонч-дан қайта ёш бўлиб, оламга йигирми икки ёшли ўғиллари — Абдуллажон кўзи билан қараб турган шоду хуррам нунлар эди... Эрта тонгда эшик бемавдур тақиллаб қолди. Остонада, шим кийган, соч бир тутам, эркан-ми, аёлми биллиб бўлмайдиган нимса турарди.

— Алёша! Алёшеня! — Қандай Алуша?! — Она ҳайратда эди.

Бир чеккада «Алёша» — Абдуллажон ил-жайиб турибди. Ахир, у армияда уйланиган, эрта-индин келин ўз оёғи билан кириб келишини айтмаган эди-да.

Қиз узатиш, ўғил ўйлантириш урф-одати ҳар жойда ҳар хил, баъзан икки ёнма-ён қишлоқда ҳам фарқ қилади. Кўриниши ҳар хил бўлиши мумкин, лекин мазмуни, маъ-сади бутун дунёда битта: ахшилик! Яхши нунларга етайили, деб ота-она фарзанд ўсти-радди, яхши нунларни кўрайлик, деб орзу-ҳавас қилади.

Юқоридаги қахрамонларини Гулистон рай-онидаги «Ленинсийн путь» колхозининг Зарб-дор қишлоғида ашшади. Шу колхоздаги Попов номли ўрта мантаб директори Йўлчи-бек Ҳотамқулов таърибли, кенса мурабий, Галимиз бир жойдан қичиб, дардлашиб қол-ди.

— Оила қуриш ҳаммага фарз, — дейди ди-ректор бу ҳақда ўз мўлоҳазаларини ўртага ташлаб. — Лекин бу борда айрим ёшларнинг нотўғри қайнатилдиги сезилапти. Баъзи йигит-қизлар учун турмуш қуриш кўнгил хушига ўхшайди, том айланмай топишадил-лар, қандай тез топишган бўлсалар, шундай тез акрашиб кетишади. Бу — тарбия кўрган, андишали кишиларнинг иши эмас.

Қозонбек деган яхшигина тракторчимиз ҳам армиядан етганлиб келди. Марил деган акабатовур ииз эди. Келин шўрлин ҳозир иккига болага нафана олиб ўтирибди. Ахир, у сендан нафана олиш учун дунёга келма-ган-ку? Ҳам ўзининг, ҳам ўзгани сарсон қил-ган, фарзандининг тирик етим қолдирган қандай йигитсан, десангиз, эсим йўқ экан ўшанда, деб ер чизади.

— Ота-она розилиги турмушда жуда му-ҳим, — деб давом этди Йўлчибек ана. — Ҳаёт ўзи шуни кўрсатапти, кун сайин тасдиқ-лаб борапти.

Мўйин Бутунбоев бообру Йигит эди. Таш-кентда Низокий номидаги Педагогика инсти-тутида тахсил кўриб турган маҳалида ша-ҳарнинг Лабзак нўчасидан уйландию, онаси билан бир кун ҳам яшамади.

— Онангиз ёймади, — деди келин.  
«Кўмаси ҳам, шу менинг онам», — дея ол-мади Йигит.  
— Шаҳарга кетамиз, истасангиз шу! — деди келин. Шаҳарга келган: — «Ўзингиз ҳам ёйқандингиз, топганингиз мошхўрдага ҳам етмайди» — дедю, кинодан чиққандаг ҳў-шалаб кетди. Икки болани эса ўша «ёймаган» она бағрига босиб ўтирибди.

ОДОБНОМА

## ОТА-ОНА РОЗИМИ?

Абдуразоқ деган йигитимиз Қозогистон-нинг узоқ юртида хизмат қиларди. Армия-дан қайтишини ота-онаси йўқлигини бил-дирмай, акалари билан яхшигина нишонла-ди. Икки ойдан кейин Қозогистондан кели-нин ҳам тушириб келди. Аналар отадай бош бўлишди, янгалар она ўрнида хизмат қи-лишди, келин-кувё ҳам, қуда-қудагай ҳам иззатда бўлдилар. Бунинг боиси шуки, Абду-разоқ акаларни ота, янгаларни она билиб, шуларнинг тузи, меҳри ҳаққи маслаҳат со-либ, розилигини олди. Ҳозир кўнқордай икки ўғли, ширин рўзғор бор.

Бу биргина қишлоқда «ғул ва тикан»лар ҳолос. Ҳар жойнинг ўз гули, ўз тикани бор. Ота-онанинг оқ фотиҳасини олиб, иқбол топганлар оз эмас. Зомин районидан «78-от заводи» совхозида Тиллабек Маҳмудовни ҳамма хурмат қилади. У совхознинг етакчилари-дан бири. Тиллабек совхознинг Учқиз қи-лоғида туғилиб ўсган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида тахсил кўриб юрган кунларнинг бирини, она кўзга ёш олди:

— Болам, сенинг орзу-ҳавасларининг кў-риш насиб бўлармикан. Бу ордона қолмагур ўқишинг ҳам мунча чўзилмас...

Тиллабек ёғзи таътилининг охирида онаси-ни «бир ўйнатиб келгани» Каттақўрғонга бошлаб кетди. Учқиз қаёнда-ю, Каттақўрғон қаёнда. Она кунда кўриб юрган Молғузлардан бўлаб тоғлар борлигини, Учқиздан бўлаб қишлоқлар, юртлар борлигини кўриб ҳам ҳайратланиб, ҳам томоша қилди. Қандайдир бир кишининг уйи, ё бир неча кун кутил-маган иззат-хурмат кўриб, шу кишининг ултан қизи олиб югуриб унинг хизматига бўлди. Қўрда-қўймай маҳсинини тортаёт-ганда бенхтиёр бир қараб, юзлари лолалуг-дек қизариб кетганини кўрганда ҳам она кўнглига бошқа ўй келтирмай, фақат: «мун-ча ҳаёли, обили... мунча бежирми, деб эн-тикиб қўл қолди. Кўнглининг чуқур тубида-ги эски «дарди» сал кўзгалгандай бўлди: «Шундай келин қайси бахтли онага насиб қиларкин?». Орадан бир неча ой ўтиб, шу бахт ўзинга насиб қилганда эса, ҳамма она-лар каби дунёга шуқур килди.

Мана, Тиллабек йирик совхозда партом иотиби, келин — Гуллино агроном. Бир-бири-дан узоқ икки қишлоқда туғилиб, илм дар-гоҳида — Самарқандда топишди. Муҳаббат эса уларнинг бошини битта қилиб биринтирди. Уларга бутун қишлоқ ҳавас ва меҳр кўзи билан қарайди. Бугун Учқизда, унга йўшни Работ, Тўнчара қишлоқларида, Тиллабек, Гуллино деган янги отлар кўпайганига ажабланмас бўлади. Эл доимо ахшиларга ҳавас қилади.

Олимжон билан Назиранинг севги таңдир и хийла мураккаб бўлди.

...Кунларнинг бирини Гулистондаги Сўл-тон Сегизбоев номли медицина билим юр-тининг иккинчи курс талабаси Назира Қилич-ованичқ номига шопишчлик телеграмма келди: «Онанг бегоб, тезда етиб кел!» Қиз йўловчи машинадан йўловчи машинага кўчиб, узоқ районнинг Ем қишлоғидаги ота-онаси ба-ғрига ошиқарди. У остонага етганда нафас олишга қийналиб, ўз кўзларига ишонмай қолди: ҳовли тўла одам! Наҳотки, ойм...

Йўқ, ана ойиси! У югуриб келиб, ҳайрати-дан остонада қотиб турган қизин бағрига босди, ички ҳовлига етаклади.

— Иккига хат қилдирдим, келмадинг. Ойм ўлса ўлиғига бораман, деган экансан-да,— Она кўзларига ёш олди.— Мана, менинг ҳам ниятимга етар куним бор экан. Бахтинг очил-лар бўлди, қизим. Жиззахдаги Маҳмуджон эшоннинг яккаю ягона ўғлидан совчи келиб ўтирибди!

«Хмм... гап бу ёнда экан! — Назира тўғнига ташча бўлиб пинҳон бир салчиқди-ю, ўзини босди.— Йўқ, қизиққонлик, ҳайчириқ — шар-мандалик келтиради, холос. Ойм ҳам, ўттиз йил муаллимлик қилиб саритдан кутулма-ган дадам ҳам буни осоничка тушунишмай-ди. Маҳмуджоннинг арзандасига хат ёзмам, зора у тушунса...»

«Кеңирасиз, дадамларнинг айтишича, кўп ғўзал эмишсиз. Тўйимизга сиз рози бўлма-сангиз ҳам мен розиман», деб жавоб ёзиб-ди жиззахлик «турахон».

— Энди нима бўлди? — боши қотди Нази-ранинг. — Олимжон биларминан буларни. Ҳаммасини унга ёзмаман. Мен севгимга содиқ эканлигини, фақат ота-онамни риол қилиб, иломсиз қолдўтганлигини ёзмаман. У бир илонини толар.

«Сирдарё ҳақиқати» ред.қциясига яриб келган ёшгина йигит ўзини Олимжон Орфи-жонов, деб таништирди. Редакциянинг ара-лашуви тўғрайи иш севишганлар фойдасига ҳал бўлди. Ота-она «хатолик» ҳар бандда бў-лар экан», дейишиб тўро томошага бош-қош бўлишди. Бугун эса улар қизу кувё ҳам-да яни невара қошида парвона.

Дарвоқе, бизнинг давримизда армиядан, ўқиган юртдан. умуман узоқ жойлардан уйланиш, турмуш қуриш янглик бўлмай қолди. Катта шаҳардан қишлоққа келин бў-либ тушиш ёки кувё бўлиш ҳам ҳеч нимни аналантиролмайдди. Таассуфи шунданки, кўп-гина ёшларимиз оилавий маъсулятни ҳис этмай туриб, буни тушуниб етмай туриб, оилага «иқтивоз» бўлиб қолишади. Буни оддийгина шожалоқлик, деб бўлмайди. Бундай енгил-епли ҳаёл билан турмуш қу-ришни жамилатга хурматсизлик, деб қараш керак. Ҳар бир оила социалистик мамлакат-нинг бир ички аъзоси. Муस्ताҳкам ва бар-камол мамлакат муस्ताҳкам ва баркамол оила-лардан қарикб толади. Ҳар ишда ҳам ота-онанинг оқ фотиҳасини олмай туриб, иқбол топши мумкин бўлмаганидек, уларнинг рози-лигисиз оилавий бахт қаҳида ҳам тасаввур қилиш мумкин эмас. Кўпунча, ёшлар ота-оналарга шундай дастан келтиришади: «У билан мен яшайман, сиз эмас!» Тўғри, сиз яшайсиз, яхши яшаб кетсангиз яхши-ку, фароғат сизини, лекин гурбатли кунда ота-оначи четга суриб қўя олмайсиз-ку! Ишни қилган сурнайчи, доғ-аламини тортган ота-она бўлади!

— Шаҳардан тортиб қишлоққа одамлар доно бўлиб кетишди, — дейди директор фи-ркини тугаллаб. — Ҳеч ним ўз фарзандини кўра биллиб ўтга ташламайди, ўрни билан тушунтириб, ётиги билан муомала қилиб, ота-онанинг фотиҳасини олган фарзанд кам бўлмайди. Лекин бу ўринда онда-сонда учра-гуеви жоҳил ота-оналарни муस्ताқо қилиш ке-рак. Зотан, улар ота-онани бахтидан маҳрум. Қариялар севгини тушунимайди, деган қалиғлар калта ўйлайдиган нимсалардир. Бу уйланиш, турмуш қуриш бутунлай ота-она эзмиде бўлиши керак, деган гап эмас, ал-батта. Гап уларнинг хўрмати, бир оғиз ро-зи-ризолиги ҳақида.

Жамиятимиз ахлоқий нормалари мустаҳ-камлангани сари, ота-онанинг кўнрагидан итаридиган ёшлар ҳам, шубҳасиз, камаяиб боради. Ниҳоят ҳозогини кўрган бўлсангиз, унда ўйлаб турли-туман саволлар бор. Ҳам-маси зарур, ҳаммаси керакли. Лекин шулар қаторида яна битта камтарона савол уну-тилганга ўхшайди. Аввало ота-оналик хўр-мати, меҳри ва оқ сўти ҳаққи, қолаверса, қонун ҳаққи, ниҳоят ёрлғидаги саноқсиз са-воллар қаторида биттагина савол ортича бўлмаски: «Ота-она розими?»

Шу савол, аввало, муқаддас оила остона-сига қадам қўётган фарзанд дилида ҳам бўлса, нур устига нур бўларди.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Сирдарё.

«Гулистон» журналини (1934 йили) ташкил этган ва унинг биринчи муҳаррири бўлган Раҳмат Мажидий олтинчи ёшга тўлди. У Октябрь нури билан балқиган, ривож топган ўзбек совет адабиётининг актив ташкилотчи мутасаддиларидандир. Р. Мажидий Ўзбекистон Ёзувчилар союзини ташкил қилган комитетнинг раиси сифатида Бутуниттифоқ адабиётининг оқсоқоли М. Горький билан тез-тез учрашиб, маслаҳатлашиб турган.

Республика ёзувчилари ўзларининг биринчи съездида сергайрат, нотияқ, адабиёт жонкуари Раҳмат Мажидийни раис қилиб сайлаганларида янглишмаган эдилар. Раҳмат Мажидий ўзбекистонлик ёзувчиларини бир оилга уюштириб, уларга оғалик қила олди. 1934 йилда унинг ташаббуси билан ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарлари рус тилига таржима қилиниб, «Ўзбекская литература» номи билан тўплам қилиб чиқарилди. У ўша йиллари ташкилий ишлар билан банд бўлган ҳолда, тинмай ижод ҳам қилди. Адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган асарлар эди: «Социализм қурлишининг янги шароитдаги янги вазифаларини бажариш учун», «Ўзбекистон шўро адабиёти юксалишда», «Ўзбекистон адабиёти», «Адабий танқид тўғрисида» (1935), «Пушкин бизники» (1937), «Адабиёт тарихини яратиб йўлда», «А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ҳақида» (1941) ва бошқалар.

## БИРИНЧИ МУҲАРРИРИМИЗ

Кейинги йилларда у ўзбек адабиётининг муҳим соҳалари бўйича жиддий тадқиқотлар қилди. XIX аср Хоразм адабиёти, хусусан, классик шоир Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг лирик мероси устида олиб борган ишларини 1961 йилда ажра-лаб, «Огаҳий лирикаси» деган монографиясини нашр эттирди ва кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Беш томлик (етти китобдан иборат) «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»ни, Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги 15 томлик, рус тилидаги 10 томлик асарларини тайёрлаш ва тузишда Раҳмат Мажидийнинг меҳнати тақдирлашга лойиқдир. У ҳозирги вақтда ёзилаётган кўп томлик «Октябрчақа бўлган ўзбек адабиёти тарихининг авторларидан бири.

Раҳмат Мажидий адабиётшунослик ва танқидчиликка оид эълиқдан ортиқ илмий асар яратди. У доимо марксча-ленинча

эстетика ғояларини тарғиб этди, ҳамон идеология фронтининг олдинги сафларида туриб хизмат қилмоқда.

Раҳмат Мажидий шу кунларда катта илмий-ижодий режалар билан яшамоқда. Домламини олтинчи йиллик тўйи билан муборакбод этиб, унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр ва ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ,  
филология фанлари кандидати.



## Муборакбод

«У адабиётчи, тилчи ва олим. Унинг асарлари ила 30-йиллардан буйи танишман... Т. Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара, ўзбек шоирларига ҳақида ҳийла қимматли маълумотлар тўплади. Узининг катта, синчилик тенгиришлари натижасида ўттизга яқин ўзбек шоирларини топди. Бу ажойиб воқеадир».

ОЙБЕК

«Мулла Тўхтасин! Юборган парчангиздан фақат биттасини ўқидим, қолганини кейин бафурни ўқирман. Яхши! Халқимизнинг адабий тарихини измакам тўлдирар эганимиз, деб кўнглим ёришди. Қаламини маҳкам ушлагин!»  
Абдулла ҚАҲҲОР.

Мулла Жалол хуштаб, бадиятни севувчи, даврга яраша маърифатли киши эди. Яқинлари унингга тўплавчи, Яссавий ҳикматлари, Хофиз газалларини мутолаа қилишарди. Тўхтасин — шу даврнинг энг кичик иштирокчиси, унинг зийрак зеҳни софликка, илмга қақирувчи мисралар, нафис газалларини тез ўқиб оларди. Унда баалиятта, шеърини асарларга меҳр уйғона бошлади. Кейин, ота вафот этгач, Тўхтасин онаси билан Маргилондан Шаҳрихонга кўчиб қелди.

Шаҳрихон ўзининг тоза ҳавоси, лим-мо-лим дарёси, хуш табияти ва шу табиятга ўхшайдиган шоир қалбли одамлари билан Андижон ўлкасида машҳур; ўша вақтда бу жойда Оразий ва Хайратий каби шоирлар ижод қилар, уларнинг ўз давраси бор. Мажлисларида бедилхонлик бўлар эди. Ёш Тўхтасинни бу даврага унинг бобоси Муҳаммад Исоҳқ бошлаб кирди ва йилгича бу мажлисларнинг ҳам энг кичик иштирокчиси айланди. Ана шу даврада унинг нафис, порлоқ шеърятга ихлоси ҳам, маънавий покизаликка интилиши ҳам, мушоҳадаю мулоҳазага қобилияти ҳам янги босқичга кўтарилди.

Тўхтасин усули қадим мактабда ўқиб, кейин Фарғонадаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини, Самарқанддаги педагогика курсини битирди. Бу даврларда классик адабиёт билан, Саъдий, Низомий, Навоий асарлари билан яқиндан танишиб, кўп мутолаа қилди, келажакда нима иш билан шугулланиши мана шу даврда ўзига равшан бўлиб қолди: унинг йўли — адабиётшунос олимнинг йўли эди.

Кейин Тўхтасин Тошкентга келди, дастлаб Коммунистик қишлоқ хўжалик олий мактабда, сўнгра Республика партия маорифи уинда ва Хўқўқ институтда тил муаллими бўлиб ишлади, муаллимлар тайёрлаш институтда Шарқ адабиёти бўйича ўқитувчилик қилди, «Қизил Ўзбе-

кстон» газетасида адабиёт ва санъат бўлими мудирлиги вазифасини бажарди. Бу йилларда Тўхтасин Жалоловнинг билим доираси яна ҳам кенгайди, мушоҳада қуввати ўсди. У Фарб классик адабиёти ва антик адабиёт билан яхши танишди.

Унинг «Ҳамса талқинлари» деган илк тадқиқоти ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Қутлур қон» романларига бағишлаб ёзган мақолаларида ҳозирги замон ўзбек адабиёти масалаларини дадил кўтариб чиқди.

Тўхтасин Жалолов ижодида энг самарали йиллар кейинги ўн йилдир. Бу йилларда «Ўзбек шоирлари», «Паҳлавон Маҳмуд», «Вону» каби асарларини яратди, адабиётшунослик маҳоратини янада мукаммал эгаллади. Фақат кутубхоналардагина ўтирмай, республика бўйлаб кўп кезди, бу ҳақда унинг юқорида тилга олинган асарларида батафсил ёзилган.

Бу йилларда у адабий таржима соҳасида ҳам яхши ишлади. Тағорнинг «Ҳалокат» романи ва ўттизга яқин ҳикояларини ўзбекчага таржима қилди.

Шундан кейин таржимонлик ҳам Тўхтасин Жалоловнинг яхши кўрган ҳунарига айланиб қолди, кейинчалик у С. Айнийнинг «Эсдаликлар» китоби викинчи томи, С. Улуғзоданнинг «Ешлигимиз тоғи», романини, «Тўғнома»ни, Смирнова-Ракитининг «Абу Али нбн Сино» қиссасини ўзбекчага ағдарди...

Ҳурматли Тўхтасин ака, олтинчи ёшиниз муборак бўлсин! Адабиёт майдони кенг, унда хилма-хил адиблар кўп. Сиз шуларнинг биттаси — ўзинга хос адиб, олим, таржимонсиз! Бундан кейин ҳам «Ўзлигимизга» содиқ бўлинг, сиздан янги рисолалар, бадиялар, таржималар кутамиз.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,

# Матлуба

КИЧИК ҚИССА

1

**М**атлуба эсталаб синглисининг хатини олганидаёқ унинг илтимосини адо этолмаслигини тушунган, тушунгани учун ҳам мантибни икки бунлаб сталининг тортмасига ташлаб қўялган эди. Кейин кун буйи санаторий врачининг зиммасидаги минг хил майда-чуйда ишлар билан бўлиб, синглисининг хати ёдидан ҳам кўтарилган экан, мана, энди нетаман деб турганида яна эсимга тушди-ю, кўнгли бир хил бўлиб нетди.

Синглиси санаторийнинг шофёридан бериб юборган хатида шундай деган эди:

«Опанон!

Институтга энг нами 14 балл билан қабул қилишар экан. Мен ўн икки баллда қолдим. Бироқ одамлар: ҳар нечук қишлоқдан нелгансан-ку, шошмай тур, дейишапти. Кеча қабул комиссиясининг масъул секретари Самижон Матлубабулов деган кишининг олдига кирувдим: У киши сизни яхши танир экан, мана айди, кейин кетмайтур, бир иложни топилиб қолар, деди.

Опанон! Индинга мандат комиссияси бўлади. Шунгача бир келиб, ўша йигитга учрашиб кетсангиз қандоқ бўлар экан? Санаторийнинг машинасида икки соатда неласиз-ну! Жон опанон! Шундоқ қилинг. Чунки бу йигит сизни жуда... жуда... «хўрмат қилар экан...»

Мастура «жуда, жуда хўрмат қилар экан», деган сўзларнинг тагига чишиб кўйган эди.

Эрталаб бу сўзлар фақат гашини нелтирган эди, ҳозир ҳам юрагини жиз эттиролмади, лекин Мастуранинг «Опанон!» деб бошлаган хатини қайта ўқирган, нигоҳи олдига унинг озгин, масъум чеҳраси ва мўлтираб турган кўзлари нелди...

Матлуба юраги «шиг» этиб, очиқ деразанинг олдига борди.

Кун ботган, икки тоғ оралиғидаги Дарага куюқ соя тушган, лекин ўнг қўлдаги осмон ўнган чўққилар олмосдай чарақлаб турарди. Шу тоғ этагидagi санаторий ёғидан дназ, сансафон овозлари нелар, пастда шовиллаб оққан сой бўйидаги ёнғоқзор орасидан ширнаэйф хиргойи ва нулги эшитиларди.

Кеча нечурун у ерга бир гуруҳ «ёввойи» дам олувчилар нелган. Улар орасида бир маҳаллар Матлуба ишлаган шаҳар полилининингасининг бош врач Асқар Аминович ҳам бор эди. Асқар Аминович Матлубани кўриб: «Ие, шўттамисиз ҳали? Тўй бўлдимми? Ахир чақирмадингиз-а?» деб ҳазиллашди-ю, Матлуба нечаси билан тўлганиб чиқди...

Самижон ҳам ўшанда дадаси билан бирга «ёввойи»ларга қўшилиб чиққан ва худди ўша ёнғоқзорга чодир кўриб, бир-ини ҳафта турган эди. У маҳалда бу санаторий ҳали қурилмаган, Матлуба эса эндигина санкизининини битирган, соддадил, кийинкидай хурнан бир қизча эди. Унга минг хил ғаройиботга тўла натта шаҳардан тоқма қичиб, сув бўйида ағанаб ётадиган бу одамлар жуда ғалати туюлар, дам қишлоқ қизларини суратга олиб, дам Тарзан бўлиб дарахт шоҳларидеа учиб, дам бўйинда иккинчи транзитист оллақандай ёт ва ёнқили нуйларини янграбтиб юрадиган новча, хушбичим ва «пасан» йигитча эса бир юрагини жижилластар, бир чўчитар эди. Афтидан, Самижон ҳам бошча қишлоқ қизлар орасидан битта Матлубани хушласа нерак, уни кўпроқ суратга олишга урнар, баъзан қалбидеа ажиб ҳислар уйғотувчи олис шаҳарларнинг, аллақандай сирли қалъаларнинг суратларини ҳада қилар, баъзан, гўё Матлуба мевага зордай, шапка-шапка ёнғоқ қоңиб тутқазар, қиз уялиб қочганда эса, кувиб бориб, сочидан тортиб, ўйнашар эди...

Лекин қизиқ: Матлуба ҳар сафар Самижонни ўйларан, негадир кўнглида ажиб нур қолдирган бу ёз оқшомили эмас, ҳаммадан бурун ёмғир челақлаб куйиб турган илик баҳор кунни эсимга тушарди.

Унда Матлуба санкиз иллик мантибни битириб, медтехникумининг биринчи курсида ўқир эди.

Уша кунни у усти боши ёмғирдан шалаббо, лекин ўзи ёш боладай хушунд, автобус тўхтайдиган жойда чопиб бораркан, уни қувиб ўтган янги «Москвич» беш-олти надам нарда тўхтади-да, дерээсидан аллақандай таниш йигитчанинг боши кўринди:

— Чопинг, Матлубахон!

Матлуба уни дарров таниди — Самижон! — таниди-ю, шошганидан машинанинг ёнидан ўтиб қочмоқчи бўлди. Лекин Самижон «газ» бериб уни қувиб ўтди ва яна машинасини ўзлига қўндаланг қилди.

— Ие, мени танимадингизми, Матлубахон? Мен ўша... «Тарзан» буламани... Эсингиздами?

Матлуба беихтиёр нулиб юборди

— Ҳа, эсимда...

— Бўлмаса нега чиқмайсиз машинага? Шаҳарга нелиб, ҳалиям шаҳарлик бўлолмадингизми? Қани чикинг. Мен бури эмасман-ку еб қўяйди, деб кўрсангиз! — деди у ва нулиб кўшимча қилди: — Узингиз айта қолинг, Матлубахон: йигит киши сиздай қизни ёмғирга пишириб қўйиб, машинада ўтиб кетиши қандоқ бўлди-а?

Матлуба нима дейишини билмади:

— Машина ўзингизникими? — деб сўради, сўради-ю, лабини тишлади: шуни ҳам сўрайдимми?

— Машина поччамларники-ю, ўзимники ҳисоб. Нега десангиз поч-

чамлар ҳайдашни билмайдилар! — деди Самижон ва Матлубага қараб кўзини ҳисди:

— Хоҳласангиз ҳар кунни катэяса қилдираман!

— Раҳмат, — Матлуба аччиқланган бўлиб, юзини четга бурди, лекин бу ҳазилнаш, хушчақчақ йигитдан аччиқланолмаслигини, ҳатто қовоғини солишга ҳам кувиб етмаслигини сезиб, беихтиёр жилмайди.

— Шунанга бўлсин! — деди Самижон. — Сал қовоғингизни очиб ўтиринг. Одамнинг қапалагини учириб юбордингиз-ку, Матлубахон!

Самижон Матлубани ётоқхоналарига олиб бориб кўйгунча бир лаҳза ҳам тинмай ҳазиллашиб, уни нулдириб борди, хайрлашаркан:

— Эртага темирўлчилар парнида техникумлараро волейбол мусобақаси бўлади, — деди. — Бизнинг команда соат бешда ўйнайди. Нелинг-а, Матлуба?

Матлуба:

— Билмадим энди... — деб баҳона қилдира бошлаган эди, Самижон кўлини оғритиб сиқди:

— Йўқ деманг, Матлуба! Кутаман. Бормасангиз хафа бўлам!

Матлуба спорт билан кўп қизиқмас эди, шунинг учун ҳам мусобақанга йнгилган оломонни кўриб ҳайратда қолди: натта майдон гул-гул одам эди.

Самижон, эгинда ҳаво ранг майча ва трусин, гўё узун, чиройли оёқларига пружина урнатилгандай, дин-дин сакраб нелиб, Матлубани қўлтиқлаб олди ва волейбол майдончасининг четидеа турган бир тўп қизларнинг ёнига бошлаб борди. Улар яқинлашаётганда қизларнинг шивирлашиб қолганларини кўрган Матлуба дарров сездди: рашн қилишапти!

Қизларнинг рашн қилиши бенкиз эмас: хушқомат Самижон уйинда ҳам устаси фаранг эди. Ҳар сафар осмонга санраб тўпни қарши томонга қараб урганида парк қичириллардан ларзага келар, қизлар эса, кўзлари «Кўйил, Самижон, кўйил!» деб дичкиришар эди. Матлубанинг ўзи ҳам шунчалик қизишиб нетдини, уйининг охирида ғалаба ва табриклардан оғзи қуллогига етган Самижон қизларнинг куршовидан зўрга қичиб, Матлубанинг олдига нелиб, натта гулдастани узатганда, лабини тутганини ўзи ҳам билмай қолди.

Кейин... кейин Самижон хизматга нетди. Матлуба уни уч йил кутди. Қишлоқ йигитларининг хатлари ва юборган совчиларини, курсдошларининг ишқ-муҳаббати, — ҳаммасини рад этиб кутди. Бу ўртада техникумини ҳам битириб, полилинникага ишга кирди...

— Опанон...

Матлуба бир салпич, «ялт» этиб бурилиб қаради. Остонада... Мастура турарди. Уст-боши чанг, бошидаги дурраси бир томонга сирганиб тушган, кўзлари ҳоринг.

— Йиқилдингми?

Мастура ерга қаради.

— Йўқ... Сизни тушганга кутдим — бормадингиз. Кейин танси олиб, нелдим. Эртага мандат комиссиясининг мажлиси...

— Бенор қипсан нелиб, — деди Матлуба. — Мен барибир бормаيمان. Мастура кўзлари мўлтиллаб тинилди.

— Нега?

— Чунки... Мен техникумга ҳам, институтга ҳам бировга ёлвориб кирган эмасман!

Мастура опасига билдирмай «қилт» ютинди.

— Ахир у киши... Сизни жуда-жуда...

Матлуба тоғатисиланиб, бош силринди.

— Билмаман. Бироқ бормаيمان. Юр, дамингни ол. Эрталаб ўзинг тушиб борасан. Телнингдагини курасан! — деди у, сўнг, синглиси йнглаб юборишга тайёр эканини кўриб, яна кўнгли юмшадди-ю, ёнига бориб:

— Мени нечир, Мастур, — деди ёлвориб. — Мен у одамнинг олдига боролмайман, жоним. Сабабини кейин... бир кун айтиб берарман. Юр, дамингни ол...

Мастура индамади, фақат пастки лабини қаттиқ қимтиб олди. Опансингил амбулаториядан қичиб, дарвоза томонга бурилган ҳам эдилар бог орасидан Асқар Аминовичнинг ширнаэйф овози эшитилди.

— Матлубахон! Шошманг, мана буни олиб кетинг!

Асқар Аминович, эгинда пижамеа, қўлида дастурхонга ўралган товоқ, олчазордан қичиб нелди.

— Умрингизда бунақа ош емагансиз. Узим дамладим... — деди Асқар Аминович ва тўсатдан тўхтаб бир Матлубага, бир Мастурага қаради.

— Бу қиз...

— Бу қиз менинг синглим, — деди Матлуба. — Ухшаймизми?

— Ухшаш ҳам ғалми? Худди тухумдан энди чиққан жужалардай! — нулди Асқар Аминович. — Сизни биринчи марта кўрганым эсимга тушди. Техникумини битирган чоғингиз... эсингиздами?

— Эсимда, — деди Матлуба ва негадир қизариб нетди.


— Синглим ҳат институтга нирмоқчи эди... Вали етмапти...

— Қайси институт? — деди Асқар Аминович.

Мастура энсаси қотиб:

— Физкультура институти, — деди истар-истамас.

Асқар Аминович Матлубага юзланди:



М. ГРОМИКО расми.

— Аттанг, илгарироқ айтмабсиз-да, Матлубахон. Ошна-огайнилар топилар эди...

Асқар Аминович гапини тугатмаган ҳам эди, Мастура тўсатдан кўзлари чақнаб:

— Онамлар ўзлари шунақа! Бошқага қайишсалар қайишадиларини, ўз жигарларига раҳм-шафқат қилмайдилар!— деди-ю, тенис йўлда қоқниб дарвоза томонга чолиб кетди.

Матлуба ранги ўчиб, унинг метидан тинилиб қолди. Асқар Аминович ўнгайсизланиб томоқ қирди.

— Аттанг, олдинроқ билганимда эди,— деди.

— Майли,— деди Матлуба.— Уз йўлини ўзи топгани яхши.

Асқар Аминович нудди.

— Аммо-ленин... Худди ўзингиз! Хулқ-атвори ҳам сизга ўхшар экан. Уша техникумдаги гапларингиз эсимга тушиб кетди. Эсингиздами?..

Матлуба «ҳа» деб бош ирғади-ю, Асқар Аминовичнинг ошини олмай, қуруқчина хайрлашди. У уйга боргиси нелмай Дарага, шовиллаб оқаётган сойга қараб кетди. Асқар Аминовичнинг гаплари кўнглининг энг чуқурда ётган хотираларини яна қўзгаб, хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.

2

Охириги давлат имтиҳонини «беш»га топшириб чиққан Матлуба дугоналарининг табрик ва ўпичларига ҳали тўйгунча йўқ эди, йўлақда сепретарь қизнинг овози янгради:

— Матлубахон, комиссияга кирармишсиз!

Матлуба қуршаб олган қиз-йигитларнинг даврасини зўрга ёриб ўтиб, ҳозиргина чиққан аудиторияга кирди.

— Келинг, яқинроқ келинг, қизим!..— номиссия раиси, юмалоқдан нелган химия ўқитувчиси, уни оқиқ чехра билан нутиб олди, сўнг ёнида ўтирган панангагина хушсурат одамга юзланди:

— Ҳали айтган қизимиз Матлубахон Иброҳимова шу киши бўладилар...

Панангагина хушсурат одам оқ оралаб қолган қалин сочларини силаб, Матлубага синовчан тикилиб ўтирарди. Боя Матлуба имтиҳон топширгананда бу одам йўқ эди, шунинг учунми, Матлуба ийманиб ерга қаради, қараран, оқ сочли одам химия ўқитувчисига: «бўлади», деган маънода бош ирғатганини кўриб қолди.

— Сизни ҳурматли доцентимиз Асқар Аминович қақирдилар, Матлубахон,— деди домла.

Асқар Аминович унинг гапини таъкидлаб бош ирғади.

— Бизнинг полилинникамизга сизга ўхшаган... ёш, қўл-оёғи чаққонгина бир ҳамшира қизча керак эди, борасизми, Матлубахон? Матлуба елкасини учирди.

— Тақсимотда мени Сурхондарёга ёзишувди...

— Сизга Ташкент яхшими, ё Сурхондарё даштларини? Шунинг айтилганчиги?— нудди Асқар Аминович.

— Мен шунчани... ўшанда оймилар бетоб десам ҳам қолдиришмовди...

— Унда қолдиришмаган бўлса, энди қолдиришади. У ёгини бизга қўйиб берасиз. Келишдикми?

— Менга барибир,— деди Матлуба ва бу гапи Асқар Аминовичга

ёйлаганини пайёаб қолди. Доцентнинг дўнг пешанаси тиришиб, катта қўй кўзлари қисилди.

— Хўп, яхши,— деди у.— Эртага Министрликнинг кадрлар бўлимига боринг. Мен айтиб қўяман.

Матлуба медицина ҳамшираси бўлиб ишлаш бошлади. Полилинникада ундан бошқа яна ўн чоғли хамшира ишлар, шундай бўлса ҳам, одам етишмас эди. Матлуба уюл қилар, жароҳатларни боғлар, дори-дармон берар, ҳар хил асбоб-усиуналарни ишга солиб беморларни даволар, хуллас, эрталабдан кечгача банд эди. У бош врачни деярли кўрмас, гоҳо-гоҳо йўлақда учрашиб қолгудай бўлса Асқар Аминович мулойим кўлимсираб:

— Ҳа, қора қиз, ишлар қалай?— деб сўраб қўярди. Бош врач қўйган лақаб тезда бутун полилинникага тарқаб, бошқалар ҳам Матлубани баъзан «қора қиз» деб қақирадиган бўлишди. Лекин бу— Матлубани учра ракинмас, чунки қорачадан келган бўлса ҳам, юлдузи иссиқ эканини яхши билар, буни ёш врачларнинг муомаласидан ҳам сезар эди.

Матлуба бошида нафис қизил дурра, зғнида нозин қоматиға ярашиб тушган ва қорача чехрасини аллақандай очиб юборган оппоқ халат, инки ўрим мейин сочи белида, узун йўлкада дин-дин юриб ўтганда суқланиб қарамаган одам бўлмас, ҳатто даволанишга келган кенса беморлар ҳам Матлуба уюл қилаётганида: «Қўлингиз энгил экан, дард кўрмаг, қизим», деб хушомад қилишгани-чилишган эди.

Матлуба ишга келганига бир-икки ҳафта бўлган эди чамаси, бир кун уни Асқар Аминович қақирди қолди.

Матлуба кирганда Асқар Аминович, олдида бир липочча новвот, дўнг пешанаси маржон-маржон тер, памил чой ичиб ўтирарди. У Матлуба билан ўрнидан туриб, қўл бериб кўришди, столнинг олдидаги чуқур креслога ўтқазиб, бекирми хитой пиёласида чой узатди.

— Ишлар қалай, қизим, ҳеч ним ҳафа қилаётгани йўқми?

— Йўқ, раҳмат.— Матлуба унинг яна биринчи учрашгандагидай синовчан тикилган кўзидан кўзини узиб, ерга қаради.

— Йўқ, раҳмат...

— Шиноят йўқ денг? Яхши, яхши...— Асқар Аминович дўнг пешанасини силаб анча ўтирди, бир-икки марта томоқ қириб олди, кейин ясама нулиб:

— Сиздан битта илтимосим бор, Матлубахон,— деди.— Лекин кўнглингизга ҳеч нарса нелмасин... хўпми?

Матлуба чаранлаб турган қоп-қора кўзларини ердан узиб бош врачга қаради. Асқар Аминович қошлари чимирлиб яна томоқ қирди.

— Менинг бир жинини бор. Узи жуда яхши, наमतар, культурний йигит, Матлубахон. Лекин ҳалигидан... сал тортинчироқ. Илтимосим шуни, инювиниг бир учрашиб танишсаларинг...

Матлуба шундай салобатли одам шу гапини кўзгаганидан уялиб, бошини эгди.

— Йилимиз сизни қардадир кўрган экан. У сизни жуда, нима десам бўлади, ёқтириб қопти... Хуллас, уларингизга совчи юбормоқчи экан, уришиб бердим. Ҳозирги ёшлар аввал танишадилар-билишадилар, яъни маданий йўл туттиш керак, дедим...

«Маданий йўл». Ойнимлар касал деб, йиғлаб борганимда қолдиришмаган одамлар сизнинг бир огиз гапингиз билан Сурхондарёдан олиб қолишди. Бундан чинди гап тағида гап бор экан-да...»

Матлубанинг ўйлари қунондай чарх уриб кетди. Бу қунон орасидан

Самийоннинг вокзалда хайрлашайтганларидаги хафақон чехраси, гагин кўй кўзлари намоён бўлди.

— Яна тазкидлайман, кўнглингизга ҳеч нарса келмасин, Матлубахон,— деди Асқар Аминович.— Албатта, ҳозирги ёшларга, яъни сизга меннинг бу гапларим галати туюлиши мумкин. Лекин, мен аминманки, танишсаларингиз... тил топишиб кетасизлар. Жилним ҳам... ҳалигидақа, замонавий йигит...

«Замонавий йигит!..» Матлубанинг кўз олдига яна Самийон келди. Лекин бу сафар унинг хафақон чехраси тез хиралашиб, эсига сўнгги хати тушди:

«Белорус қизлари жуда дуррун бўлар экан, ўзлари ҳам жуда шўх, кўриб кетмагулар...»

— Менинг «Волгам» ихтиёрларингда, Бир ўйнаб келинлар... хўлми, Матлубахон?

Матлуба тўсатдан юраги ўйнаб, бошини пастроқ эгди.

— Нусратжон!— деди Асқар Аминович.

Матлуба эшик очилганини сезса ҳам, қарамоччи эмас эди, ихтиёрдан зўр бир кўл секин бошига мажбур этди.

Остонада ҳақиқатан замонавий кийинган, қоп-қора сочларини силдиқ қилиб тараган, узунчоқ юроча юзи қил-қизил бўлиб кетган бир йигит ўнгайсизликдан кўзлари сузилди, кўлимсираб турарди. Йигит новчадан келган, лекин ягирдон, бақалоқроқ ва миқти кўрнган эди.

— Қани, ёшлар, танишиб кўйингиз... «Волга»ми олинглар...

Асқар Аминович шундай деди-да, гўё Матлуба уни силлаб ташлашдан кўрқандай шоша-пиша хонадан чиқди. Нусрат, қошлари чимирлиб, алландай содда юзидagi жишир-жимир томчиларни даструёмолчаси билан артиб, Матлубанинг рўпарасидagi диванга ёнбошлади.

— Мен Сизни... кўрганман, жуда кўп кўрганман, Матлубахон...

— Шунангами?— деди Матлуба. Тўсатдан унинг дилида болаларга хос бир шўхлик уйғониб, кўлигини аранг босди.

— Биз дўстлар билан чоллар чойхонасига ош қилишиб... гурунлашиб ўтирганимизда ўтиб қолардингиз. Ҳамма сизнинг йўлингизга тиниларди...

— Ҳаммами ё сизми?

Нусратжон «новуи туширгангани» пайқаб, дудугланиб қолди.

— Мен... Мен-ку, ўзингиз кўриб турибсиз...

— Ҳа, кўриб турирман...— Матлуба кўнглидаги шўх кўлигини яна ичига ҳўтиб, ўрнидан турди:

— Утираверасизми шўтга?

— Юринг бўлмаса айланамиз. «Волга»ни ташлаб нетдилар-у тоғамлар.

— Тоғангизнинг «Волга»си бўлмаса, ўн биринчи трамвай бор.

— Келинг, бир катаяси қилайлик,— деди Нусратжон кўчага чиққанларидан кейин.— Ноумид шайтон, биз ҳам «Волга»либ қўлаб қолармиз...

Матлубага Нусратжон бу гапни бўлмача маънода гапиргандай туюлди-ю, машинага чиқарилган, жўрттага сўрәди:

— Қачон оласиз «Волга»ни?

Нусрат ҳам бўш келмай:

— Лотеря олиб кўйибман. Биттаси бўлмаса биттасига чиқиб қолар,— деб кўлди.

Матлуба ҳам беихтиёр жилмайди. У ўзидан ҳайрон эди: бая Асқар Аминович жияниндан гап очганида энасаси ютган одам, ҳозир Нусратжоннинг гап-сўзлари ёқиб, юрагининг аллақачери жиянлай бошлади. Нусратжон унга неча бор чиқ-муҳаббат изхор этган қишлоқ йигитларини эслатарди. Матлуба, гарчи ҳар сафар уларнинг севгинини рад этса ҳам, бу йигитлардан совчи келганда, ё хат олганида, уларни қаттиқ ранжитибатганини сезиб, ич-ичидан зил кетарди.

Нусратжон қизнинг индамай қолшини бошқача тушунди шекилли:

— Гап пулда эмас, пул топилади,— деди.— Машина топилайми. Айнича янгисини топиш қийин.

— Пулингиз шунча қўлми?

— Ҳар қалай, бир машинага топилади.

Матлуба: «Пулингиз машинага кетса тўйини нимага қиласиз?» демоқчи бўлди-ю, меъеридан чиқиб кетишдан кўрқиб:

— Олганга яраша янгисини олинг-да!— деб ҳазиллашди.

— Илойим айтганингиз келсин!— деди Нусрат.— Ҳўш, нима қиламиз, далага опчиқайми, ё нафе-мафега кирамизми, Матлубахон?

— Йўқ, бирорта парк-маркни қиларлик. Яхшиси, ана, Сиверга туша қолайлик.

Сивер гавжум эди. Илиқ, муссаффо ҳавони жийда ва анация гулининг хўшбўй ҳиди тутган, хиёбондagi қиз-йигитларнинг қўллариди ҳам даста-даста гул, шунинг учунми, ё қизларнинг шўх кўлигариданми, ҳаммаёқ алландай очилди, пшнэб нетгандай туюлар эди.

Нусрат ҳам гул оломоқчи бўлиб, гулчиларнинг олдига тўхтаган эди. Матлуба «рахмат, керак эмас», деб қўлидан тортиди.

У унраган биринчи бўш скамейкага ўзини ташлади, ташладю, Самийон хизматга жўнашдан бир кун олдин худди шу ерга келганлари эсига тушди...

Улар Сиверга кечқурун, кун ботмасдан келган, лекин гаплари тугамай, юртакларидagi лиммо-лим ҳис-туйғулардан энтишиб, гайноқ бўсалар оғушида тонг отганини ҳам билмай қолди эдилар.

Бу эсдаликлар тошқиндай ёприлиб келди-ю, Матлуба ўзидан ижирганиб, Нусратга юзланди:

— Менга бир гапингиз бор эди шекилли? Айтинг...

Унинг дабдурустдан бундай савол беришини кутмаган Нусрат, шошиб, талвасага тушиб қолди.

— Энди... ўзингиздан қолар гап йўқ. Чет ёқасини тоғам ҳам айтгандир...

Матлуба кўлигини яшириб учун ерга қаради.

— Хайрият тоғангиз бор экан. У ниши бўлмаса нима қилардингиз.

— Йўқ-йўқ, гап унда эмас! Шунанки, ўзингиз биласиз-ку, демоқчи эдим... Қисқаси, бирга турмуш кўрсак дейман!— деди Нусрат ва қўлоқларига ловиллаб, худди тоғасиникига ўхшаш дўнг пешанаси йилтиллаб кетди. Бунни кўрган Матлуба гапни чўзмаслик кераклигини, қанча қўзса бу содда йигитни шунча қаттиқ ранжитишини сезди.

— Кечирасиз, Нусратжон ака,— деди у мулоимлик билан.— Мен ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман. Уқимоқчиман.

— Майли, ўқисангиз бош устига...

— Йўқ-йўқ, гапни чўзмайлик, фойдаси йўқ, кечирасиз, Нусратжон ака...

— Йигит аллақандай сўниб, нурсизланиб қолган кўзларини осмонга тиниб:

— Майли, нима ҳам деймиз,— деди секин.— Суймасангиз суйканмаймиз, Матлубахон...

...Эртасига ишга борган Матлуба ҳали халатини кийганича йўқ эди. Асқар Аминович қақиртириб қолди. Матлуба, худди ҳозир совуқ сувга шўнғийдиган одамдай, вужуд-вужуди жимирлаб кетди.

— О, ёшлар, ёшлар!— хитоб қилди бошини қайчаб.— Тузукроқ гаплашини ҳам билмайсизлар. Сал нарасига чўқишганларингиз чўқишган! Қани, ўтиринг-чи, Матлубахон! Ҳўш, неча нима бўлди ўзи?

Матлуба диваннинг четига омонатгина ўтирди, ҳозир бошланадиган савол-жавоблардан ўнгайсизланиб ва рўпарасига ўтирган салобати ва хашумомала одамни ранжитишини сезиб, гужман бўлиб олди.

— Мабодо сизга қўполлик қилмадимиз у тентан?

— Йўқ, йўқ...

— Е жиянинг ёқимидими сизга?

Матлуба уялганидан совчотаётгандай бужмайиб:

— Кечирасиз, Асқар Аминович, мен... ҳали турмуш кўрмоқчи эмасман!— деди.

— Ҳим...— Бош врач бармоқлари билан столини чертиб жим қолди, сўнг, ўрнидан туриб, кабинетини бир айлиб чиқди. Матлуба унга қарамаса ҳам, бош врачнинг юзидagi мулоим табассум сўнгганини, қошлари чимирлиб, қовоғи солинганини сезиб ўтирарди.

Ниҳоят Асқар Аминович тўхтаб:

— Турмушга чиқини хоҳламасангиз мен бир нима дейишим қийин,— деди ҳўрсиниб.— Ленин, назаримда, сиз хато қилласиз, Матлубахон. Биз некалар кўпни кўрганми. Ишқ-муҳаббат деган гапларга учиб, гулдай қизлар бадбах бўлганини билмасиз. Шунинг учун мен сизни... ўз қизимдай кўриб аралашган эдим бу ишга. Чунки жияним, сал кўрсроқ бўлса кўрсроқдир, бироқ... кўнглида ири йўқ, пон йигит, Матлубахон. Ҳали ҳам бўлса уйлаб кўринг!

Матлуба бошини кўтармасдан:

— Майли,— деди оҳиста.— Мен уйлаб бўлдим, Асқар Аминович.

— Шунангами? Ҳўп, нима ҳам деймиз?— Аммо-лекин мен сизни... бунчалчи енгилтан деб ўйламоқчиман. Умуман... мен сиздан бунчи кутмаган эдим? Ҳа, кутмаган эдим.

Матлуба ялт этиб қаради. Бош врачнинг: «Мен сиздан бунчи кутмаган эдим!» деган сўзлари унга: «Мен сизни Сурхондарёдан олиб қолганимга қилган яхшиликнингиз шу бўлди», деган маънода эшитилди-ю, бу гап жуда оғир ботди.

— Қилган гамхўрлигингиз учун... раҳмат. Бироқ мен ҳам сиздан бунчи кутмаган эдим.

— Нимани кутмаган эдингиз?— деди Асқар Аминович юришдан тўхтаб.

— Агар Сурхондарёдан олиб қолишдан мақсадингиз, жиянингиз... Мени жиянингизга олиб бериш бўлса... раҳмат! Ҳали ҳам кетишим мумкин.

Асқар Аминовичнинг ияги галати қаптираб, кўзлари қисилди.

— Агар мен сизга яхшилик тилаб, хато қилган бўлсам... агар сиз Тошкентда қолганингиз учун пушаймон қилаётган бўлсангиз, марҳамат, ҳали ҳам йўлингиздан қолман!

— Майли, кетаман!— деди Матлуба.

— Жуда соз. Оқ йул. Эртга Министрликка боринг. Кадрлар бўлимига телефон қилиб кўйман. Хайр. Муваффақият тиламан.

— Раҳмат!— Матлуба бошини мағрур кўтариб чиқиб кетди. Ленин лабораторияга кирди-ю, ўзини диванга ташлаб йнглаб юборди. Бир зумда ҳамшира қизлар йнғилди, бир-бирининг гапни бўлиб суршира кетишди, бироқ Матлуба лом-ним демади, халатини ечиб, ўз кийимларини кийди-да, уйга кетди.

...Министрликнинг кадрлар бўлимида навбат кутувчилар кўп эди.

Матлуба навбат олиб, ташқарга чиқди ва чорбурчун гулзорнинг четидagi скамейкага ўтириб, кўчадан ғзиллаб ўтаётган машиналарга, трамвайга пашададай ёпишиб олган болаларга тинилди.

Матлубанинг кўнгли хуфтон, Асқар Аминовичнинг муомаласини эсласа кўзига милт-милт ёш келарди. У бошда бу гапларни писанд қилмаган бўлса ҳам, кечаси жуда алам қилди. Йўқ, гап унинг Сурхондарёга кетишида эмас. У олис жойга кетишдан кўрқмайди. Лекин... бундай қилишга нима ҳақиқи бор унинг? Жиянимга эрга чиқмадиган деб ҳақорат қилишга, ишдан ҳайдашга ним ҳуқуқ берди унга?

Матлуба бунчи ҳар ўйлаганида бир тўлганиб, хаёлан тонг отгунча Асқар Аминович билан олишиб қичди.

У, бир ўйи, министрда қириб, бўлган воқеани айтиб бермоқчи ҳам бўлди, лекин бу фирнридан дарҳол қайтди, чунки министр Сурхондарёга боришдан кўрқалпти, деб уйлаши мумкин.

Матлуба, навбати ўтиб кетишдан кўрқиб, ўрнидан турган эди, гулзорнинг рўпарасига таниш қор «Волга» келиб тўхтади ва ундан Асқар Аминович тушди.

Матлуба ўзини кўриб кўрмаганга олиб тескари бурлиди. Асқар Аминович, қўлида катта чарм папка, Матлубанинг ёнидан ўтиб эшикка борди, борди-ю, худди бир нарсидан чиққандай, тўхтади, сўнг:

— Сен... бу ерда нима қилиб юрибсан?— деди унга қарамай.

Матлуба кўзларини катта очиб Асқар Аминовичнинг юзига тикилди:

— Нима қилардингиз? Сурхондарёга кетмоқчи бўлиб келдингиз.

— Тентан!— деди Асқар Аминович қовоғини солиб.— Бор, ишингга бор, ҳеч қаёққа кетмайсан!

— Ҳўнги-ку, неча...

— Ҳўнги-ку, ўзингиз! Бир оғиз гапириб бўлмайди сенларга!— деди Асқар Аминович, ўзини буриштириб.— Ҳайронман ҳозирги ёшларга.

Бунча тегма-нозин бўлмасаларки, Бор — ишингга неч қоласан!

# ҲОРМА, НОИЛА

Режиссёрлик касбини эгаллаган хотин-қиз умуман анча кам, бизнинг республикамизда эса мутлақо йўқ эди. Катта bilim ва маҳорат талаб қиладиган бу касбин хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб Ноила Атоллаева эгаллади.

Ноила бунга осонликча эришгани йўқ. Уқиш-ўрганиш, изланиш унга доим ҳамроҳ бўлди. Островский номидаги Тошкент Театр-рассомчилик институтининг актёрлик факультетини битирган пайтида ун илк бор «Амирликнинг емирилиши» фильмида муҳим ролга тақдир этилди. Фильмдаги дастлабки муваффақият ёш ижодкорни руҳлантирди. Кейинчалик Ноила «Шоҳи сузана», «Ховли тўйи», шунингдек, Бoku киностудиясининг «Учрашув» фильмларида ўз замондошлари, пахта далаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар образларини яратди. Ноила у вақтда кино актёри бўлишни орзу қиларди. Бу ҳавас уни Москва Кино институтига етаклади. Ноила қайтадан студент бўлди. Энди у режиссёрлик факультетига эди. Унинг ҳужжатли кино устаси Малик Қанонов билан учрашуви катта воқеа бўлди, бу учрашув унинг режиссёрлик фаолиятини бошлашга сабаб бўлди. Устоз мададига суянган Ноила бир неча ҳужжатли фильм яратди.

Ноила Атоллаеванинг фильмлари республикамизнинг меҳнат ҳаёти ҳақида ҳикоя қиларди. Кейин-кейин у яратган фильмлар бир-бирдан мазмунни, услубни жиҳатидан қанчалик фарқ қилмасин, уларда бир хусусият ёрқин кўринарди: бу ҳам бўлса ижодий ўзига хослик, яъни ажойиб ҳаётбахш лиризм. Ёш режиссёр ҳаётимизни қисқа метрда бўлса ҳам, кенг ва ёрқин акс эттириш йўлларини излайди. Бунга айниқса унинг кейинги вақтлардаги фильмлари далил бўла олади.

1968 йилда ишлаган «Судья» фильми юристларимизнинг олижаноб инсонпарварлик фазилатлари ҳақида ҳикоя қилди. Фильмнинг қаҳрамони судья Дадажонов. Биз унинг одамлар билан суҳбатларини, улар ҳақида қайғуриб-куйинганларини кўраимиз. Гарчи қаҳрамоннинг ҳаракатларини тушунтириб турмасалар ҳам, синхрон равишда ёзиб олинган оддий ва табиий суҳбатлардан ўз ишига бутун кучи ва меҳрини бағишлайдиган кишининг образи гавдаланади.

Ёки «Бобир» фильмининг оилалик, Филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон сценарийси асосида яратилган бу лента оригинал прёмлари билан бошқа ҳужжатли фильмлардан ажралиб туради. Фильм «Бобирнома»дан олинган миниатюралардан вужудга келган. Режиссёр дид ва услалик билан танлаган бу миниатюралар орқали Бобирнинг мураккаб ва эздиқатли ҳаёт йўлини аниқ ҳикоя қилади. Фильмда Бобирнинг ички дунёсини кўраимиз. Ёшликда ташлаб кетган Ватанига бўлган муҳаббати, уни соғиниш ҳисси яққол сезилиб туради. Бу билан режиссёр шоир қалбнинг энг нозик торларини топа билган ва образнинг мураккаблиги, фожиаси, ватандан ажралганлиги учун бахтсиз бўлганини кўрсата олган.

Ноила Атоллаеванинг кейинги вақтда яратган фильмларидан яна бири «Унутилмас Ҳамза». Фильмнинг сценарийсини ҳамзашунос, филология фанлари доктори Лазиз Қанонов ёзган. Авторлар бу қисқа метражли фильмда республикамизда янги ҳаёт кўриш учун курашган, озодлик кўйичи, отанин революционер шоир Ҳамзанинг кўп қиррали фаолиятини кенг очиб бера олганлар. Бу фильмда ҳам Ноила Атоллаева режиссёр сифатида ҳужжатли фильм ишлашдаги замонавий усулларнинг ҳаммасидан услалик билан фойдалана билишини кўрсатди. Фильмни кўрганда кўз олдимизда революция гоъллари билан чиниққан ўлмас Ҳамза сиймоси яққол гавдаланади, унинг маънавий дунёси намоён бўлади.

Режиссёрларнинг ёш авлодига мансуб Ноила Атоллаеванинг ҳали ижодий режалари катта. Ана шу режаларни амалга оширишда унга муваффақиятлар тилаймиз.

Х. АБУЛҚОСИМОВА.

Буюк сиймолар

## БЮК ХОРАЗМЛИКНИНГ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

Хоразмлик улур энциклопедист олим Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмнинг Қўғит — хозирги Қорақалпоғистон АССРнинг Беруний шаҳрида туғилган. У ўз тарихимал ҳолини ёзиб қолдирмаган. Берунийдан сўнг яшаган тарихчиларнинг маълумотларида эса, бу ҳақда анчагина қарама-қарши фикрлар бор. Шунга қарамай, унинг туғилган йили аниқланган.

Беруний 427 (ҳижрий) йилнинг охирида (1036 йилнинг бошида) Ўзбод олдин яшаган табио ва файласуф Муҳаммад ибн Закарий ар-Розий асарларининг библиографиясини тузган. Шу библиографиянинг охирига ўзи ёзган асарлар рўйхатини илова қилиб, шундай дейди: «Мен ўз ишимни Абу Бақр (ар-Розий) китобларининг рўйхатини тузиш билан бошлаган бўлсам, уни... 427 ҳижрий йилнинг охиридагача ёзиб улгурган китобларимнинг номлари билан тугатаман.

Бу вақтда ешим 65 га ёни қуёш йили ҳисоби бўйича 63 га тўлди. Беруний ёшлигидан бошлаб астрономия, математика, ва фалсафага жуда қизиқади. Ўз она тили — қадим хоразм тилидан бошқа юно ва қадимги яҳудий тилларини ҳам пухта ўрганган. Астрономияга оид асбоблар асади ва Хоразмнинг географик кенглигини аниқлашга уринади. Ёш Берунийнинг бу қаранатчилиги, илм-фанга бу қадар қизиқиши беҳуда кетмайди, у тез орада замонасидан жуда кўп фанларини чуқур эгаллаган энциклопедик олим бўлиб етишади. Фанининг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар яратди. Ҳозир бизга унинг 180 хил асари маълум. Булардан 133 тасининг номини Берунийнинг ўзи юқорида зикр этилган рўйхатда қайд қилди, қолганлари эса унинг «Хиндистон», «Хронология», «Минерология», «Геодезия» каби китобларида эслатиб ўтилди.

Афесуски, Беруний асарларининг 140 дан ошироғи бизгача етиб келмаган.

Олим дастлаб Қўғита, хоразмшоҳ Муҳаммад Африғид саройида ва Гургонда Қобус ибн Вашиғир саройида ишлайди. Бу маҳал Хоразм ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда эди. Қорахонилар сомонийлар давлатини емириб, ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Пойтахт Бухородан Журжон (ҳозирги кўнаша Урганч) шаҳрига кўчирилди. Кўпгина олимлар ўз ватанларини ташлаб ўзга юртларга кетишга мажбур бўладилар. Беруний ҳам Хоразмни тарк этиб, Рей (Техрон) яқинида шаҳрига жўнайди. Ўша даврда Рейда катта расадхона бўлиб, унда ўз даврининг машҳур астроном ва математиги Абу Муҳаммад Ҳомид ал-Хўжаидий (ҳозирги Ленинобод шаҳрида туғилди, тахминан 1000 йилларда вафот этган) кузатишлар олиб борар эди. Беруний Хўжаидий билан танишади. Бу танишиқ оқибатида унинг «Ал-Фаҳрий сексанги номли асбоб ҳақида ҳикоя» асари майдонга кетади.

Беруний 1005 йили Хоразмга қайтиб келиб, Маъмунийнинг машҳур «Маъмуи академияси»да иш бошлайди. Бу академияда ўша даврининг буюк табио ва табиатшуноси бухоролик Абу Али ибн Сино, файласуф ва математик Абу Саҳл Масихий, табио ва файласуф Абдул Ҳасан Хаммор ва бошқалар бор эди. Аммо ижод учун кулай бу тинч ҳаёт узоқча чўзилмади. 1017 йили Маҳмуд Газнавий Хоразмни босиб олиб кўпгина олимлар қатори Берунийни ҳам асир сифатида Газнава олиб кетди, ўлимга ҳукм этиб, зиндонга ташлади. Маҳмуднинг ваэри Хўжа Ҳасанининг аралашуви туфайлигина олимнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

У Маҳмуд Газнавий ҳукмида 13 йил ишлади, унинг Хиндистон юришларига гувоҳ бўлди. Фақат 1030 йили Маҳмуд ўлгач, унинг акаси Масъуд тахтга чикиб Берунийга иш шароити яратиб берди.

Беруний асарларининг кўпи мана шу даврда Газнава ёзилган. 1029 йили ёзилган «Астрономия» асари математика, астрономия ва астрологияга оид савол-жавоб тарзида оммабоп қилиб ёзилган. Китобда 530 саволнинг ҳар бирига фаний жавоб берилди. Масала, беш бобнинг бири «Геометрия» 71 савол-жавобдан иборат.



## ҒАФУР ҒУЛОМ

### КАҲҚАХАСИ

«Биз куламиз» — қувноқ китобхоналарга яхшигина тортиқ бўлди. Тўпламдаги «Менинг ўғригина болам», «Энг расво намози аср», «Тўрт хангома», «Дуои салом муштоқона» хикoyalari ўтир юмор, чуқур интимий мазмун, ширали тили билан ўқувчинини мафтун этади.

«Менинг ўғригина болам»да халқимизнинг энг яхши фазилатлари — одамшавандалик, ҳазил-мутойиба, меҳрибонлик барқ уриб туради. Ҳикоя замонида замон фожиаси ётади: асли виждонли, бировнинг ҳақида хиёнат қилишдан номуи қиладиган «ўғри» йўқчилиги, ўта қашшоқлик туфайли бировнинг нарсасига қўл уришга мажбур бўлади, қўлга тушгач, ўзини танитмаслигига уринади.

«Дуои салом муштоқона»да эса ёзувчи дин пардасига ўралиб олган руҳонийларнинг ноодонлигидан, кўз-бўямачилиги ва юзсизлигидан кулади.

Тўпламнинг «Бисотдаги гаплар» бўлими ҳам жуда ўқинчи. Нозии ибораларга, қочиряқ ва ўтир киноларга бой. Автор энидан, бўйидан ва

**«Геометрия нима?»**

Бу саволга берилган жавобда сон тушунчасининг кенгайтиши гоёси ётади: «У (геометрия) сон ҳақидаги фанни хусусий (ҳол)дан умумий (ҳолга) айлантиради».

Параллель чизиқларни (24-саволнинг жавоби) у қуйидагича таърифлайди: «Ораларидаги масофа ўзгармайдиган ва бир текисликда ётувчи тўғри чизиқлардир».

Арифметика ва алгебра боби 48-савол ва жавобдан иборат. Астрономия ва математик география 204-савол-жавобдан иборат.

Масалан, «Эллиптик нима?» дейилган 139-саволга у қуйидагича жавоб беради: «Эллиптик — осмон бўшлиғининг катта доирасидан иборат бўлиб, Қуёш ўзининг йиллик кўринма ҳаракатини шу доира бўйлаб ўтади».

Астрология ҳақидаги бобга 23-савол-жавоб ажратилган. Астрология ҳақидаги боб эса 184-савол-жавобдан иборат.

Автор асарини хоразмлик ал-Ҳасанининг қизи Райхоннинг илтимосига кўра ёзганлигини айтади. Бу ҳақда бундай дейди:

«Оламнинг тузилиши, Осмон, Ер шаклининг қандайлиги ва улар орасида нималар жойлашганлигини тасаввур этиш учун тақдорлаб ўргатиш астрономия санъатида анча фойдалидир, чунки шу йўсинда ўқитилганлар (яъни) малака ҳосил қиладилар ва ўша санъат кишилари ишлагадиган сўзлар (терминларга) ўрганадилар. Бу билан улар ўша сўзларнинг маъносини осонгина кўз олдига келтирадилар ва тушунадилар. Улар ўша санъатнинг турли сабаблари ва исботларини ўрганаётганларида бу сўзларга дуч келсалар, фаросат билан ёндашадилар, бироқ нарсани англашда қийналмайдилар.

Шу сабабли мен бу эсдаликни хоразмлик ал-Ҳасанининг қизи Райхоннинг илтимосига кўра, савол ва жавоб тарзида туздим, бу албатта маъбул, ўрганишга қўлайдир».

Берунийнинг бу асари бизгача ўзаро деярли фарқ қилмайдиган, деярли бир вақтда ёзилган араб ва форс нусхаларда етиб келган. «Астрономия»ни Берунийнинг астрономия бўйича асос ҳисобланган бошқа асари «Қонун Маъсудий» билан таққослаш қизиқарлидир. Бу асар 11 мақоладан иборат бўлиб, қуйидагилар баён этилади: оламнинг умумий тузилиши; вақт ўлчаш ва турли хил календарлар; текис ва сферик тригонометрия ва тригонометрик жадваллар; сферик астрономия; математик география; Қуёш ҳаракати назарияси; Ой ҳаракати назарияси; Ер, Қуёш ва Ойнинг ўзаро жойлашуви назарияси, хусусан, Қуёш ва Ой тутилишлари; ҳаракатсиз юлдузлар; планеталар ҳаракати назарияси; астрология учун зарур бўлган ҳаракатсиз юлдузлар ва планеталарнинг ўзаро жойлашуви назарияси.

«Астрономия»да математика, астрономия ва бошқа тушунчаларнинг таърифи берилган бўлса, «Қонун Маъсудий»да қараётган ҳамма ҳодисаларнинг тўлиқ ҳисобий исботи баён этилган.

Беруний ўзининг «Астрономия» асарини кўпчиликка мўлжаллаб оммабоп қилиб ёзгани учунми, унинг анчагина нусхалари жаҳоннинг жуда кўп кутубхона ва музейларида сақланиб қолган. Масалан, арабча нусхалари: Лондонда, Оксфордда, Стамбулда бор. Форчаси: Топикент (Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси) да, Лондонда, Парижда, Стамбулда сақланади.

«Астрономия» кўпгина шарқшунослик ва фан тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг диққатини жалб этиб келган. 1934 йили Р. Райт Европада сақланувчи барча арабча ва форча қўлёзмалар асосида, «Астрономия»нинг арабча текстини инглиз тилига таржимаси билан биргаликда нашр этди. 1940 йили эса Ж. Ҳумоий Техрондаги форча нусхалар асосида нашр қилди. Бу асарнинг рус тилига тўлиқ таржимасини ушбу сатрлар атери В. А. Розенфельд билан ҳамкорликда Р. Райт ва Ж. Ҳумоий тайёрлаган нашрларни таққослагани ҳолда яқинда тугатди.

**А. АБДУРАҲМОНОВ**, аспирант.

тийинидан уриб қолувчи сотувчилар, ношуд, истеъдодсиз қаламашлар, турқиқсиз шеър битувчи нўноқ шоирлар, беғам раҳбарлар, чаласавод кишилар, ароқхўрлар, порохўрлар, лаганбардорлар, дангасалар ва шунга ўхшаш типларни найзага олади.

Тўпламдаги «Биз куламир», «Истанларим», «Қаламмига», «Нимга не келур?», «Орамизда баъзилар бор», «Пиянista ҳақида тўрт туюқ» каби шеърларда жамиятимизда, ора-сира учраб турадиган намчиликлар, жамиятнинг умумий тартиб-қоидаларига зид хатти-ҳаракатлар, ахлоқсиз, одобсиз, онгсиз, бефаҳм кишилар сатира қамчиси остига олинган.

«Инсон ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади», деган энан донолар. Фафур Фуломнинг бу тўпламини ўқиб, қора ўтмиш ва ундан мерос бўлиб қолган зарарли сарқитлар — диндорлик, безорилик, худбинлик, баднафслик, тўраллик, ваъдабозлик каби иллатлар устидан аччиқ-аччиқ куламир.

**Неъмат ЕҚУБОВ.**



**Футбол ишқибозининг имтиҳон қунари...**

**С. БЕЗНОСОВ** фотоси.





Ботир ЗОКИРОВ

# Қўшиқ

«ВОКЕИИ ҲИКОЯЛАР» ТУРКУМИДАН

Телефон қўнғироғи мени уйғотиб юборди.

— Салом, месье. Яхши ухлаб турдингизми? Мен меҳмонхона бекасиман. Вақт-лироқ уйғотиб қўйинлар деган эдингиз.

— Раҳмат, мадам.

— Месье понуштага чой ичадиларми, қаҳвами?

— Барибир, мадам.

— Яхши.

— Ҳўрнимдан турдим. Эшигимни қоқиб, хонамга патнис кўтарган бир йигит кирди.

— Бонжур, месье! Понушта олиб келдим. Марҳамат қилинг.— деди у жилмайиб.

Ориққина, келишган, сочлари қўнғир, дўли башара гарсон кўпроқ матадорларга ўхшарди. У қўлидаги патнисни стол устига қўйдида, дераза пардаларини очди, хонамга Париж кўкларининг илқ нафаси ва шўх қуёш нурлари кирди.

— Раҳмат.

— Месье, мана бу қўнғироқ ипининг бир учи менинг қўлогимга уланган,— деди у эшик ёнидаги кнопкалардан бирини кўрсатиб.— Менинг исимим Шонар, хизматингизга доим тайёрман.

Шонар тез чиқиб кетди. Унинг табасуми мана шу мулоим баҳор ҳавоси қўнғимни шод этди. Мен дераза тоқчасига ўтириб олдим.

Салом, Париж!

Бироқ, рўпарамда машҳур Париж бульварлари. Эйфель минораси, ёки Нотрдам манзаралари кўринмасди. Деразам қаршисида қадимий уйнинг тош-деворлари, анча-мунча берк деразалар.

Тор ва тинч кўчада эса бир-иккита кўрнимсиз автомобиль ва елкасига ўзидан катта реклама тахтасини осиб олиб, у ёқ бу ёққа сандирақлаб юрган мўйсафиддан бўлақ ҳеч нарса кўринмади. Шундай бўлса-да, кўнғлим шод, вақтим чоғ. Ҳазимча «О Париж, о Париж!» деб, эсимга келган мана шу шаҳар ҳақидаги куйларни мингиллаб, чойимни ичдим. Ишга отландим. Франциядаги сафаримнинг биринчи кунини эди.

Кейинги кунлар тезоқар тоғ дарёсидай жўшқин ва тўлиқ оқиб ўтди. Репетиция ва концертлар, учрашув ва эскурсиялар, Париж кўчаларини сайр эттиш...

Отелга чарчаб келганимизда, бизни Шонар кутиб олар эди. Юмшоқ креслоларга ўтириб ачиқ чой ва қаҳваларни ичиб олардик-да, кўрган-кечирганларимиз ҳақида не вақтгача галлашиб ўтирдик. Гапларимизга тушуниб-тушунмай, Шонар ҳам ўтирарди. Ҳўздан табасум аримас, диллаш, одамшаванда бу йигит ҳаммамизга ёқиб қолди, ҳаммамизга дўст бўлди. Шонар бечора қачон ухлаб дам олар экан?... Отелда ундан бошқа яна иккита йигит ишлардию, лекин улар бизга унча қўшилишмади.

Кўнлардан бир кун, эрталаб Шонар одатдагидай понушта олиб келганда:

— Салом-алайкум! Ҳофиз афандим,— деди. Шева арабча эди.

Мен дарҳол:

— Ваалайкум ассалом,— деб жавоб қилдим.

— Кафйи халан?  
— Алхамдиллилло.

Икковимиз қулиб юбордик.

— Илгарироқ мен мусулмонман десаиғ бўлмасмиди, Шонар? Француз луғатини варақлайвериб тинкам қуриди-ку?

У жим бўлиб қолди-да, яна французча гапира кетди:

— Менинг исимим аслида Шодли, мен жазонрдикман, лекин афсус, ўз тилимни яхши билмайман. Кўп гапларга тушунмаман-у, аммо гапира олмайман.— У яна кулиб юборди ва ўзини босолмай:— Мен сизни биринчи кўранимда Русиядан келган дўлига ўхшатдим. Ростини айтсам, кечаги кунгача шундай бўлса керак, деб ўйлаб юрган эдим. Кечиринг мени, месье. Мен кеча концертларингизда бўлдим. Раҳмат, маза қилдим. Мириқиб ашулаларингизни эшитдим. Жуда ҳам чиройли куйлар. Сиз куйлаётганингизда худди узоқ ёшлигим диёрига сафар қилгандай бўлдим. Қўшиқларингиз, куйларингиз дилмга яқин, таниш туйилди. Қайси тилда куйладингиз, месье?

— Мен ўзбекман, Шодли. Ўзбекистондан. Ўз тилимда, ўз қўшиқларимни куйладим.

— Кечирасиз, месье, ахир сиз Русиядан эмасмисиз?

— Кўпинча, бизнинг Ватанимизни яхши билмайдиганлар Русия деб айтадилар. Россия, Ўзбекистон ва яна кўп республикалар...— деб бошлаб, Шодлига мен қисқача маъруза ўқидим.

Шу кундан бошлаб Шодли билан яна ҳам кўпроқ учрашадиган бўлдик, бир-биримизни яқинроқ билиб олдик.

Мен унга Ватанимиз ҳақида, Ўзбекистон, Тошкент, халқимиз ҳақида ҳикоя қилардим. У эса, Франция, Париж ва ўз ҳаёти ҳақида сўзларди.

— Мен Ҳазорда, Батна шаҳрида туғилганман. Лекин у ерни эслолмайман, билмайман. Мени бу ерга меҳмонхона бекаси — мадам Матье олиб келган. Мадам менинг туғишган опамнинг марҳум эрига сингил экан. Поччам дадам билан Батнадаги қандайдир госпиталда ишлашиб, дўст бўлган эканлар. Улар урушга ҳам бирга кетиб, иккалови шу ерда, Парижда бомба остида ҳалок бўлган. Отамни эс-эс биланман-у, онамни эслолмайман, гўдаклигимда ўлиб кетган дейишади. Мен опамнинг қўлида, унинг учта боласи билан қолганман. Уруш тамом бўлгандан сўнг, бекам мени ўзиникига олиб келибди... Шундай қилиб, мана шу ерда, мана шу ўйда бекамнинг туз-нонини еб, катта бўлдим. Шу ерда майда-чуйда ишлар қилиб ўсдим, эсимни танидим. Бекам бутун меҳмонхона ишларини ишониб, ўзимга бериб қўйган. Мана шундай тирикчилик қилиб юрибман. Опамни ўша вақтдан бери кўрмайман. Эсимдан чиқиб ҳам кетган эди, бу йил хабар келди! Қоҳирада ёмиш. Хатларига кўра ҳаёти ширин эмас. Бу ерда бир неча жазонрик дўстларим бор эди, кўришиб турардик, лекин Ҳазорча қарши уруш бошланганда уларнинг ҳаммаси кетишди, улар ичиде ҳамшаҳарим ҳам бор эди. Омар менга акадай бўлиб қолган эди. Менинг исимим Шодли эканини ҳам ўшандан билганман. Ҳозир хат ёзишиб тураман. Батнада қандайдир қариндошларим бор ёмиш. Мана шундай, месье, шукур қилиб юрибман. Ҳозет деган қайлигим ҳам бор. Яхши қиз. Насиб бўлса, унга уйланаман. Бекам ҳам рози. Ҳозирча озгина ўйнаб юрай, кейин бир гап бўлар.

Шодли ўз ҳақида сўзлар экан, қўзида ноумидлик, сустлик, ё бир ҳасрат аломати кўринмасди. У гоҳ кулиб, гоҳ радиодаги музикага қўшилиб мингиллаб қўяр, гоҳ келиб қолган меҳмонлар билан гап отинар, чинакам, енгилтак француз. Ўз номи билан Шодли. Шодли музикани жуда ҳам яхши кўрар эди. Доим магнитофони ёнида. Ўзи тузуккина гитара ҳам чалади. Сўхбатлашиб ўтириб унча-мунча қўшиқлар ҳам айтардик. Шодли айтадиган қўшиқларнинг ҳаммаси таниқли француз, италян артистлари айтадиган, умуман Европада машҳур қўшиқлар эди.

У бир-иккита арабча куйларни ҳам билардию, лекин улар Шодли учун чет эл қўшиқлари эди. Ахир у Париж фарзанди,

# ИЛҲОМИМИЗ САРЧАШМАСИ

1917 йилда мен ёш бола эдим. Аммо ўша даврда рўй берган энг катта воқеа — Россияда инқилоб ҳақидаги ажойиб хабар менинг хотирамга абадий ўрнашиб қолди.

Бир кун амакимнинг уйимиздагиларга қай ҳолатда газета ўқиб берганлари ҳамон ёдимда, кўзойнагини бури устига тушириб олиб, Россиядаги инқилобий ҳаракат, подшо тоқи тахти билан ағдариб ташланганлиги ҳақидаги маюлани овоз чиқариб ўқиганди. Оиламиз майда ер эгалари тоифасидан бўлиб, онам анча диндор эди. Онам: «Русларда бунақа бўлишига қандай йўл қўйилди-кин-а, энди мамлакатни ким бошқаради?» деб ҳайрат билан амакимга тикилди. Амаким: «ЛЕНИН! Ленин бошқаради!» деб жавоб берди.

Кейинчалик, барча ватандошларим қатори, биринчи ишчи-деҳқонлар ҳукумати — Советлар Россиясидаги ҳар бир янгилик ҳамда воқеаларни зўр қизиқиш билан даррақлаб турадиган бўлдим. Ўз мустақиллиги учун курашаётган бошқа халқларга Совет ҳукумати ёрдам бераётганини эшитганимизда қалбларимиз қанчалик шодлик туйғуларига тўлиб-тошгани ҳам эсимда.

Совет ҳукумати энг меҳнатқашпарвар давлат эканини билардим. Ўша даврларда инглиз корхоналари Советларга қарши тэргиботни юкатириб, Россияда хотинлар умум мулкка, хусусий мулк давлат умуми айлантирилипти, динга сигинувчилар таъбиб остида, деб ёзишарди. Бироқ биз уларнинг бу бўҳтонларига сира ишонмас-дин.

Биз нолегал марксистик адабиёт олиб турардим. Масалан: В. И. Лениннинг «Нима

қилмоқ керак?» асари. Маркс ва Ленин ўз асарларида Ҳиндистон йўқсулларининг онги ҳам оммавий-сиёсий жиҳатдан етилганини, мустамаканичилик занжирларини фақат нураш билан парчалаб ташлаш зарурлигини башорат этганлар.

Улуг Октябрь бизнинг миллий-озодлик ҳаракатимизга тубдан ўзгариш киритди, нурашимизнинг инқилобий тус олишида ахамияти катта бўлди. Озодлик учун нураш майдонига умид уруғларини сепади.

Рус инқилоби Ҳиндистоннинг Рабиндранат Тагор, Мухаммад Инқоб, Прем Чанд каби таниқли ёзувчиларига илҳом булғи бўлиб қолди. Адиблар ўз мақола ва шеърларида ёрнин нелажан ҳақида қайтбахш фикрларни олға сурдилар.

Йигирманчи йилларда Англияда ўқиб юрган вақтимида коммунистик адабиёт ўқишга аввалги вақтлардан нура яхшироқ имноният туғилди. Ўша даврларда бундай адабиётни Ҳиндистонга олиб бориш, халқ орасида тарқатиш биз ҳинд студентлари олдида турган бирдан-бир вазифа эди....

Ёш совет маданияти асарларини биз зўр иштиёқ ва қувонч билан қарши олардим. Эйнштейн, Пудовкин ва бошқа совет инженижёрлари ишлаган фильмлар мафтун этарди бизни, гогаий ўсишимизга ёрдам бериб, янги ҳаёт билимлари билан қуроллан-тирарди.

Совет Россиясида том маънода адолатли маданий инқилоб содир бўлди. Ленин номига муносив бу ҳақиқий маданий инқилобга ҳозир Хитойда бўлаётган «маданий юришнинг» ҳеч бир ўхшашлиги йўқ! Мен хитойларнинг азалий маданиятини севаман,

лекин айна кунларда ана шундай бой маданий меросга қилинаётган муносабат киши қалбини зирқратади. Хитойларнинг «маданий юриши» ибтидоий ёвоийликка қайтишни ўзгинаси бўлапти.

...Шундай бир шароитда совет маданияти, айниқса Урта Осиё республикалари маданиятига жаҳон аҳли ўртасида қизиқиш зўраймоқда, янада ўсмоқда.

Улуг Октябрь туйғули қайта туғилиб, гуллаб-яшнаётган Урта Осиё халқлари маданиятининг равнақи биз учун чексиз илҳомбахш бир чашмадир. Бу халқларнинг маънавий турмуши, фаровон ҳаёти адабиётда, театрда, музикада, кўйиники, ҳар бир жаҳҳада зўр шиддаткорлиги билан камол топмоқда.

Мен Совет Иттифоқи шарқидоги республикаларда, айниқса хиндлар учун энг азиз юрт — Узбекистонда бир неча марта бўлганман. Зулфия, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов ва бошқа кўплаб адибларнинг асарларини ўқиганимиз, қаролайимиз. Совет Иттифоқида осиёлик қарошларимиз борлиги билан чексиз фахрланамиз. Уларнинг тажрибаси ижодимизда юртимизнинг равнақи учун курашимизда бизга илҳом булғи-дир.

Совет ёзувчилари — Октябрь яратган юксак маданият фарзандларидир. Улар Ҳиндистоннинг ҳаммасларга бегараз ёрдамларини аямаяптилар. Осиё ва Африка бўйлаб тўқинланаётган адабий ҳаракатнинг маънавий жислигини, маданият ҳодимлари иттифоқини мустақамлашда фаол қатнашмоқдалар. Тошкентда ўтказилган Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчилари Биринчи конференциясида прогрессив адабиётнинг икки қитъа вакилларини уюштиришда ташаббускор бўлишди. Совет ёзувчилари Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг дўстлигини мустақамлаш йўлида ўз гайратларини аямая сарфламоқдалар.

Шу улуг аёим кунларида Ленин мамлакатига, Октябрь ўлкасига, қарошларимизга яхши ниёт ўла қалбларимиздан тугён уриб, отилиб чиққан самимий кўтовимизни йўллашимиз.

Саджод ЗОҲИР,  
ҳинд ёзувчиси

Бир кун суҳбатлашиб ўтирганимизда телефон жиринглаб, гапимизни бўлди. Шодли:

— Месье, озгина қиладиган иш чиқиб қолди. — деди-да, бир нарсалар ёза бошлади.

Ҳаёл суриб, ўзимча хиргойи қилдим. Бир вақт Шодлига кўзим тушиб қолди. У ишини ташлаб, чеккасига қўлини тираб, кўшигини тингларди.

— Ҳа, ишинг битдими? — дедим мен гитарани чала туриб.

— Мана шу ашулангиз менга жуда ёқади-да. Концертда эшитганимдаёқ қўлогимда қолган эди. Утинаман, давом этинг. Йўқ, яхшиси, бошқатдан бир айтиб беринг, мен магнитофонимга ёзиб олай. — деди у ва жавоб ҳақ кутмай ёнимга магнитофони ва микрофонини олиб келди.

Мен янгитдан қўйладим:

«Сайдинг қўлбер, сайёд  
Сайёра экан мендек.  
Ол домини бўйнидан  
Белора экан мендек...»

Ашулани тугатгач, кўзимни очсам, Шодли сеҳри эртак эшитаётган ёш бола сингари, менга тикилиб, бўзрайиб ўтирибди.

— Магнитофонни ўчириб қўй энди, — дедим мен эснаб. Тонг отиб қолгандир.

— Раҳмат! Ўлай агар, жуда ҳам ажойиб кўшиқ. Билмадим нима тўғрисида, лекин ҳаммасига тушунгандайман.

— Бу кўшиқни Фурқат деган шоиримиз ёзган. Кўшиқни шоир гурбатда, саргардонликда ёзган дейишарди. Кўшиқ ҳам гурбатда айрилиқ жафосини тортган киши ҳақида.

— Кўшиқнинг номи нима?

— «Сайёра».

— Сайёра дегани нима?

— Сайёра деб юлдузни айтадилар бизда.

— Демак, сайр этувчи юлдузман демакчи бўлган шоир, шундайми?

— Балки... Ҳўп, хайрилик кеч. Қолганини эртага гаплашаримиз, — деб хонамга кириб кетдим.

Эрталаб, Шодли негадир келмади. Унинг ўрнига бошқа гарсон нонушта олиб келди. У кеңқурун ҳам кўринмади. Эртасига эса биз Лонга, бир ҳафтага жўнаб кетдик: Лнондан қайтиб келгач, у билан яна кўришдим. У одатдагидай хушчақчақ эди.

— Роса ўрганиб қолибман сизга. Бир ҳафта кўрмаганимга ўзимни қаерга уришни билмадим, — деди у кўришимиз биланок.

— Бу сенга машқ бўлди. Чунки яна бир ҳафтадан кейин биз бутунлай уйга кетамиз.

— Ҳа, назорат! Сиз кетганингиздан сўнг мен ҳам номимни Сайёра кўяндиган бўлдим, — деб қулиб юборди Шодли.

Мана бугун шу гапларга роппа-роса бир йилдан ошибди. Бу воқеаларни яна

бир ёслаганимга сабаб, бугун Париждан — Шодлидан хат олдим.

Мана ўша хат:

«Салом азиз Ҳофиз афандим!

Шу пайтгача ёзмаганим учун узр. Бунга сабаблар кўп. Мента «Сайёра»ни айтиб берган кунингиз ёдингиздами, месье? Ўша кундан бошлаб юртимга, қариндошларим ёнига, тугилган еримга бормагунимча, «Сайёра» мени тинч қўймади. Хуллас, яқинда мен Батнага бориб келдим. Қариндошларимни топдим. Уларга сиз тўғрингизда айтиб бердим. «Сайёра»ни қўйиб эшиттирдим. Қариндошлар она авлод бўлса-да, менга отам ҳақида бор ҳақиқатни очиб бердилар. Менинг отам андижонлик ўзбек — Музаффар Али табиб экан. Тушундингизми? Андижонлик ўзбек! Мен эса унинг ўғли. «Сайёра» эса дадамнинг энг сеvimли кўшиги экан... Раҳматлик! дадам қўлига таибур олиб (шундай асбобларингиз бор экан) шу ашулани кўп айтарин.

Азиз афандим, Сизга яна бир ўтинчим бор. Мента ўзбекистон ҳақида китоб ва суратлар юборинг. Мен ўз тилимни ўргансам дейман. Ноумид шайтон дейдилар, бир кун эмас бир кун насиб бўлса, дадам юртини, сизнинг Ватанингизни зиёрат қиларман. Ҳозирча сизга саломатлик тилаб қолувчи аддойи укангиз:

Музаффар Али ўғли Шодли,  
Париж, 1968 йил.

Усмон НОСИР

## ДИЛИМДАДИР МАНГУ

Январь кунларидан бири эди,  
Танаффусда ўйнаб юрардик:  
Мактаб ҳовлисида, кенг анҳорда  
Шовқин солиб биз муз сурардик.  
Бирдан мудир ўзи зангин чалиб  
Бизга деди: «Болалар, залга!»  
Зангин одатда у чалмас эди,  
Ҳайрон бўлдик биз бу аҳволга.  
Зал лиқ тўлди. Аввал келиб кирган  
Расм муаллими «Жим!» деди.  
Орқасидан шинель кийган киши  
Кириб келди. Паришон эди,  
Ким билади, нега мунча хафа,  
Нега ёш бор унинг кўзида?  
Нега оғир фарёд — ули йнглар,  
Калта-калта, узуқ сўзи-да?  
«Етимлар! Горкида Ленин ўлди!» —  
деди.

Оёғига қалқди бор йнгин.  
Шундан кейингина сезган бўлдим  
Эшикдаги январь совуғин.  
Шундан кейингина мен англадим  
Ўлим борлигини дунёда.  
Шундан кейин ҳар кун уни кўрдим.  
Юрагимда, ерда, ҳавода.  
Шундан кейин хаёлимга келди  
Ўтганларнинг тупроқ бўлгани...  
Шундан кейин, қасамёд этдим  
Яхши ўлим билан ўлгани!  
Шундан кейин менга аён бўлди  
(Тарқаларкан аста у йнгин)  
Ленин учун туғилиш кун бору,  
Аммо ўлим кунни йўқлигин.  
Шундан бери дилга ўт ташган,  
Хаёлимда ҳамон ўша кун.  
Мен Ленинни дилимга кўмганман,  
Дилимдадир мангуга, бутун!  
1934.

ҲАБИБИИ

## САРФАРОЗ

Мени кўрса қулиб ёрим, қўл ушлаб сарфароз айлар,  
Мабодо бўлса ағёрим, тағофил бирла ноз айлар.

Нигорим турфа ҳам зебо, ўзи дилкаш, кўзи шаҳдо,  
Сўзи ширин фарах афзо, ҳама изҳори роз айлар.

Қочиб ҳар бемуҳаббатдан, яна бебахра улфатдан,  
Қуруқ беҳуда суҳбатдан, ҳаминша эътироз айлар.

Гўзал озодаю таяноз, зеҳи ҳушхону ҳуш овоз,  
Ўқиб «Ушшоқ» ила «Шаҳноз», қўлида сози соз айлар.

Етолган васл боғига назар қил деб қўлогига,  
Ўзин ташлаб аёғига, ўпиб арзу ниёз айлар.

Карам кўрсатди гуно-гун, қилиб кўнглим қушин мафтун,  
Ўмидим шул менинг — маҳзун карам кўп, жаврин оз айлар.

Қуюндек айланиб гирён, Ҳабибий бўлди деб сарсон,  
Рақиблардан қилиб пинҳон, сўраб ҳол, имтиёз айлар.





## ЌИЗИЛЌУМ ЧОРВАДОРЛАРИ ЌУЗУРИДА

РЕПОРТАЖ

Нуротадан наслчилик заводига олиб борадиган йўл авча олис. Газик машинаси у ён-бу ёнга силқиниб, гапга гапга қовуштирамас эди, шундай бўлса ҳам йўлдошим — район ижроия комитети раисининг ўринбосари Азиз Орзиев бора-боргунча чорвадорларнинг қўй-молларини қишдан қандай олиб чиққани ҳақида сўзлаб борди.

Бу йирик хўжалик директори Ҳазратқул Эгамов жуда хушмуомала экан, унинг ишлари билан танишгач, дилкаш кишигина эмас, ажойиб ташкилотчи, меҳрибон раҳбар эканлигини ҳам билиб олдим.

Хўжаликда наслчилик иши кенг йўлга қўйилган. Бу ерда фақат кўк қорақўл барра етиштирилади. Хўжалик етиштирган барралар халқаро бозорда юқори баҳоланади. Шу кунларда Ќизилқум йилловларида 67 мингдан кўпроқ қорақўл қўй боқилляпти. Шундай пайтда чўлга бориб, чорвадорларни суратга олмасам кўнглим тинчимайди! Сал ўтмай кўк қорақўл барра етиштириш устаси, кенса чўпон Суюн Абишев отарига йўл олдик. Пўл-йўлакай, «соқоллари оплоқ мўйсафидни кўраман», деб ўйлагандим, чунки унинг 1931 йилдан бери қўй боқшинини, қўлида 748 совлиқ борлигини эшитганман. Суюн ота жуда бардам, серҳаракат, хушсуҳбат киши чиқиб қолди. Унинг ишлари билан қизиқдим. Узига биркитилган қўйларини нобуд қилмай қишдан омон-эсон олиб чиқибди. Баҳорда хар юз бош савлиқдан 155 тадан қўзи олибди, давлатга 803 та юқори навли барра топшириб, планни 145 процент бажарибди, 360 қўзини катта қилиш учун олиб қолибди.

Суюн ота билан хайрлашиб, Ќизилқум ичкарисига йўл олдик. Чўлдан янтоқ ва турли гиёҳларнинг ҳиди анқийди. Район раҳбарлари бу ўтларга қараб, ўзларича кўвониб қўядилар — бу йил озуқа мўл бўлади.

Орқага қайтдик. Завод ҳовлисида иш қизгин, қаёққа қараманг, қорақўл териларини ёйиб қуритишляпти. Омборхонада эса тайёр маҳсулотни саралашляпти. Директор Ҳазратқул Эгамов биринчи ферма зоотехниги Абдухалиқ Сидиқов билан хоризга юбориладиган қорақўл териларини кўздан кечиришляпти.

Йирик қорақўлчилик хўжалигидан қайта туриб, унинг азамат чўпонларига, мутахассисларига сиҳат-саломатлик, ишларида катта муваффақиятлар тиладик.

С. БЕЗНОСОВ.  
Автор фотолари.



Бундан ўттиз-қирқ йил олдин қишлоқ меҳнатшарни ҳаётида клублар аҳамияти қанчалик катта бўлганлиги маълум. У пайтларда колхозчи уйда элэктр, радио, телевизор, газета-журнал, шахмат-шахса дەرри йўқ эди. Коллектив радио эшитиш, газета ўқиш, дунё янгиликларидан хабардор бўлиш истагида каттаю кичи қишлоқ аҳли клубга чиқарди. Энди-чи? Турмуш ҳар жабҳада бутунлай ўзгариб кетди. Қишлоқ аҳолисининг руҳи, турмуш талаблари ўзгарди. Бугун уларнинг колхоз клубига телевизор кўриш, радио эшитиш, газета ўқиш учун қишлоққа эҳтиёжлари йўқ. Бу нарсаларнинг дегарли барчаси ўз уйларида бор. Қолаверса, дунё янгиликларидан ҳам колхозчилар шаҳарлилар билан баравар хабардор бўлишяпти. Бироқ бундан, клубларга эҳтиёж қолмапти, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, янги шароитда қишлоқ клубларининг вазифаси янгиланди, уларга нисбатан талаб ҳам ўзгарди.

Хўш, ҳозир қишлоқ клубларининг иш фаолияти қандай? Бу ўринда Н. К. Крупскаянинг қуйидаги гаплари бениҳтиёр эса тушади: «1919 йили Қозонга борганим ёдимда. У ерда ҳамма кутубхоналарни бир жойга тўплашга қарор қилган эдилар. Қозонда қандайдир бир бойнинг уйи бўлган ва шу уйга аҳолидан йигит олинган ҳамма китобларни тўплаб қўйишгану, уларни нима қилиш, қандай тартиб жорий қилишни билишмас эди». Ҳозир ҳам баъзи колхозлардаги клублар худди юқоридаги кутубхона ҳолатида. Масалан, қишлоқда клуб учун жуда чиройли, ҳашаматли бино қурилади. Сўнг очилиш маросими тантанали равишда ўтказилади. Бироқ, орадан кўп ўтмай клуб биноси хувилаб қолади. Одамлар бу даргоҳга фақат мажлисга ва кино кўришгагина келади, бошқа пайтларда ҳафта, ойлар давомида бўм-бўш бўлади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Сабаби — клубларда олиб борилган ташкилий ишлар давримиз талаблари даражасида эмас. Иш ушлублари эскириб қолган. Бунинг клублар мисолида кўриш мумкин.

Наманган районидagi «Ленинград» колхозида муҳташам клуб бор. Ленин, ҳозир бу клуб номигагина колхозники. Аслида у ерда район маданият уйи жойлашган. Агар район маданият бошқармаси клубда шу колхоз маданият-оқартув ишларини йўлга қўйса, бевосита бошчилиги қилса ёмон бўлмас эди, албатта. Колхозда клуб мудириликга тайинланган одам ёзда ляроева, қўйларнинг жунини олгани кетар, кунда эса бирорта бригадига вакил қилиб юборилар экан. Шу клубга — Маданият уйига директор қилиб тайинланган одам ҳам бор. У ўз навбатида фақат бадиий ҳаваскорлар тўғрарининг иши билан, кино кўрсатиш молия планини тўдиргиш билан банд. Бошқа ҳеч қандай ташкилий-тадбирий ишлар қилмаётгани йўқ. Шу зонадаги бошқа колхозларда ҳам ахвол бундан яхши эмас. Клуб мудирилик маданият соҳасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бирорта элчилор кишига

юклаб қўйилади. Бу аҳволда қишлоқ клублари ишини яхшилаш мумкинми? Колхоз қишлоқларини безовчи, маданият тарқатувчи, ҳаваскор расом ва музичларга бош бўладиган, билимдон, ташкилотчи клуб мудирилари керак. Республикамизда бундай мутахассислар тэйёрловчи махсус битим юртлари бор. Аммо уларни битирган мутахассислар қишлоқларга кам боришади. Натижанда колхозлар клуб мудириликга маданият оқартув соҳасига алоқаси бўлмаган одамларни ҳам белгилашга мажбур бўлишади. Бирор шнор ёздирши учун ҳам шаҳарга юзилади. Ҳолбуки республикамизда умумий ўрта таълимга ўтилди. Колхозлар ҳатто ўзларига керакли кадрларни колхоз ҳисобидан стипендия тўлаб олий мактабларда

да лавҳалар. Жадвалларга қараб колхоз хўжалигини юнсалтириш йўлини тасаввур этиш мумкин. «Бизнинг механнизаторлар» стенида илгор механик қайдовчиларнинг рангли портретлари. Мана бирининг — Р. Эргашевнинг қисқача биографияси: у рус йигити, Улуг Ватан уруши даврида боқимсиз юлиб, Фарғонага келганида ўзбек хонадони ўз бағрига олган. Рудия Эргашев ҳозир колхознинг илгор аъзоси. Меҳнат Қизил Байроқ орденига, Халқ хўжалиги ютуқлари нўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор.

Колхоз клубида шахмат хонаси, жанговар шон-шухрат хонаси, бахт уйи ҳам бор, улар яхши бевзатилган.

## ҚИШЛОҚ КЛУБИ

Бекмирза МАҲМУДОВ,  
«Гулистон»нинг махсус муҳбири.

Ўқитмоқдалар. Шундай экан, махсус маданият оқартув институтлари, техникумларига ҳам колхозлар лаёқатли йигит-қизларни юбориб ўз кадрларини тэйёрлаш пайти етмадимкин? Умуман, республика Маданият министрлигига колхоз клубларини мутахассис кадрлар билан тўлароқ таъминлаш чораларини кўриш пайти етмадимкин?

Клублар ишининг давримиз талаблари даражасида эмаслигининг киничи сабаби ҳам бор. Бу соҳада ташаббускорлик, таъриба олмайши, клуб ишидаги янгиликларини умумлаштириш ниҳоятда суст. Масалан, Охунбобоев районидagi Карл Маркс номи колхоз клубини олайлик. Колхознинг янги, яхши жиҳозланган клубида бойгина нўргазма бор. Мана, ўзлаштирилган қўриқлар чегараси. 1959 йилда дастлаб қурилган чўлқувларлар чалйса. Биринчи бўлиб тўнқай-зорга келган колхозчилар Холмат Марозиқов, Собир Баширов, Қобил Олимов, Карим Ҳанимовлар ҳақи-

Ленин айтиш керакки, шундай яхши бевзатилган клубда ҳам юнгли иш йўлиги кишини ачинтиради.

Колхозда меҳнатсевар, хушқаҷақ, хушовоз йигит-қизлар кўп, аммо улар учун на ҳаваскорлар тўғрарига бор, на илмий темаларда, агрономияга оид ва халқаро ахвол ҳақида суҳбатлар бўлади. Ҳолбуки қишлоқларимида тўймаърака, сайил, кўнгил очиш йиғинларини кўшинсиз, музикасиз, ўйинсиз тасаввур этиш қийин. Бундай тантаналарда улоқ, гоҳо пойга ҳам бўлади. Кўналамзор майдонда давра қуришиб нурашайтан ўторан йигитларга дуч келасиз. Колхоз клуби мудирига фақат шуларни уюштириш, ташкилий йўлга солиб юборишгина қолади. Карл Маркс номидаги колхоз клуби мудирида, шунигден бошқа кўпгина колхоз клубларининг мудириларида мана шу ташкилотчилик савияси еттишмайди.

Бу жиҳатдан республикамизда намуна бўла оладиган, таърибала-

рини оммалаштириш мумкин бўлган клублар йўқ эмас.

Наманган области Пол районидаги Ленин номи колхоз клубида бош бухгалтер, мактаб директори, колхоз насоба союзи ташкилотининг раиси, кинемеханик ва кутубхона мудиридан иборат клуб совети ташкил этилган, совет аъзоларидан ҳар қайсиси алоҳида тўғаранга бошчилиги қилишади. Суҳбатлар ўтнашиш учун юристлар, ўқитувчилар, медицина ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари клубга таклиф қилинади. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Аҳмадjon Одилов шахсан клуб ишига алоҳида аҳамият беради. Маданият-оқартув ишларини юнлаштиришга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлайди, ўзи клубда сайловчилари олдига ҳисобот бериб туради.

Клубда юздан ортиқ созанда ва хонандалар бор. Улардан эстрада оркестри, миллий чолгу асбоблари ансамбли ташкил этишган. Драма тўғрарига қинда Ҳанза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарини сахнага қўйди. Клубда хўжжати ва илмий оммабоп кинофильмлар кўп қўйилади. Ленин номи колхоз клубининг фаолияти кишиларни коммунистлик руҳда тарбиялашга, уларнинг меҳнат фаолияти ва сиёсий антивизининг оширишга, колхозчиларнинг маданият савиясини ўстиришга қаратилган. Афсусли, областларда бундай намунавий колхоз клубларининг иш таъриблари ўрганилмайпти, оммалаштирилмапти.

Ҳозир қишлоқ клублари ходимлари учун энг масъулиятли давр. В. И. Лениннинг 100 йиллигига тэйёрларини кўриш, доҳий васиятлари мамлакатимида муваффақиятли амалга оширилаётганини намойиш қилиш, Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятига доир материаллар билан колхозчиларни кенг таништириш — уларнинг биринчи даражали вазифаларидир.

Колхоз клубларида меҳнат байрамлари ўтказилса, илгор аъзоларининг тугилган кунлари нишонланса, ҳатто колхозчи ёшларнинг тўйлари ҳам шу ерда ўтказилса, шу қишлоқдан чиққан истеъдодли олимлар, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилиб турилса, қандай яхши! Кўргазмаларга маҳаллий ҳаваскор расомлар ижодидан намуналар қўйилса, ҳар хил темаларда суҳбатлар кўпроқ уюштириб турилса, яна соз бўлар эди.

Аслида қишлоқ клуби иши — колхоз партия ташкилоти, комсомол ва насоба союзи ташкилотларининг ишидир. Клублар фаолияти суст деган гап юқоридаги ташкилотларнинг иши ҳам яхши йўлга қўйилмаган деган гапдир.

Қишлоқ клубларининг асосий вазифалари ёшларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, қишлоқ меҳнатшарларининг намунали хордиқ чикаришлари, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Клуб ва кутубхоналар ишини замон талабларига мувофиқлаштириш зарурлигини сира унутмаслигимиз керак.

# ТОВУШДАН ТЕЗ

Совет авиацияси яна бир катта галабани кўлга киритди. Конструкторларимиз академик Андрей Николаевич Туполев раҳбарлигида товушдан тез учувчи ТУ-144 пассажир самолётини яратдилар.

Янги самолёт ТУ-104 самолётидан уч баравар тез, соатига 2500 километр масофани босиб ўтади. 120 пассажирни жойлаштира оладиган бу улкан ҳаво кемаси Москвадан Хабаровскка уч ярим соатда етади.


Товушдан тез учувчи пассажир самолёти яратиш устида чет элларда ҳам ишлашяпти. Лекин бизнинг ТУ-144 самолёти-тимиз ҳозир парвозда.

Англия ва Франция мутахассислари «Конкорд-001» пассажир самолёти яратиш устида ишламоқдалар. Уларнинг планлаштиришича, бу самолёт 1968 йилнинг февраль ойига учурилиши керак эди. Лекин 1968 йил 31 декабрь — ТУ-144 самолёти учурилган кун ҳам «Конкорд» ердан кўтарилмади.

Худди шунингдек, АҚШда ҳам «Лонхид-200» ва «Боинг-2707» самолётларини яратиш устида энди илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ТУ-144 пассажир самолётини яратишда кўпгина қийинчиликларини енгишга тўғри келди.

— Товушдан тез узадиган ҳарбий самолётларга эгамиз,



деган далилга асосланиб, авиацияда товушдан тез учиш муаммоси батамом ҳал қилинди, деган хулосага келиш мумкин эмас. — дейди ТУ-144 самолётининг бош конструктори. Соатига 2500 километр тезликда йўловчилар ташувчи самолёт яратишнинг ўзи муаммо, бундай самолёт яратилиб, узоқ масофаларга, дейлик Москвадан Хабаровскка ёки Ленинграддан Тошкентга учини ундан ҳам қийин. Бу қийинчилик яна шу билан мураккаблашадими, пас-

сажирларни босимсиз, шовқинсиз, силқитмай, тинч шаронгда олиб юриш керак.

Конструкторларимиз ана шундай қийинчиликни енгдилар.

ТУ-144 самолётида учини орзу қилган кишиларни «товуш тезлиги»дан ўтиш давридаги ҳиссийат қизиқтирса керак, албатта.

— Бу тўғрида фақат қувончли гап айтишим мумкин: товушдан жадал тезликка ўтилганда кишига таъсир этадиган ҳеч қандай физиологик ўзгариш со-

дир бўлмайди. Ниҳоятда зўр тезлики пайқамайсиз ҳам. Ҳатто, ерни кўрмасангиз, учиб кетаётганингизни ҳам билмайсиз.

ТУ-144 пассажир самолёти 20 километр баландликда учади. У момақалдироқлардан нари, будутлардан юқори кўтарилади. Бу эса тинч ва осойишта учининг яна бир далилидир.

Янги ТУ-144 пассажир самолёти ерга ҳаво «тўшаклари» ёрдамида қўнади. Натинжада йўловчилар гилдирақларнинг ерга урилганини сезмайдилар.

## Ихчам тақриз

Баҳор табиатнинг қайта тугилиш, куч йиғиш, гуллаш, қайта ҳаёт бошлаш фаслидир. Инсон умрининг ҳам баҳори бўлади. «Баҳор қайтмайди» қиссаси ана шу инсон умрининг баҳорини ардоқлашга, қадрлашга даъват этади. Табиатда баҳор ҳар йили такрорланади. Инсон умрининг баҳори эса, беҳуда ўтказиб юборилгандан кейин, қайтиб келмайди. Бу фикрни автор асарда, асосан, Алимардон образи орқали беради. У инсон умрининг баҳори деб, кишининг камолга етган, ахлоқий соф, халққа фойда келтирувчи ижодий кучга тўлиқ даврини тушунади. Асар бошларида Алимардон ҳаётининг шундай баҳори кўрсатилади: у севган қизига уйланади, ажойиб кўшиқлар яратади, саҳнада, томошалар олдига олиш қозонади. Афсуски, бу баҳор узоққа чўзилмайди. Қаҳрамон характеридаги ҳаётга нотўғри қарашлар, номукамал тарбиянинг иллатлари умр баҳорини поймол этади.

Алимардоннинг ўз дўсти Анварни таққир этиб, ундан Мунаддамни тортиб олишга уринишида шахсиятпарастлик намоён бўлса, санъатнинг моҳиятини нотўғри тушунишидан биз унинг дунёқарashi чекланганлигини англаймиз: тўйма-тўй юриб, пул ишлашида, ортинча дангиллашма уйлар кўришида бойликна ҳирси ва ахлоқий ноқомлиги юзага чиқади. Автор талқинича, бу иллатлар Али-

\* У. Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Қисса, «Шарқ юлдузи», № 12, 1968 йил.

## ҲАМИША БАҲОР БЎЛСИН

мардоннинг ёшликида яхши тарбияланмаганлиги, фирибгар амакисининг таъсирида бўлганлиги каби ҳолларнинг натижасидир. Мазкур иллатларни тугдирган сабаблар янада ишонарлироқ кўрсатилганда Алимардон образи етув бўларди. Ундан ташқари «фарзанд билан даялат қўлнинг кири, нелаверади ҳам, кетаверади ҳам», — деб юрган Алимардоннинг қисса охирида ўзига меҳри ниҳоят ортиб кетиши ҳам асоссиз. Булардан қатъи назар, биз Алимардоннинг ҳаёти ва характери билан танишгач, умр баҳорини қадрлай билмаслик ҳалокатга элтади, деган хулосага неламизми, бу жуда муҳимдир.

Мунаддамнинг тақдири ҳам умр баҳорини ардоқлаш лозимлиги тўғрисидаги фикрни тас-


диқлайди: Анварнинг сэмимий муҳаббатини қадрлаганида, енгилтанглик кўрбони бўлмаганида, балки Мунаддам бундай оғир руҳий азобларга дучор бўлмасди. Мунаддам образига юнланган фикр, ҳаёти ва характер мантинги ишонарлироқ бўлиши учун енгилтанглиги, яъни инки учрашувдаёқ Алимардоннинг ҳолишига бўйсунини яхшироқ далилланниши лозим эди.

Қиссадан яна шу нарса аён бўладики, айрим шахслар характери ва тарбиясининг салбий томонлари бошқа кишилар ҳаётини, умр баҳорини ҳам заҳарлаши мумкин экан. Алимардон ва Мунаддамларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида Анварнинг илк севгиси топталади, мусаффо ҳислари, умр баҳори анча вақтгача хиралаштириб қўйилади.

Воқеаларни қизиқарили ҳисоя қилиш, психологик таҳлил, характерлар тасвирида турли-туман бўёқлардан ўрнли фойдаланиш, улар воситасида автор позициясининг аниқ юзага чиқиши, табиат манзараларининг расом сингари усталик билан чиқиши ва қисса руҳига сингдирилиши, тилининг бойлиги; реалистик кўрсатиш услуби, ҳар бир образ ва деталнинг ҳаётий қишишга интилиш — буларнинг барчаси ёш прозаининг бадиий ютуқларидир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси ҳаётнинг муҳим муаммосини кўтариб чиққан, ниҳоятда фойдали фикрни анча ишонарли ифодалаган асар. У ўткир Ҳошимов инқидо баҳорининг меваси, ёшлар адабиётининг жиддий ютуғидир.

Санжар СОДИҚ



## ФОТОПОРТРЕТ —

## САНЪАТМИ,

## ЙЎҚМИ?

«Санъат фотография эмас, у умумлашган, типик образ яратди...» дегандай гапларни кўп эшитамиз. Бу фикр асосан тўғри, албатта. Аммо шундай фотосуратлар ҳам учрайдики, бу гапнинг мутлақ мукамаллигига шубҳаланиб қоласан киши.

Ҳақиқатан ҳам, мана бу фотопортретга разм солинг, унда санъат асарига, бадиий портрет санъатига қўйилмаган талабларга жавоб тополмаймизми? Бу — пири бадавлат, қўнгли ёш, доно ва хушчақчақ, нуруний отахонларимизнинг умумлашган, типик образи бўла олмайди? Унинг чехрасида, кенса кўзларининг сал қисқлиги, лаблари сал очилиб, самимий жилмайишида бутун ички дунёси, содда ва бахтиёр ҳислари ошқора бўлиб турибди-ку!

Типик образни ижодкор ўйлаб чиқармайди, унинг ҳамма умум ва индивидуал хусусиятлари турмушдан олинади. Моҳир фотограф ҳам бу хусусиятларни ҳаётдан яхлит ҳолда топган бўлса не ажаб. Ахир ҳамма гап бетиним изланишда эмасми?

Юқоридаги «Отахон» фотопортрети — Семён Безносос асари.

**Б**олалар ҳаётимизнинг гули. Улар энди нуртан ёзаётган дарахт баргидек беғубор ва мусаффо бўлишади. Биз уларнинг қалби ҳам, йўли ҳам доимо ана шундай пок бўлишини, гард юкмаслигини истаймиз. Инсоннинг энг яхши фазилатларини — олижаноблини ва ростгўйлигини ҳам, меҳрибонлик ва қувноқлигини ҳам болаларимизда кўрүмиз келади. Уларда шу фазилатларни тарбиялаш, совет кишисига хос бўлган янги сифатларни сингдира бориш, ёмон таъсирлардан ахтиёт қилиш муҳим вазифадир. Неганики, коммунизм жамиятининг илгор маданиятли кишилари, ишчилар синфи, оташин революционерлар бунёд этган Совет давлатининг меросхўрлари — шу ёш авлоддир.

«Болалар ўз ота-оналарига, янги дунё бунёд этувчиларга қараганда яна ҳам маданиятлуроқ, фаолроқ бўлишлари керак. Юксак сўзлардан нўрқимасдан шунини айтишимиз лозимки, болаларимиз жаҳон пролетариатининг яна ҳам актив етакчилари бўлиб тарбияланишлари зарур», деган эди А. М. Горький.

Болаларни ана шундай маданиятли, ижтимоий фаол қилиб тарбиялашда ота-она, педагоглар, адабиёт ходимлари билан бирликда, санъатнинг энг оммавий тури бўлган кино санъати зиммасига ҳам юкланади.

Биз болалар учун бадиий фильмлар яратишга бутун ҳаётини бағишлаган атоқли режиссёрларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Чунки улар ўз ҳаётларини энг қийин ва шарафли соҳага бағишлаганлар. Болалар учун фильм яратиш шунинг учун ҳам қийинки, режиссёр воқеага, ҳар бир деталга бола нуқтаи назаридан қарашни, унинг билан тенгдош ўртоқдек гаплаша билишни, шу билан бирга, кичинк дўстларини астойдил ҳурмат қила билишни керак. Табиатдаги ҳар нарса — жониворлар, уй-жойлар, дарахтлар ҳам бола учун жуда гўзал, ажойиб романтик бўлиб туюладики, бунинг натта ёшдаги одамнинг тасаввур қилиши қийин. Режиссёр А. Разумний «Темур ва унинг номандаси» фильмининг қўйиш олдидан худди шунини таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам фильмдаги воқеаларга болани ишонтириш, ҳаяжон ва қувончларга шерик қилиш, қаҳрамон тақдир билан қизиқтириш осон иш эмас. Бунинг учун ҳаётни бўямасдан, унинг барча қарама-қаршиликлари билан рўй-рост кўрсатиш керак.

Октябрь революцияси, Улуғ Ватан уруши, Совет Армияси, космос, янги-янги кашфиётлар ҳақида болаларга ҳқиқо қилиш мумкинми? Албатта мумкин. Ажойиб педагог А. С. Макаренко айтганидек, «болалар адабиётининг катталар адабиётидан фарқи — унинг нима ҳақида ҳқиқо қилишида эмас, балки қандай ҳқиқо қилишидадир».

Болалар учун фильм яратиш шунинг учун ҳам шарафлики, режиссёр минг-минглаб ўғил-қизга қувонч, шўх кулги бахш этади, атроф, олам гўзаллигини тушунишга ёрдам беради, уларда эстетик ҳис уйғотади, совет кишисига хос бўлган ахлоқий нормаларнинг шаклланишига ёрдам беради — хуллас коммунизм кишисини тарбиялайди.

## ТЎЛҚИН

## БОҒ КЎЧАДА

Боғ кўчани соғиндим беҳад,  
Тор сўқмоқлар, тупроқ сўқмоқлар.  
Болаликдай қадрли ҳар вақт,  
Болаликка ўртоқ сўқмоқлар.

Бу қишлоқда минг бор бўлганман.  
Қишлоқ чети — бобомнинг боғи.  
Сўқмоқлардан ҳаётнинг улкан  
Кўчасига чиқасан чоғи!

Н. Лебедевнинг «Андрейка», Л. Голубнинг «Анотанинг йўли», «Партизан болалари», А. Разумнийнинг «Темур ва унинг номандаси», И. Лукинсийнинг «Чук ва Ген», И. Фрезинг «Биринчи синф ўқувчиси», В. Эйсимоннинг «Дружок», А. Митт ва А. Салтиновларнинг «Дўстим Колька», Ш. Магадзенинг «Отни ким агарлайди» каби фильмлари ана шундай кино асарларидир.

Шу ўринда, саргузашт жанрида яратилган биринчи болалар фильми — «Қизил шайтончалар»ни эслаб ўтиш зарур. Режиссёр И. Перестианининг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида яратган бу асари ёш томошаларга ўртасида натта муваффақият қозонди. Бу муваффақиятнинг асосий сабаби шу эдики, мавзу ҳаётнинг ўзидан олинган бўлиб, драматик жиҳатдан жуда пухта ишланган эди. Революцион мазмун воқеалар ривож асосида очиб борилар, романтик хислатлар эса фильмга оптимистик руҳ бағишларди.

1954 йили Белоруссия киностудияси ҳам шу темада «Партизан болалари» фильмининг яратди. Фильм болаларни чидамли, кузатувчан бўлишга, қийинчиликлар олдига бош эгмасликка, Ватанин кўз қорачигидан саклашга ундайди. Фильмда совет даврида туғилиб, ватанпарварлик ғоялари асосида тарбия топган болалар образи намойиш бўлади. Болаларнинг — Олеся — Наташа Зашипина, Михяйло — Вита Комиссаровларнинг мансалини аниқ тушуниб ўйнашларида, уларнинг эрининг, табиий тўтишларида режиссёрнинг хизмати катта. Автор фильмда болалар ҳам ажойиб ишлар қилишга қодир, катталарнинг энг яқин ёрдамчиси, деган ғояни илгарти сурган.

Режиссёрнинг болалар билан ижодий иш олиб бориши, характерларини чуқур ўрганиб, педагогик жиҳатдан тўғри ёндашиши, уларда фантазия уйғота олиши, юксак маъсулиятни ҳис қилдириши жуда катта роль ўйнайди.

«Мен болаларни жуда яхши кўраман,— дейди бу асарни қўйган Л. Голубь.— Улар жуда катта ёрдамга муҳтож, қандайдир саволларга жавоб топгиси келмади, бирор масалани тушунишни истайдилар. Уларга албатта ёрдам бериш керак, улар билан катта ўртоқ, дўст бўлиш керак».

«У-бенфильм» студиясида яратилган «Кониёт горининг сири» саргузашт жанрида яратилган фильмдир. У ёш томошаларнинг республикамизнинг ажойиб жойлари билан таништиради. Тоғу тошлар, нимсасиз саҳролар, ўтмишда қандайдир шаҳар ёки маданий марказ бўлган Бургут қалъанинг кўринишлари, ер ости йўллари — булар албатта ёш томошанин учун гоёт қизин.

# ЭКРАН—КИЧКИНТОЙЛАРГА

Археологлар қачонлардир мўғул қамалига дучор бўлган эски қалъадан қадимги қилич билан камон ўқини топиб олишди. Текшириш натижасида камон ўқининг учи олтин ва қалай қотишмасидан қилингани маълум бўлади. Демак, яқин атрофда қазилма бойлиқ бор. Қалъага геологлар нелиб, қидирув ишларини бошлаб юборишди. Бу — фильмнинг илмий томони, бироқ «Кониюот горининг сирининг композицияси анча мураккаб: ҳозирги кун, XIII аср ва XX асрнинг 20-кел воқеалари кўз олдимиздан ўтади. Ёш совет республикаси геолог Соноловани ана шу қалъага юборди. Сонолова бу ерда олтин борлигини аниқлайди, бироқ бу муҳим янгиликдан хабар беришга улгуролмайди. Унга йўлдош бўлган Жавҳарий душман чиқиб, Соноловани ўлдиради...

Фильмда болалар образи ҳам бор. Ленинградлик олима Бородинанинг қизи — Ира, профессор Каримовнинг ўғли Шавнат ва Мансур отанинг набираси Ғулом. Болалар ҳар нарсага қизинувчан, эртан ҳам, афсона ҳам улар учун ҳақиқатдй. Улар катталардан аширича ер ести йўлларини айлантишади. Ғулом бобосидан зийттанларини болаларга хичоқ қилиб беради. Бургут қалъанинг ўтмиши, халқ қалъани қандай ҳимоя қилгани, мўғулларга боғ эмаш, мардларча ҳалок бўлишигани болалар тасаввурда жуда муносибли берилган. Авторлар саргузашт фильмда қаҳрамонлик, нураш романтикаси, жасорат, нутилмаган воқеаларни кўрсатиш билан томошабинни қизиқтириш мумкин, деб тўғри тушунганлар. Ленин, айтиш керакин, ҳар бир воқеа, ҳар бир ҳаракат образлар характерини очишга асос бўлолмаган. Буни биз болалар образи мисолида аниқ кўраимиз. Шавнатнинг ҳам, Иранинг ҳам, Ғулмоннинг ҳам ўзига хос характери, ўй-фикрлари, нималарга қодир экани томошабин учун маъхумлигича қолади. Бу образлар ёш томошабин таълиқ қиладиган, ўрнат оладиган даражага кўтарилмаган. Бу намчиликнинг сабаби, биринчидан, режиссёр П. Файзиев саргузашт жанрининг асосий хусусияти — воқеа, ақтв ҳаракат, хавфли тўқнашувлар образлар характерини очиб учун восита эканига етарли эътибор бермаганидан бўлса, иккинчидан, фильмнинг асоси бўлмиш сценарийнинг саёзликда, деб билмоқ керак. Аммо шунга қарамай, фильмда яхши гоа бор, ўз халқига хиёнат қилган одам ўлимга маҳкумдир, она ерга, халққа бўлган меҳр-муҳаббат ҳар қандай қора кучни ҳам енгади, деган гоа томошабинга етиб боради.

Кейинги йилларда болалар кинематографиясида образлар ички дунёсига, бола психологиясини, ўй-фикрларини очишга эътибор берилди. Буни биз Ш. Аббосовнинг «Сен етим эмассан» фильмида равшан кўриши-

миз мумкин. Ёзувчи Раҳмат Файзий сценарийни асосида ярагилган бу фильмнинг Иттифоқимиз экранларида катта муваффақият қозонишига сабаб — фильм асосида ҳақиқий фаит, бўлган воқеа ётишидагина эмас. Улуғ Ватан урушининг энг оғир кунларида эвакуация қилинган 14 етим болани ўз бағрига олиб, улар ҳаётини сақлаб қолиш, ота-оналари ўрнини босиш, овқат турғизиш, Ватан учун фойдали одам қилиб етиштириши ўз олди мақсад қилиб қўйган Баҳри опа ва Шоҳмад Шоҳмаҳмудовларнинг олжанго иши ҳаммаимизга маълум. Фильмнинг муваффақият қозонишига, биринчидан, режиссёрнинг инсонни тарбиялашдек буюк вазифани ўз устидарига олган оддий совет кишиларининг аждоиб фазилатларини кўрсатиш ва улуғлашида бўлса, иккинчидан, ҳар бир боланинг ўзига хос характерини, ўй-фикрларини, ҳис-туйғуларини томошабинга етказиб олишидадир. Болаларнинг ўйинларини етув артистларимиз Лутфоним Саримсонова ва Обид Жалиловларнинг ўйинларига ҳамоҳанг қилишда, уларни образлар дунёсига шўнғитишда, фильмда ажойиб ансамбль яратишда режиссёр тўғри йўл тутган.

Она! Онадан ҳам азиз ва меҳрибон инсон борининг дунёда! Қани энди шу болаларнинг ўз оналари топилса! Болалар киногоа негишганида Дэйдра деган қизнинг онаси қидириб келади. Фақат Дэйдра эмас, барча оила аъзолари кинони ташлаб уйга югуришади. Дэйдра онасини кўришга ошиқлади, «Ойи, ойи, ойи!» деганча елден югуради. Ҳар тарафдан «Ойи, ойи!» сўзлари жаранглайди. Ҳозир Дэйдра онасини, меҳрибонини кўради, қандай катта бахт! Бирок, аёл, бу менинг қизим эмас, деб чиқиб кетади. Дэйдранинг қувончи ғамга айланади.

«Ўз онам бўлганида, тугилган куним билан табриқларди, юзларимдан ўпарди, эрчаларди...» Бирок Дэйдрани хасратда қўймайдилар. Кечкурун дастурхон атрофида барча оила аъзолари унинг тугилган кунини ишонлайди. Фотима опа бирор тайёрлабди. Маҳнам ана чиройли шарф соғга қилади. Болалар ҳар тарафдан уни табриқлашади. Демак, дунёда ўз онандай меҳрибон одамлар бор экан. Мана бу дастурхон атрофидаги турли миллат болалари бўлса тугишган ана-унагдек ғамхўр.

Фотима опа билан Маҳнам ана бу хурсандчилик нўл машинасини сотиш эвазига бўлганини билдиришмайди. Болалар хурсандчилиги улар учун ҳамма нарсадан афзал. Режиссёр Ш. Аббосов Фотима опа билан Маҳнам ананинг турли миллат болаларини бир-бирларига ғамхўр, ростгўй, ана-унадек қилиб тарбиялагани, намчиликларини, ёмон

фиқрларини йўқотиб тўғри йўлга солиб юборишганини кичин-кичик деталлар орқали очиб беради. Бу билан ёш томошабинларни чуқур фикр юритишга ундайди. Фильмда совет халқининг буюк дўстлиги, интернационализм голлари бор буй-баста билан қад кўтаради.

1967 йилда Ш. Аббосов ёзувчи А. Неверовнинг машқур повести — «Тошкент он шаҳри» асосида (А. Михалков — Кочаловский сценарийси) бадиий фильм яратди. Режиссёр болалар характерини томошабинга етказишда, эзранда ёш қаҳрамоннинг тўлақонли образини гавдалантиришда ўз ишода яна бир давои ошди. Ҳозирги тўқ турмушга, бахтли болаликка ўз-ўзидан эмас, курашлар орқали эришилганини фильм документаль фактлар асосида исботлайди.

Фильмда ҳаёт ўлимни, ирода очлигини енгади. Мишанинг қатъий характери, аниқ мақсади бўлмаганида, ўз мақсади йўлидаги барча тўсиқларни енгитишга тайёр турмаганида Поволжядан Тошкентгача узоқ йўл кийинчиликларига, очлинка бардош бера олманган бўлар эди. Миша софдил, ростгўй, ҳалол, дўстга меҳрибон, биронинг бир тийякчини ҳам бенорга олмайдиган бола. У одамларга ҳурмат билан қарайди, яхши гапирган ва бошқаларни ҳам ана шундай деб уйлайди. Аммо одамлар қўпол бўлса, адолатсизлик кўрсатса — у чидаб туролмайди, тугилиб кетади, инсонлик гурурини ерга уришни хохламайди.

Мишанинг қатъий характери билан биз биринчи надрлардаёқ танишамиз. У очликдан кутулиш, сақал онаси ва инки унасининг ҳаётини нақалб қолиш учун Тошкентга бориб, бугдой одам келишга қарор қилади. Йўлда турли одамларга дуч келади, ёмон одамлардан туртни ейди, аммо қаётда яхши одамлар ҳам кўп. ЧК ходими Дунаев, Сауле, ҳамшира, батрақлар ёрдами билан Миша Додонов ўз мақсадида эришади, Тошкентдан ўз меҳнати эвазига бугдой одам кетади.

Фильм охирида Мишанинг ерга дон сепайганини кўраимиз. Демак, очлик чекинди, ҳаёт тантана қилди. В. Воробей Миша Додонов образини табиий, ишонарли қилиб унган, режиссёрнинг болалар билан иш-лашдаги ютуғи ҳам шундадир. Ёш томошабин Совет ҳомииятининг дастлабни кезлариди оғир кунларни, қийинчиликлар болалар ҳаётига ҳам ғасйир этганини кўран экан. Ҳозирги куннинг қадрига етишга интилади.

Ш. Аббосовнинг бу икки фильми ёш томошабинларга муносиб совға бўлиш билан бирга, республика болалар кинематографиясини ривожлантиришга катта ҳиссадир.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



## ЯНА БИР ҚОШОНА

Бу серҳашам бионинг лойиҳаси Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институтида яратилди. У кўп ўтмай. Самарқандда буй чўзиб, шаҳар чиройига чирой қўшади. Бўлғуси ўн икки қаватли маъмурий бионинг чарогон хоналарини область ва шаҳар икрония комитети, савдо бошқармаси, халқ маорифи бўлими, матбуот ва алоқа бошқармалари каби қатор маҳкамалар эгаллайди.

Биода 300 ўринли мажлислар зали, 300 хўрандага мўлжалланган ош хона, оромгоҳ хоналар бўлади. Лойиҳада ўзбек метморчилигининг айналарини ҳовлига олиналганлиги иморатни янада хушсурат қилиб қўрсатган: ҳовли саҳнига тош ётқизилади, иморатнинг кунгай тарафиди деразалари ўрта Осиё минтақасига мосланиб жиҳозланади. Бу кўркем бино Горький хиёбониди қад кўтаради.

Даврон РАҲМОНОВ,  
инженер.

## ЖУРНАЛИСТГА ҲАЙКАЛ ҚУРИЛДИ

Самарқанддаги Коммунистическая кўчасида журналист Михаил Владимирович Морозов ҳаётига ҳайкал ўрнатилди. Коммунист М. В. Морозов 1904 йилдан чиқа бошлаган «Самарқанд» газетасининг биринчи муҳаррири эди. У Ленин гоёларини илгари сурувчи публицистик мақолалар ёзар, яшин варақалар нашр қилди. Ташкентнинг вақтли матбуотида ҳам тез-тез қатнашиб турар эди.

М. В. Морозов партиямизнинг IV съездида Самарқанддаги социал-демократлар ташкилотидан вакил бўлиб қатнашган. Улуғ Октябрь иқлибидан сўнг совет матбуотининг масъулиятли вазифаларида ишлаган журналист ва оташин иқлибчи ҳайкали унинг номидаги босмахона ёнига ўрнатилди.

## ОЛАМДА НЕЧА ХИЛ ТИЛ БОР?

Аликанта шаҳрида (Испания) бўлиб ўтган бутун дунё лингвистлари конгрессида аниқланишича, ҳозир оламда одамлар 2976 хил тилда гаплашишар экан. Бундан 1200 таси Жанубий Америкадаги қадимий қабилалар тили бўлиб, буларнинг умумий аҳолиси 17,5 миллионга бормади.

Фоточимиз С. Безноссов олиб келган бу сурат бир ҳазил-мутойба гапни талаб қилиб турибди, шундай эмасми?

Биз юморни яхши кўрадиган ўқувчиларимиздан шу суратдаги вазиятга мос ҳажвий сўзлар ёзиб боборишни илтимос қиламиз. Буни бир сўз, бир ибора, бир жумла, ёки қисқа диалогда ифода қилиш мумкин. Кинояли, қочиримли, ўткир, қизиқ ҳазил бўлса бўлган. Энг яхшиларини журчалда босиб чиқарамиз.



## ЭНГ ТЕЗКОР ЁЗУВЧИ

«Баъзилар тез ёзишни жиноят деб ҳисоблайдилар. Улар одатдагидан тез ёзганим учун мендан газабланадилар ҳам» — дейди Жорж Сименон.

У яқинда ўзининг икки юзичи романини нашр этди. Ешлигида ҳар хил тахаллуслар билан чиқарган юзлаб романлари, минглаб қисса ва хикоялари бу ҳисобга кирмайди.

Ж. Сименон асримизнинг энг тезкор, энг сермаҳсул ёзувчиси. Унинг 50 миллиондан ортиқ тираж билан чиққан китоблари 42 тилда ўқилади. 2000 қаҳрамонининг дярли ҳаммаси ўз нуқсонининг қурбонидир. Сименон романларининг сюжетлари асосида жуда кўп пьесалар, телевизион инсценировкалар ёзилган, 50 дан ортиқ кинофильм ишланган.

Ж. Сименон детектив жанрининг тенгсиз устаси. У ҳозир 66 ёшда, ҳали ҳам одатдагича йилга ўрта ҳисоб билан 6 роман ёзади.

## КУМУШ ТУЯ

Минг йил аввал Беруний Ўрта Осиёдаги кумуш конлари ҳақида бундай деб ёзган эди: «Самана — форс сўзи бўлиб, кон эгаларининг луғатида соф кумуш деган сўзди. бундай кумуш конларда яхлит-яхлит ҳолда топилади, баъзан катталиги туядеклари ҳам учрайди...».

Ўрта аср Шарқидagi бундай дафиналар ҳақида бошқа маълумотлар ҳам бор. Шулардан бири мана шу — Кўҳи-сим деган жуда бой кумуш кони ҳақидаги «Кумуш туя» афсонасидир. Бу хазина қаерда бўлган?

1933 йили Охангарондан қирқ чақирим жануброқда Ф. И. Вольфсон бошчилигидаги олимлар экспедицияси қадимий кумуш конининг қолдиқларини топди. Бу Лашкерк деган жой. Кўп олимлар қадимий Кўҳи-сим мана шу, деган, фикрга келдилар. Чунки илмий текширишлар натижасида бу ерда жуда катта кон бўлганлиги аниқланди, турар жой, асбоблар, қадимий қончилярнинг турди жиҳозлари топилди. Коннинг чуқурлиги уч юз метрга етган жойлари бор.

## ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ РАДИОЛОКАТОР

Нигериядаги радиолокация станцияларидан бири учиб келаётган самолётларни эмас, чигирткани аниқлаш учун ўрнатилган. Унинг ёрдамида олимлар еб тўймас чигирткаларнинг учиб йўлларини аниқлашади.

## МИЛЛИОН СУВГА ЧУКДИ

Америка кемалари ва вертолётлари ток берувчи «СНАП-19» генераторининг иккита капсулини қидиришмоқда. Бу капсуллар яқинда обҳавони тақиқ қилувчи «Нимбус-В» ер йўлдошидан Тинч океанга тушиб кетган эди. Албатта, бепоян океандан кичкина нарсани қидириш сомондан игна қидиришдай гап, лекин капсулларда миллион долларга тенг «плутоний-238» бор экан.



— Дада, мемуар ёзаман.



Сўзсиз...

Р. СВЕРИН расми



Сўзсиз.

О. ТЕСЛЕР расми.

# РУС ҲАЖВЧИЛАРИ — МЕҲМОНИМИЗ

Э. УСПЕНСКИЙ.

— Менга қара, оғайни, нимага совхоздан кетмоқчисан? Е бу ерда тартиб йўқ эканми?

— Тартиб-ку йўғ-а, лекин гап бунда эмас.

— Балки қиладиган ишинг ўзингга ёқмас?

— Ёқмасликка ёқмайди-я, аммо бунинг учун кетаётганим йўқ.

— Нимага бўлмасан? Ёни янги уй беришмадимми?

— Уй-ку берганлари йўқ. Бироқ сабаб бу эмас.

— Ҳа, топдим, зерикиб кетгансан. Ишдан кейин ўйнаб-қуладиган тузуқроқ жой бўлмаса керак-да совхозда?

— Йўқликка йўғ-а, лекин гап фақат дам олишда дейсанми?

— Бўлмаса нимада? Ошхона-си ёмонми?

## МУАММО

— Ёмонликка ёмон ошхона, бироқ асосий сабаб бу эмас.

— Унақа бўлса асосий сабаб яслида, тўғрими? Болаларга яхшироқ қарашмаса керак-да?

— Ясли-ку, умуман ишламайди. Бироқ ясли йўқ, деб кетаётганим йўқ.

— Нима деб кетяпсан бўлмасан?

— Ким билади дейсан, Нимагадир бу ер ёқмай қолди, лекин нимаси ёқмаётганига сира ақлим етмайди.

— Ҳай, майли. Энди йўл бўлсин?

— Шу, қўшни совхозга ишга ўтмоқчиман.

— Нима, у ерда тош-тарози бошқача эканми?

— Бошқачаликка бошқача-я, лекин гап бунда эмас.

— Эҳтимол кўнглингга ёқадиган иш беришар?

— Беришга-ку беришадим. Аммо ёлғиз иш деб кетаётганим йўқ.

— Бўлмаса янги уй учун ўтаётган экансан-да у ёқма?

— Уй беришга-ку берамиз дейишди. Бироқ гап уйда дейсанми, дўстим?

— Ёни кўнгилли ҳордиқ чиқарадиган ерлари кўп эканми?

— Кўпликка кўп-у, лекин....

— Ошхоналари ҳам яхши ишласа керак-да?


— Яхши ишлашга-ку яхши ишлайди-я, аммо мени бу ердан ҳайдаётган бошқа нарса.

— Бўлди! Яслиси бор, ўшанинг учун кетяпсан, тўғрими?

— Борликка бор ясли, аммо гап унда эмас.


— Тавба! Бўлмаса гап нимада, бугдойдами?

— Ким билди дейсан, Нимагадир ўша совхоз ёқиб қолди менга. Лекин нимаси ёққанга сира ақлим етмайпти.



Инструктор.

В. СОЛОВЬЕВ расми.



Аҳвол танг бўлганда...

Ю. ЧЕРЕПАНОВ расми.

Ю. ЗОЛОТАРЕВ

## УЧИБ ҚҰНАР

Завод директори Привальцевга бошқармадан кўнгироқ бўлди.

— Сизларда кўнимсиз ишчилар масаласи қанақа?

— Ҳеч қанақа,— деди директор,— бизда кўнимсиз ишчи йўқ.

Трубка бир оз сунут сақлаб турди, сўнг яна тилга кирди:

— Одам деган сал намтар бўлиши керак, ўртоқ Привальцев. Масала жиддий, муҳим. Афтидан ҳисоб-нигобингиз ҳали хомирона ўхшайди. Яхшилаб тайерланган-да, менга хабар қилинг. Кутаман.

Бошқарманинг трубкаси тараф этиб кўйилди. Привальцевнинг пешанаси бир дамда терлаб кетди.

— Ана холос...— деди у довдираб,— ҳақиқатан ҳам сал нелишмай турибди... Худди ёлғонга ўхшاپпти гапларим. Катта завод бўлса, қанчадан-қанча одам ишласа-ю, биронта кўнимсиз читтан топилмаса. Қизиқ...

У ўнг биқинига қўл чўзди-ю, надрлар бўлимининг бошлиғига телефон қилди:

— Менга қаранг, Колосихин, юноридан топшириқ бўлиб қолди. Сиз бирорта кўнимсиз ишчининг фамилиясини билмайсизми?

— Ним, кўнимсиз дейсизми? Йўқ.

— Мақтанманг. Сал пастрок тушинг. Уят бўлади. Мен сизга жиддий масалани гапиряпман. Уй-

лаб кўринг, балки бордир битта-яримта?

— Биттаям йўқ, яримтаям йўқ.

— Тушунсангиз-чи, ахир, Колосихин, битта кўнимсиз ишчи керак. Шунчаки, номига бўлсаям...

— Жуда қизиқсиз-а, йўқ одамни қаердан оламан мен?

— «Йўқ-мўқ»ингизни кўйинг!— бақриб берди директор.— Баҳона қилиш осон. Топиш керак дедимми — вассалом — топинг!

— Ҳалати гапларни гапиряпсиз, ўртоқ Привальцев?

— Сиз бўлсангиз ҳаммавақт эътироз билдиришни яхши кўрасиз!

— Сиз эса одамнинг қўлидан келмайдиган нарсани илтимос қиласиз...

— Мен илтимос қилаётганим

йўқ, буюряпман, тушунарлими? Ундан кейин сиз менга кўп бақираверманг, акс ҳолда...

— Барибир, тилимин боғлаб кўлмайсиз!

— Ҳали шунақами?! Иссиқ жойингизни совуттингиз нелиб қолди-ми? Унда бўшаш ҳақида ариза беришингиз мумкин!

— Ихтиёрингиз. Оёғингизга бош урмайман. Столингиз устида менинг аризам ётибди, деб ҳисоблайверинг!

Бир соатдан кейин Привальцев бошқармага кўнгироқ қилди:

— Кўнимсиз читта топчлди! Бир дон! Яна ним денг-а? Надрлар бўлимининг бошлиғи қочиб кетди ишдан! Жуда прамаслик қилди-да! Мен бўлсам унга шундай ишонардим — шундай ишонардимки..



## Кашанганинг юбилеи

Кашандалар бурчаги одам билан лиқ тўла: машхур нашанда Банги Султоннинг ҳаётига элли ва чекувчилик фаолиятига қирқ йил тўлиши муносабати билан, унинг ёр-биродарлари, олис-қичи мухлислари йиғилишган.

Кенса, мўтабар кашандалар саҳнага бир-бир чиқиб ўтиришди. Залда қарсан янгради.

Кечани кенса чекувчи Тамакиқул Қулдонов очди ва юбиларнинг ҳаёти ва чекувчилик фаолияти ҳақида доқлад қилиш учун таниқли таманишунос Уртоқ Носиқов Қазбеков (тахаллуслари—Кайфий)га сўз берди.

Н. Қазбеков залда паға-паға тутун бургисабтган нашанда ҳаммасларига салобат билан бир назар ташлаб олгач, икки марта қувиллаб йўталди-да, сўз бошлади:

— Ҳурматли ўртоқлар, бугун биз Банги Султон азамизнинг муборан тўйларини ўт-назоқдамиз. Мана, Банги азамизга бир қаранг. Қаршингизда тамани барг нухса тўнда тешилган ўпка билан мағрур ҳансираб ўтирибдилар. Энди ижозатингиз билан, юбиларимизнинг машаққатли, сертутун ва серйўтал йўлига қиснача тўхталиб ўтаман.

Банги Султон кашандалининг найфли йўлини ангаздан, эчки боқиб юрган пайтидан бошлади. Банги азамизнинг таланти болалиқдан уйғонган, ҳали ёш экан, сомонининг учини ёндириб, тутунини ичига тор-тәрди. Шунда унинг юрагига кашандалини-на муҳаббат ва бир умрлик садоқат уйғонди. У зинама-зина кўтарилди бошлади. Тон баргини қўриқиб, қозоғга ўраб чекди. Дадаси бозорга юборганида қайтишдан уриб қолиб, хуморини ёздагидан бўлди. Хуллас, келажак сертутун эди, ўз йўлидан бир қадам қайтмади.

Аmmo кашандалини қадрига етмаган ва эскилик ботқоғига ботиб қолган ота-онаси аввалига ёш Бангининг йўлига ров бўлмоқчи бўлдилар. Ленин Банги Султон азамиз ўз бахти учун бел боғлаб кўрашадиганлардан эди. У шундай қилди ҳам. Пана-пананда чекиб, ўз маҳоратини тинмай тақомиллаштириб борди.

Мен доқладга тайёрланаётганимда, бир ҳисобдан дўстинга юбиларнинг қирқ йил давомида чеккан папирос ва сигаретларини ҳисоблаб олдим. Мана, қаранг, қандай оромбахш рақамлар: агар ҳар кунни йигирма донадан папирос ёки сигарет чеккан бўлсалар, Банги азамиз қирқ йилда икки

юз тўқсон икки минг дона чекибдилар. Бу — ўн тўрт минг олти юз пачка деган гап. Буни ташийман деса, «ЗИС»нинг ўзини дўрттаси керак! Бир пачка «Казбен» тутуну отни ўлдирди, дейдилар. Юбиларимизнинг хизмати шундани, у ҳамон тирик. Офарин! Офарин, Банги Султон! Агар бу папирослар хумдонда ёқилса, мўридан етти кун тўхтовсиз тутун чиқиб туради. Пулига келсан, ўрта ҳисобда, уч минг сўм бўлади. Гиминглаган бир «Москвич»нинг пули. Ана шу машаққатларга матонат билан бардош берган юбиларимизни ҳар қанча олишласан, арзийди...

Зал қарсанга тўлиб кетди. Уртоқ Н. Қазбеков юбиларнинг тамани бургисан оғизларидан ўлгач, раис маҳаллий театр вакили ўртоқ Филтер Изларовга сўз берди.

— Ҳурматли ўртоқлар,— деб бошлади сўзини ўртоқ Изларов,— мен кўп гапирмоқчи эмасман, яхши биласиз, кўп гап мотодиклга юк. Менга Банги Султонни кўтлаш азифаси топширилганлигидан беҳад хурсандман. Банги шимириб-шимириб торган папиросларнинг тутунлари бизнинг димогимизга ҳам етиб бориб, дилимизни хушнуд қилган. Мен кўп минглик чекувчи томошабинлар номидан ва шахсан ўз номидан Банги Султонни улуғ айём билан муоборанбод этаман. Театримизнинг ҳўв муолишидаги чекманхоналари сиз учун доим ланг очиб. Марҳамат, келинг!

Зал бу кишини ҳам чапақ чалиб жойига ўтқазди.

Минбарга ёш шоир Беломор Ҳамдам кўтарилди. У нутқини шеър билан бошлади:

Амакижон, амаки,  
Чекаверинг тамани.  
Шундай хуррам замонда  
Чекмаганлар армонда!

Кечада ҳаваскор рассомлар «Сигарет ва портрет» деган расм соғга қилишди. Унда дунёдаги энг узун — бир метрлик сигарет ва Банги Султоннинг заъфарон юзи тасвирланган эди.

Кеча охирида Банги Султон ҳаммасларига чексиз миннатдорчилик билдирди ва ёш шоғирдларини ҳам кашандачиликка меҳрмуҳаббат руҳида тарбиялашга сўз берди.

Ҳайдар МУҲАММАД.

## ХАЛҚАРО ХИРГОЙИ

Мао, Мао, Мао,  
Шарисор бўлиб қолмао:  
Харита қирқамаи деб  
Қўлга қайчи олмао.  
Бу ишда куйганлар бор,  
Эсингдан чиқармао.

Мао, Мао, Мао,  
Ёиларида Лийн Бяо,  
Раҳбарлик составида  
Хотинию кўёо.  
Қўллар деб қўлнинг  
Киндагига қўло...

Муше Даён,  
Иши аён,  
Лекин арз-дод  
Қилар баён:  
— Мен беғуноҳ,  
Халқлар ёмон,  
Олам ноҳақ,  
Ноҳақ ООИ!

Вьетнамда куну тун  
Ёғдиради бомбани.  
Юшмоқ кўрен Парижда  
Увнштурмас думбани,  
Ойлар бўйи ўтириб,  
Тинчлигидан уради лоп...

Тили ширин жаллоднинг  
Оти нима — ўйлаб топ.

А. МУХТОР.

## ДЎЗАХМИ, ЖАННАТ?

Чаплиндан сўрашибди:  
— Чарли, у дунёда нимани хоҳлар эдингиз, жаннатини ёки дўзахни?

— Бунга бирдан жавоб бериш қийин,— депти буюк актёр,— об-ҳавоси, парварши десангиз, албатта жаннат тузуи. Ленин дилнаш улфатлар масаласида...



Хотин:— Дам олгани кетилман,  
Телефон:— Хайрият, мен ҳам жиндан дам оладиган бўлибман.

Сўзасиз...



М. ВОРОБЕИЧКОВ расми.

# БАҲОР ТАРОНАСИ

Е. Марго шеъри  
Allegro moderato

Ф. Соҳиқов музикаси

Гол.

Ба - хор на - зар бо - жам - да,  
гул ак - си я - но гий - да. Жа - ранг - лар ку - хо - шам  
ха ба - та - маз та - ро - на - си.  
Ба - та - маз та - ро - на - си.  
Гул ба - хор - нинг ба - хри бор,  
кр - нох - ларнинг ба - хри бор. Ол - тан юрт - на - гилди бор,  
жа - мат - дил фар - го - на - си.

Нақарот

Ле - ния о - та - хон, Ле - ния ча - рағ,  
сон. Ле - ния бо - ги - бон.  
но - ёб - дил за - мо - на - си  
св - о дил за - мо - на - си

Баҳор кезар боғимда,  
Гул акси ёноғимда,  
Жаранглар кулогимда  
Баҳтимиз таронаси,  
Баҳтимиз таронаси.

Гулбахорнинг баҳри бор,  
Ирмоқлари, наҳри бор,  
Олтин юрtnнг нақли бор,  
Жаннатдир Фарғонаси,  
Жаннатдир Фарғонаси.

## НАҚАРОТ

Ленив — Отахов,  
Ленив — чароғбон,  
Ленив — боғбон  
Иқбол гулистонига.

Баҳор бахти дугона,  
Латофатда Фарғона,  
Диллар унга парвона.  
Жаҳоннинг гулхонаси,  
Жаҳоннинг гулхонаси.

Машъаддир Шарқимизда,  
Доимо қалбимизда,  
Ифтихор халқимизда —  
Ейилмиш афсонаси,  
Ейилмиш афсонаси.

## НАҚАРОТ

Ленив — Отахов,  
Ленив — чароғбон,  
Ленив — боғбон  
Иқбол гулистонига.

Дилда ардоқлар башар,  
Баҳордек мангу ашар,  
Туй қувғи ярашар  
Баҳтимиз таронаси,  
Баҳтимиз таронаси!

Баҳоти 30-тийин  
Индекс 75233



Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,  
Қўшилиб чулғанса сенинг белиннга.  
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,  
Менинг билишимча, сенинг элиннга,

Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинг ўғлингман,  
эмасман меҳмон.

